

O'ZBEKISTON TARIXI

1/2016

HISTORY OF UZBEKISTAN





O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI



1

2016

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

Bir yilda to'rt marta
chigadi.

© O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

МУНДАРИЖА

Тарих масалалари

- Н. Алласва.** Хива хонлигининг Дашти Қипчоқ билан ўзаро алоқалари тарихининг айрим жиҳатлари 3
- Ш. Хўжаева.** Россия империясининг Осиё департаменти махфий топшириқлари тарихидан: П.И. Демезоннинг Бухоро амириликка «саёҳати» 11
- Н. Исматова.** Самарқанд вақф ҳўжалигида мутавалли лавозимига тайинлаш: анъанавий тартиб ва янги тизим амалиёти 19
- М. Тўхтаева.** XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон рассомлари дастлабки ижодий уюшмалари тарихидан 30
- С. Нуржанов.** XX асрнинг 30-йилларида Қорақалпоғистон матбуоти ва оммавий онг 37

Тарихшунослик ва манбашунослик

- О. Маҳмудов.** Толедо тадқиқот мактабида Шарқ олимларининг таржима қилинган асарлари хусусида 47

Этнология

- Х. Жуманазаров.** Ўзбек халқ таботатида устоз-шогирдлик анъаналари 61

Фикр ҳақида фикр

- А. Асқаров.** «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» асари бўйича билдирилган мулоҳазаларга жавоб 69

Юбилей

- А. Анарбаев.** Академик Аҳмадали Асқаровнинг Ўзбекистон археология фани ривожига қўшган ҳиссаси 78

Ёш тадқиқотчи минбари

- О. Жайнаров.** Туркистонда банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиш масалалари: мустақиллик даври илмий адабиётлари обзори 83

Илмий ҳаёт

- Ж. Адиллов.** «Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг манбашунослик соҳаси ривожига жонлиги». 2015 йил ҳамкорликда бажарилган наشرлар семинар-тақдироти хуусидан 93

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FANLAR AKADEMIYASI
KUTUBXONASI

СОДЕРЖАНИЕ

Вопросы истории

Н. Аллаева. Некоторые аспекты истории взаимоотношений Хивинского ханства с Дашти Кипчаком 3

Ш. Хужаева. Из истории секретных поручений Азиатского департамента Российской империи: «путешествие» П.И. Демезона в Бухарский эмират 11

Н. Исмадова. Назначение на должность мутавалли в Самаркандском вакфном хозяйстве: традиционный порядок и практика новой системы 19

М. Тухтаева. Из истории первых творческих объединений художников Узбекистана в 20-е годы XX века 30

С. Нуржанов. Пресса Каракалпакстана 30-х годов XX века и массовое сознание 37

Историография и источниковедение

О. Махмудов. Переводы трудов ученых Востока в исследовательской школе Толедо 47

Этнология

Х. Жуманазаров. Традиции наставничества в узбекской народной медицине 61

Мнение о мнении

А. Аскарлов. Ответ на суждения о книге «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» 69

Юбилей

А. Анарбаев. Вклад академика Ахмадали Аскарлова в развитие археологической науки Узбекистана 78

Трибуна молодого исследователя

О. Жайнаров. Вопросы формирования и развития банковской системы в Туркестане: обзор научной литературы периода независимости 83

Научная жизнь

Ж. Адиллов. «Роль Центрального государственного архива Республики Узбекистан в развитии источниковедения». О работе семинара-презентации по совместным публикациям 2015 г. 93

Таҳрир ҳайъати:

Дилором Алимова
(бош муҳаррир)

Равшан Абдуллаев

Баҳром Абдуҳалимов

Мируэрт Абусейтова

(Қозоғистон)

Бахтиёр Бабаджанов

Алишер Дониёров

Доно Зияева

Мирсодиқ Исҳоқов

Сурайё Каримова

(бош муҳаррир ўринбосари)

Нодира Мустафаева

Зоя Орифхонова

Мирзоҳид Раҳимов

Эдвард Ртвелалзе

Ильза Сиртаутас (АҚШ)

Рустам Сулаймонов

Темур Ширинов

Нозим Ҳабибуллаев

Назокат Қосимова

Шоира Асадова

(масъул котиб)

Манзилимиз:

100060. Тошкент ш.,
Шаҳрисабз 5-тор кўчаси.

Журнал Ўзбекистон
Мабуот ва ахборот агентлиги
томонидан рўйхатта олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди 18.04.2016.
Босишга рухсат этилди 30.05.2016.
Қоғоз бичими 70×100^{1/16}.
Таймс гарнитура. Офсет босма.
Офсет қоғози. Ҳисоб-нашриёт т. 6,0.
Шартли босма т. 7,8. 250 нусха.
Буюртма № 43.
Келишилган нарҳда.

Оригинал-макет «ILM ZIYO»
МЧЖ нашриёт уйида тайёрланди.
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.
«PAPER MAX» ХК
босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

ТАРИХ МАСАЛАЛАРИ

Н. АЛЛАЕВА

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ДАШТИ ҚИПЧОҚ БИЛАН ЎЗАРО
АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Худудий жиҳатдан чегарадош бўлган мамлакатлар тарихи бир-бири билан бевосита боғлиқдир. Шу жиҳатдан Хива хонлиги унга туташ қўшни Дашт аҳолиси билан доимо яқин ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келишган. Бир ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар иккинчи ҳудудга, уларнинг ўзаро муносабатлари эса, минтақадаги умумий вазиятга бевосита таъсир кўрсатган.

XV аср охири — XVI асрнинг бошлари Марказий Осиё минтақасида янги давлатларнинг, жумладан, ўзбек ва қозоқ хонликларининг ташкил топиши ҳамда кучлар нисбатининг тез-тез ўзгариб туриши билан характерланади. Шундай экан, хонликларнинг ташкил топиш жараёнидан бошлаб, кейинги тарихий тараққиёт босқичларигача бўлган ҳолатларда ўзаро алоқадорликни кузатиш мумкин.

XVI аср бошларида (1511 й.) ташкил топган Хива хонлиги ва шу муносабат билан содир бўлган воқеа-ҳодисаларда Дашти Қипчоқдан Хоразмга кириб келган кўчманчи уруғ вакиллариининг фаол иштирок этганлиги тарихдан маълум. Шу жиҳатдан, совет тарихшунослигида вужудга келган концепцияга кўра, Дашти Қипчоқдан Хоразмга кириб келган Арабшоҳийлар/Шайбонийлар¹ сулоласи вакиллари Элбарс ва Билбарс (Бийбарс) султонларнинг Хива хонлигига асос солганликлари таъкидланади. Аксарият адабиётларда бу жараёнга қисқагина тўхтаб ўтилган бўлиб, унда воқеаларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган маҳаллий аҳолининг ўрни эътибордан четда қолиб келди². Мустақиллик йилларида юзага келган Ўзбекистон давлатчилиги тарихига янгича ёндашув туфайли бу масалага ҳам диққат қаратила бошланди. 1993, 2012 йилларда нашр этилган фундаментал ишларда ҳамда 2013 йилда чоп этилган «Хорезм в истории государственности Узбекистана» ва бошқа қатор адабиётларда хонликнинг ташкил топишида маҳаллий кучларнинг роли, уларнинг ташаббуси кўрсатиб берилган бошланганлиги алоҳида аҳамият касб этади³. Бу адабиётларда «Шажараи турк»,

¹ Ю. Брегель кўрсатганидек, қўпгина замонавий олимлар ўз номини Жўчининг бешинчи ўғли Шайбоннинг авлоди бўлган Арабшоҳ ибн Пўлоддан олган бу сулола вакиллариини Арабшоҳийлар деб ҳам атайди: Bregel Yu. «Arabshahi». Encyclopaedia Iranica, ed. E. Yarshater. Vol. II (3). 1987. P. 243–245.

² Бартольд В.В. Хорезм. Сочинения. Т. 3. Москва, 1965. С. 549; ўша муаллиф. Узбекские ханства. Сочинения. Т. 2 (1). Москва, 1963. 268-б.; Bregel Yu. The Sarts in the Khanate of Khiva // Journal of Asian History. Vol. 12. №. 2. Wiesbaden, 1978. P. 123.

³ История Узбекистана. (XVI — первая половина XIX в.). Т. III. Ташкент, 1993, 476-б.; История Узбекистана (XVI — первая половина XIX в.) Т. 4. Ташкент: Фан АН РУз, 2012. 775-б.; Хорезм в истории государственности Узбекистана. Ташкент, 2013. 336-б.

«Фирдавс ул-иқбол» сингари маҳаллий манбалардаги маълумотлар асосида Хива хонлиги ташкил топиш жараёнининг жонли манзараси кўрсатиб берилди. Хусусан, манбаларнинг гувоҳлик беришича, мазкур тарихий жараёнларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи маҳаллий аристократия бошчилигидаги ўтроқ аҳоли бўлган. Жумладан, «Шажараи турк»да келтирилишича, 1510 йилда Хоразм ерларини ўз ҳукмронлигига киритган Эрон Сафавийларидан озод қилиш ва мустақил давлат тузиш учун бошланган ҳаракатнинг асосий ташаббускори Вазир шаҳрининг қозиси «Умар отлиқ ақли ва олим қори киши» бўлган. Абулғозихоннинг маълумот беришича, Умар қозининг даъвати билан шиа мазҳабининг тарғиботчиси бўлмиш Исмоил шоҳга қарши ҳаракат бошланган. Бу ҳаракатнинг ташаббускорларидан яна бири бўлган Боқирғондаги Сайид Ота наслидан Сайид Ҳисомиддин қаттолнинг тавсиясига кўра, Элбарс билан иниси Билбарс Дашти Қипчоқдан Хоразмга таклиф этилган. «Шажараи турк»да баён қилинишича, Вазир аҳолиси шаҳардаги қизилбош қўшинини бартараф этгандан сўнггина, шаҳар ташқарисида кутиб турган Элбарс султонни таклиф этишади ва «улуғ тўй қилиб ... [уни] хон кўтаришади»⁴.

Хива хонлиги ака-ука Элбарс ва Билбарс томонидан ташкил этилганлигини қайд этган М. Абусейтова ҳам, улар маҳаллий сўфий шайхларининг таклифига кўра, кўчманчи ўзбекларнинг кичик бир гуруҳи билан Хоразмга кириб келганлигини таъкидлайди⁵.

Элбарсхон вақт ўтиши билан Даштда қолган ўз қариндошларини Хоразмга таклиф этиш учун бекларга маслаҳат солганлиги унинг кейинги жараёнларда ҳам маҳаллий амалдорлар билан келишиб иш тутганлигини кўрсатади. «Шажараи турк»да қайд этилишича, «бир кун Элбарсхон бекларин чақириб айтибдур: бир оз эл бирлан мунда келдук. Элимизнинг кўпи қариндошларимиз қатида қолди. Эмди сизларга ўхшаса [маъқул келса], қариндошларимизни чақирсак деймиз» дея, маслаҳат солган⁶.

Кўриниб турибдики, Хоразмдаги Эрон қўшинларига қарши жанг қилиб, уларни аввал Вазир, сўнг Урганч ва бошқа шаҳарлардан чиқиб кетишини таъминлашда, бу билан мустақил давлат тузиш учун керакли шароитни яратишда маҳаллий аҳоли ва уларнинг бошлиқлари алоҳида роль ўйнаган. Чингизхон ўғли Жўчи авлодидан бўлган Арабшоҳийлар/Шайбонийлар сулоласи вакили Элбарсхоннинг Хоразм тахтига таклиф этилишини эса, ҳокимиятнинг легитимлигини таъминлашдаги муҳим сиёсий тadbир эди, деб изоҳлаш мумкин. Шу жиҳатдан, Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросон ерларини ҳарбий йўл билан қўлга киритган Муҳаммад Шайбонийхондан фарқли ўлароқ, Дашти Қипчоқдаги

⁴ Абулғозий. Шажараи турк / Нашрга тайёрловчилар Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. Тошкент, 1992, 121-б.

⁵ История Казахстана и Центральной Азии. Учебное пособие / Абусейтова М.Х. и др. Алматы: Дайк-Пресс, 2011. 288-б.

⁶ Абулғозий. Шажараи турк 123-б.

кўчманчи уруғларнинг 1511 йилда Хоразмга кириб келишини истилочилик ҳаракати эмас, балки маҳаллий аристократия ва аҳолининг розилиги билан уюштирилган ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида талқин қилиш мумкин.

Шу ўринда, кўрсатиб ўтиш жоизки, Мовароуннаҳр, жумладан Бухородагидан фарқли ўлароқ, Арабшоҳий Шайбонийларнинг Хоразмга кириб келиши қурол кучи билан эмас, маҳаллий элита ташаббуси билан амалга оширилганлиги тўғрисидаги фикр У. Абдурашулов томонидан ҳам илгари сурилган. Унинг қайд этишича, маҳаллий элитанинг қўллаб-қувватлаши, аниқроғи ташаббуси билан Хоразмда ҳокимият тепасига келган янги сулола вакиллари «жанубда Сафавийлар ва шарқда Шайбонийлар [Бухоро Шайбонийлари]нинг истилочилик ҳаракатига нисбатан ўз ўрнида қўйилган муқобил сифатида кўрилган эди»⁷.

Шу билан бирга, масаланинг моҳиятини фақатгина ташқи омиллар билан боғлаш кифоя эмаслигини қайд этган ҳолда, унинг ички жиҳатларига ҳам эътибор бериш лозим. Хусусан, Арабшоҳийлар сулоласи вакиллари Хоразм тахтига таклиф этилиши Эрон Сафавийлари ва Мовароуннаҳр Шайбонийларининг истилочилик сиёсатига нисбатан муқобил ҳаракат сифатидагина қаралмасдан, бу тадбир асосан, мамлакат аҳолиси, айниқса юқори табақа вакиллари орасида ҳукмдор ҳокимиятини мустаҳкамлаш, унинг қонунийлиги ва давомийлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлганлигини кўрсатиб ўтиш зарур.

«Шажараи турк»да қайд этилишича, Вазир ақобирлари дастлаб, Сайид Ҳисомиддин қаттолга бориб, «сизни подшоҳ қилалди, тақди қизилбошни қиралди», деб мурожаат қилишган. Масалани кенгроқ мушоҳада қилган Сайид Ҳисомиддин қаттол бу таклифни рад этган эди. Ҳокимиятнинг легитимлиги унинг давомийлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунган бу зот «менинг подшоҳлигимни халқ буқун қабул қилсалар ҳам, сўнг қойил қолмаслар [кейинчалик тан олмаслар], ... мен бир асл яхши подшоҳ топиб берайин», деган фикр билан Элбарс султонни хон қилиш таклифини ўртага қўйган эди⁸. Шу тариқа, Хива хонлигининг ташкил топишидек муҳим жараёнда Хоразм ва Дашти Қипчоқ халқлари ҳамда юқори табақа вакиллари узаро ҳамкорлиги ёрқин манзараларда намоён бўлади. Шу ўринда икки ҳудуд муносабатларининг характерини, унинг муҳим хусусиятларини белгилашда катта таъсирга эга бўлган ички ва ташқи омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Сулолавий курашлар, ҳокимиятнинг тез-тез алмашинуви, халқ чиқишлари — булар ўрта асрлар жамиятига хос ҳолат бўлиб, айнан улар бир-бирига қўшни бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашни, ўз ўрнида ҳарбий-сиёсий иттифоқчилик алоқаларини йўлга қўйишни тақозо этган. Ана шундай сиёсий беқарорлик даврида бевосита Хива ва Қозоқ хонлари ўртасидаги дипломатик алоқалар «Шажараи турк» ва «Фирдавс ул-иқбол» асарларида хронологик жиҳатдан XVII аср биринчи чорагида тилга олинади.

⁷ Хорезм в истории государственности Узбекистана 150-б.

⁸ Абулғозий. Шажараи турк 121-б.

Хусусан, тарихчи Муниснинг кўрсатишича, Хива хони Исфандиёрхон (1623–1643)нинг юритган сиёсати туфайли унга муҳолиф бўлиб қолган ўзбек уруғларининг турли ҳудудларга, шу жумладан қозоқлар олдига кетиб қолиш ҳоллари авж олган⁹. Хоннинг укаси, Абулғозихоннинг ўзи ҳам унинг тазйиқи остида мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлган эди. Бу жараёнда у вақтинча Қозоқ хонлари, жумладан Эшимхон ҳузурида бўлган¹⁰. Абулғозихоннинг ўзи бу ҳақда: «Шариф Муҳаммад (укаси) Бухорога кетти. Мен қозоқга кетдим, Туркистонда Эшимхон қатинда уч ой турдим», деб маълум қилади¹¹.

«Шажараи турк»да келтирилишича, «Тошкентда бўлган қозоқнинг хони Турсунхон» Туркистонга келган вақтда Эшимхон унинг ҳузурига Абулғозихонни олиб борган. Хива султонини таништирар экан:

«... бу Ёдгорхоннинг ўғли Абулғози турур. Ҳеч қачон бизга келиб бу жамоатдин киши кўноқ бўлғони йўқ эди. Биздин борган кўп турур. Бу сизнинг хизматингизда бўлгани яхши», дея таъкидлаган¹².

Шундан сўнг, Абулғозихон Тошкентда Турсунхон ҳузурида яна икки йил яшаб қолган.

Келтирилган маълумотдан хулоса қилиш мумкинки, Хива хонлари хонадонидан шу пайтга қадар ҳеч ким қозоқлар ҳудудига юборилмаган бўлса-да, у томондан Хоразмга келиб-кетувчилар кўп бўлган. Зеро, қозоқ султонлари ҳам Даштдаги ўзаро ички курашларда Хива хонларининг қўллаб-қувватлашидан манфаатдор бўлишган.

Хива хони Шерғозихон даврида (1714–1728) унинг ҳарбий ютуқлари овозаси атрофга тарқалганда, қўшни ҳудуд ҳукмдорлари ва қабила бошлиқлари қаторида қозоқ сардорлари ўз элчиларини Хивага юборишган. «... Ул жумладин қазоқия тавоифидин Фўлод тўра ва Қабон бий ва Бароқ бий подшоҳликқа лойиқ пешкашлар била остонбўслиққа келдилар», деб таъкидланади «Фирдавс ул-иқболда»¹³.

Айниқса, Хивада сиёсий барқарорликни таъминлаб, хон ҳокимиятини мустаҳкамлашга муваффақ бўлган кўнғиротлар сулоласи ҳукмдорлари даврида уларнинг қозоқ жузларига таъсири катта бўлган. Жумладан Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825) кўп ҳолларда у ёки бу қозоқ султонлари ва хонларини қўллаб-қувватлаган ҳамда бунинг эвазига Сирдарё бўйидаги қозоқ овуллари Хивага солиқ тўлаб турган. «Фирдавс ул-иқбол»да кўрсатилишича, хон билан муносабатларини янада мустаҳкамлашга интилган Кичик қозоқ жузи хонларидан Шерғозихон «қазоқ ашрофи била бир қизинким, ҳазрат аълохоқонга пешкаш келтуруб, итоат ва убудият маросимин тақдимга еткур»ган¹⁴.

⁹ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. 89-б.

¹⁰ Ўша манба, 90-б.

¹¹ Абулғозий. Шажараи турк 174-б.

¹² Ўша жойда.

¹³ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол 98-б.

¹⁴ Ўша манба, 442-б.

Кўриб ўтилган ички омиллар билан бирга турли ташқи таъсирлар, хусусан, кўшни давлатларнинг истилочилик ва мустамлакачилик сиёсати Хива-Қозоқ алоқаларини мустақамлашни тақозо этган омиллардан яна бири ҳисобланади.

XVIII асрнинг иккинчи чораги Хива хонлиги учун ҳам, қозоқ жузлари учун ҳам ички парокандалик ва сиёсий тарқоқлик, шу билан бирга кўшни давлатларнинг йирик истилочилик юришларига дучор бўлган даври ҳисобланади.

Жунғорлар ҳужуми ҳамда Россиянинг «Шарқ сиёсати» ва унинг Дашт худудидаги сиёсий-иқтисодий манфаатлари Қозоқ хонлигидаги вазиятни оғирлаштирган ташқи таъсирлар эди.

1723 йил Қозоғистон тарихига «Ақтабан шубрынды» («Великое бедствие»), яъни катта ҳалокат сифатида кирган эди. Ана шундай даврда қозоқлар турли шаҳарларда, жумладан Хоразм ерларида паноҳ топишган. Ч. Валихоновнинг қайд этишича, «кутурган жунғорлар»нинг қувғини оқибатида қозоқлар «хуркиган сайғоқлар подаси» сингари жанубга қочарди: Ўрта жуз Самарқанддан, Кичик жуз аҳолиси эса, Хива ва Бухородан паноҳ топган¹⁵.

Ана шундай шароитда Дашти Қипчоқ худуди, жумладан қозоқ жузлари ҳаётида Россия империяси фуқаролигини қабул қилиш масаласи пайдо бўлди. Натижада, бу давр Хива-Қозоқ муносабатларида рус ҳукуматининг аралашуви яққол кўзга ташланади. Бу масала Хива-Қозоқ алоқалари тарихининг катта бир қисмини ва муҳим йўналишини ташкил этгани боис, уни алоҳида тадқиқотда кўриб чиқиш лозим бўлади. Бу даврда Хива хонлигига таҳдид солган энг катта ташқи хавф сифатида эса, Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг юришини кўрсатиб ўтиш мумкин. Айнан шу даврдан бошлаб, Хива хонлигидаги сиёсий инқироз кучайиб, тарихда «хонбози» деб ном олган ҳолатни юзага келтирган эди.

Эрон ҳукмдори Нодиршоҳнинг Ўрта Осиё, жумладан Хива хонлигига юриши (1740) бу ерда марказий хон ҳокимиятининг инқирозини охирига етказган эди. Шу жиҳатдан, сиёсий майдонда катта нуфузга эга бўлган «оталиқ», «иноқ», «бий» сингари юқори лавозим эгалари, ҳарбий саркардалар марказий ҳокимиятни қўлга киритиш ҳамда ўзларининг сиёсий мавқеини тиклашга интилар эди. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, мўғуллар истилосидан кейин Марказий Осиё худудида давлатнинг олий ҳукмдори, асосан, Чингизийлар авлодига мансуб хонлар сулоласидан бўлиши лозим эди. Шунинг учун, Хоразмда бундай шахслар бўлмаган ҳолларда, хон ҳокимиятининг легитимлигини таъминлаш мақсадида Чингизхон авлодларига мансуб Қозоқ хонлари Хива тахтига таклиф этилган. Чингизийлар авлодига мансуб шахзодалар бу даврда Эрон давлати ва Бухоро хонлигида ҳам мавжуд эди. Аммо, ўзаро сиёсий вазият ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб, Хоразм элитаси Хива хонлиги тахтига номзодларни, асосан, Дашти Қипчоқдан таклиф этишган.

¹⁵ Басин В.Я. Казахстан в системе внешней политики России в первой половине XVIII века // Казахстан в XV–XVIII вв. (Вопросы социально-политической истории) / Отв. ред. Б.С. Сулейменов. Алма-Ата, 1969. 74-б.

Кўғирчоқ хон сифатида Хива хонлиги тахтига ўтказилган қозоқ султонларининг тез-тез алмашиб туриш ҳолатини воқеалар замондоши бўлмиш Абд ал-Карим Бухорий топқирлик билан «хонбози» («хон бўлиш ўйини») деб атаган эди¹⁶.

1819–1820 йилларда хонликда бўлган рус элчиси Н. Муравьев қозоқ султонларининг Хива тахтига ўтказилиши борасида нотўғри хулосага келган эди. Рус элчиси «илгарилари қирғиз-қайсоқ [қозоқ] хонлари хиваликларнинг заифлигидан фойдаланиб, уларга катта таъсир ўтказишган, шу боис ўрда [қозоқ жузи]дан одам чақириб, тобелик рамзи сифатида ўзларининг хони деб эълон қилиш расм бўлган эди» деб, маълумот беради¹⁷. Лекин, ўша даврнинг машхур тарихчиси Н. Веселовский Н. Муравьевнинг фикрлари асоссиз эканлиги ҳамда қозоқ хонлари номигагина тахтада ўтириб, маҳаллий аристократия вакиллари улардан хон ҳокимияти легитимлигини таъминлашдагина фойдаланишганлигини уқтиради¹⁸.

Н. Веселовский Хива тахтидаги «кўғирчоқ хон»ларнинг ҳолати ва мавқеи масаласига тўхталар экан, «ворисийлик асосида эмас, бошқа халқлардан сайланган хонлар, табиийки сайловчи шахсларга маълум даражада қарам бўлиши керак эди», деб таъкидлайди¹⁹.

Рус асири Яков Петровнинг хотиралари «кўғирчоқ хон»ларнинг амалдаги мавқеи ва ҳолати ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради:

... барча ишларни Аваз иноқ бошқаради, қандайдир қорақалпоқ [қирғиз-қайсоқ/қозоқ] эса хон деб ҳисобланар эди. У фақатгина хон номига эга холос, бошқарувга эса аралаштиришмайди. Фақат «ўлим жазоси»ни тасдиқлашдагина унинг иштироки керак. Бундай ҳолларда Аваз иноқ унга мулозамат билан «хон ҳазратлари» деб мурожаат этади ва масалани баён қилади. Бу қорақалпоқ [қирғиз-қайсоқ/қозоқ] эса, «ўзларингга ҳавола биродарлар» дея, қўл силтаб қўяди²⁰.

Албатта, бундай сохта мулозамат ва хоннинг «давлат ишларидаги иштироки» халқнинг кўз ўнгида ҳокимият қонунийлигини таъминлаш ҳамда уларни хотиржам қилиш учун керак эди. Н. Веселовский таъкидлаганидек, шу боис ҳам хон йилда уч маротаба халқ олдига кўринишга олиб чиқилган ва гарчи

¹⁶ Абдурасулов У. От Арабшахидов к Кунградам: динамика и политический ландшафт Хорезма в период правлений двух династий // O'zbekiston tarixi, 2013. № 2. 21–22-б.

¹⁷ Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. гвардейского Генерального Штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров. Москва, 1822. Ч. II. 44–45-б.; Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. С-Пб., 1877. 269-б.

¹⁸ Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве 269-б.

¹⁹ Ўша манба, 212-б.

²⁰ Ўша манба, 245-б.

сохта бўлса-да, лозим бўлган эҳтиром кўрсатилган. Барча муҳим ишлар хоннинг муҳрисиз амалга оширилиши мумкин эмас эди, айниқса, «ўлим жазоси»-ни тайинлашда хоннинг тасдиғи зарур бўлган. Расмий қайдномаларга таянган муаллифнинг кўрсатишича, «барча фармон ва ҳукмлар хон номидан чиқарилишига қарамай, унинг ўзи бу ҳақда ҳеч нарса билмас эди»²¹.

Яков Петров ҳеч нарсадан беҳабар ва давлат ишларига бефарқ бўлган хоннинг «беташвиш» ҳаёти ҳақида яна шуларни маълум қилган:

... у шаҳар ташқарисидаги ўзига белгиланган ва махсус қоровул тайинланган уйда яшайди ва ундан ташқарига чиқа олмайди. Бу одам ёш бўлиб, ҳеч қандай юмушсиз ҳовлида болалар билан ўйнаб юради. Унинг бир нафар хотини бор эди, кейин бошқасини хоҳлаган эди, уни олиб беришди. [Юртда] бадавлат кишилар тўй қилишса, уни ҳам таклиф этишади. Шунда унга ҳашаматли парчали либос кийдиришиб, отга ўтқазишади ва маросим билан шаҳар бўйлаб олиб ўтишади. Зиёфатда ярим соатча ўтиргач, уни ортига қайтаришиб, яна қамаб қўйишади²².

«Фирдавс ул-иқбол»да келтирилган маълумотлар ҳам қозоқ хонларининг аҳволи ҳақида атрофлича тасаввур ҳосил қилади. Гарчи, давлатни мустақил равишда бошқаришга интилган бўлса-да, бунга эриша олмаган Ғойибхоннинг ҳукмронлик даври (1746–1756) ҳақида:

анинг замонида ... мулкнинг ҳаллу ақди [давлат бошқаруви] Хўрозбекнинг қабзай иқтидор ва сарпанжаи ихтиёрида эрди. Ва Ғойибхонда маҳзи отдин бошқа нима йўқ эрди. Бу жиҳатдин хон бағоят саргардон эрди, дея таърифланади манбада²³.

Қайд этиш лозимки, маҳаллий аристократиянинг ҳар қайси гуруҳи ўзларига ён босадиган «қўғирчоқ хон»ларни тахтга ўтқазишга ҳаракат қилиши оқибатида ички курашлар авж олиб кетган эди. Бу курашлар XVIII аср 70-йилларида янги Қўнғиротлар сулоласи томонидан ҳокимиятнинг эгалланишига қадар давом этди. XIX аср бошларида марказий ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши Хива-Қозоқ алоқаларининг ҳам янги босқичга ўтишига сабаб бўлдики, бу масала алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиб кўрсатиш мумкинки, Хива хонлигининг ташкил топиш жараёнида маҳаллий ўтроқ аҳоли ва аристократия вакиллари бош ролни ўйнаган. Дашт лидерлари ушбу жараёнда фаол иштирок этиб, ҳокимиятнинг легитимлигини таъминлашда муҳим ўрин тутган. Дашти Қипчоқдан кўчманчи уруғларнинг Хоразмга кириб келишини истилочи-

²¹ Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве 248-б.

²² Ўша манба, 246-б.

²³ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол 105-б.

лик ҳаракати эмас, балки маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликда содир бўлган сиёсий жараён сифатида баҳолаш мумкин. Хива хонлиги ва қўшни Дашт халқлари тарихини ўзаро алоқадорликда ўрганиш давлатчилик масалаларини чуқурроқ тушуниб етишга хизмат қилади. Хива-Қозоқ алоқалари Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиятга катта таъсир кўрсатган. Икки ҳудуд муносабатлари асосан «ўзаро манфаатли муносабатлар» кўринишида намоён бўлган. Шунингдек, Хива-Қозоқ муносабатларининг ҳолатига таъсир кўрсатган асосий омиллар сифатида ички сиёсий воқеалар (марказий ҳокимият учун ўзаро курашлар, халқ чиқишлари) ва ташқи таъсирлар (қўшни давлатларнинг истилочилик ҳаракатлари) ҳамда табиий-иқлимий ўзгаришларни қайд этиш мумкин.

Н. АЛЛАЕВА

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ДАШТИ ҚИПЧОҚ БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Мақола 1511 йилда ташкил топган Хива хонлигининг Дашти Қипчоқ халқлари, жумладан кўчманчи ўзбек уруғларининг бошлиқлари ҳамда XVII—XVIII асрларда қозоқ жузлари билан ўзаро алоқалари тарихини ёритишга бағишланган. Унда «Хива хонлигининг ташкил топишида Дашт лидерларининг иштироки» (XVI аср бошлари) ҳамда «Қозоқ хонларидан Хива тахтига ўтқазилган қўғирчоқ ҳукмдорлар: «хонбози» ҳолати» (XVIII асрнинг иккинчи чораги — XIX аср бошлари) масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Хива хонлиги, Дашти Қипчоқ, қозоқ жузлари, қўғирчоқ хонлар, хонбози, хон бўлиш ўйини, Хива-Қозоқ алоқалари.

Н. АЛЛАЕВА

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ИСТОРИИ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ ХИВИНСКОГО ХАНСТВА С ДАШТИ КИПЧАКОМ

В статье раскрываются взаимосвязь Хивинского ханства, образовавшегося в 1511 г., с Дашти Кипчаком и его отношения с Казахскими джузами в XVII—XVIII вв. Проанализированы вопросы участия Дашти Кипчакских лидеров в образовании Хивинского ханства (начало XVI в.), а также период «марионеточных» Казахских ханов на троне Хивинского ханства: «ханбазы» — игра в ханы.

N. ALLAEVA

SOME ASPECTS OF THE HISTORY OF INTERRELATIONS BETWEEN THE KHIVAN KHANATE AND DASHT-I QIPCHAQ

The paper illuminates the interrelations of the Khanate of Khiva, which was established in 1511, with Dasht-i Qipchaq and the Kazakh Hordes in 17–18th centuries. It analyzes the question of participation of Dasht-i Qipchaq's leaders in the process of establishment of the Khivan Khanate (beginning of the 16th century) and the period of «puppet» Kazakh khans in the throne of Khiva: «khanbazi» — a game of being khan (the end and quarter of the 18th century — the beginning of the 19th century).

Ш. ХУЖАЕВА

**РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ОСИЁ ДЕПАРТАМЕНТИ МАХФИЙ
ТОПШИРИҚЛАРИ ТАРИХИДАН: П.И. ДЕМЕЗОННИНГ БУХОРО
АМИРЛИГИГА «САЁХАТИ»**

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб, Ўрта Осиёдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазият Россия империяси учун нафақат Бухоро амирлиги, балки бутун Ўрта Осиё ҳудуди ҳақида батафсил маълумотлар тўплаш мақсадида турли рус олимлари, сайёҳлар, савдогарлар, ҳарбийлар ва ҳатто асирлар хизматидан фойдаланишга катта имкон яратган эди. Бунда Россия империясининг асосий мақсади Ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва минтақадаги ўз мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

Жумладан, рус шарқшунос олимларидан бири Петр Иванович Демезоннинг Бухоро амирлигига 1833 йилда уюштирилган «саёхати» юқоридаги мулоҳазаларга мисол бўла олади. Россия ҳукумати П.И. Демезонни ҳар томонлама муҳофаза қилиш учун унга «Мирзо Жаъфар» исмини бериб, уни Бухоро амирлигига татар муллasi қиёфасида юборган. Унинг мусулмон муллasi сифатида танилиши, шарқ тилини ҳамда шарқона урф-одатларни билиши унга юклатилган маҳсус топшириқларни бажаришда жуда қўл келган. Шу боисдан, П.И. Демезон ўз кундалигида «агар мени мусулмон муллasi сифатида танишмаганида, мен кўп нарсани билмас эдим», — деб ёзган эди¹. Мирзо Жаъфар Бухоро амирлигидаги энг йирик масжид ва мадрасаларга ташриф буюриб, у ердаги талабаларнинг турли мавзулардаги баҳс-мунозараларида иштирок этган ҳамда замонасининг илғор фикрли зиёлилари билан танишган.

1833 йил 11 ноябрда Россиянинг Орск шаҳридан рус савдогарларининг куз мавсумидаги охири савдо қарвони билан татар муллasi қиёфасида Мирзо Жаъфар ҳам йўлга чиққан. Бу савдо қарвонининг қарвонбоҳиси бухоролик Ниёз Муҳаммад бўлиб, унинг йўлбошловчиси тажрибали қозоқ Алмат бўлган. Мазкур савдо қарвони Бухоро амирлигига салкам 45 кун деганда, яъни 1833 йилнинг 26 декабрида етиб борган². П.И. Демезон қарвон йўлларида юрганидаёқ ҳар бир ҳудудлардаги ер майдонлари, қарвон йўлларидаги сув қудуқларининг жойлашган ўрни, ўрмон ёки бутазорлар, дарёларни айланиб ўтиш йўллари, дашт ҳудудида яшайдиган маҳаллий халқлар ҳақида жуда муҳим ҳарбий-стратегик маълумотларни ҳам тўплаган.

1834 йил январь ойида Масжиди Калонга кириб келиб, ўзини татар муллasi Мирзо Жаъфар деб таништирган 30 ёшлардаги П.И. Демезон тожик тилида ва ўзбек тилининг татар шеvasида бемалол сўзлаша олган. Унинг ўзини тутишидан гўёки бой зодагон оиласига мансублиги ва асл насаби ашрофлардан экани

¹ ЎЗР МДА, Р-2681-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғмажилд, 8-варақ.

² В еселовский Н.И. История Имперского Русского Археологического общества за первые 50 лет его существования. 1846—1896. С-Пб., 1900. 24-б.

яққол кўриниб турган. Тез орада Россиядан бир татар мулла келгани бутун Бухоро шаҳри бўйлаб овоза бўлиб кетган. Сўнгра бухороликлар уни масжид ва мадрасаларда, тим ва тоқ каби йирик бозорларда, китоб расталари, шаҳарликларнинг турли тadbирларида кўрадиган бўлишган.

Шу ўринда Мирзо Жаъфар номи билан Бухорога келган рус сайёҳи, олимнинг шахси ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир.

П.И. Демезон 1807 йили Сардиния қироллигидаги Шамбери³ шаҳрида шифокор оиласида туғилган. Унинг Россия давлатига қандай келиб қолганлиги ҳақидаги маълумотлар ўрганилган архив ҳужжатлари ичида топилмади. 1824 йили П.И. Демезон олий маълумот олиш учун Россия халқ маорифи министри фармойиши билан давлат ҳисобидан ўқитиладиган талаба сифатида Қозон университетига ўқишга қабул қилинган⁴. Олий ўқув юртини тамомлаши билан Петр Иванович машҳур шарқшунос олим Г.М. Влангалидан шарқ тилларини ўрганиш учун Россиянинг йирик шаҳарларидан бири бўлган Санкт-Петербург университетида мустақил изланувчи илмий тадқиқотчи сифатида юборилган. Санкт-Петербург университетида П.И. Демезон шарқ тилларидан ташқари бошқа турли дунёвий фанлар бўйича ўқиладиган маърузаларда ҳам фаол иштирок этган.

1829 йилнинг 1 апрелидан П.И. Демезон ўзининг педагогик фаолиятини Қозон университетида шарқ тилларидан талабаларга маърузалар ўқишдан бошлаган. Петр Иванович педагогик фаолияти билан бирга шарқ тиллари бўйича илмий изланишлар ҳам олиб борган. Шу боисдан, П.И. Демезон Қозон университетида шарқ адабиётидан оғзаки ва ёзма имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб, 1831 йил 20 февралда шарқ тиллари бўйича филология фанлари номзоди илмий унвонини олишга муваффақ бўлган.

П.И. Демезон 1831 йилнинг 26 февралдан Россия Халқ маорифи вазирининг рухсати билан олти йиллик муддатга Оренбургдаги Н.И. Неплюев кадет корпусига (ҳарбий билим юртига) давлат ҳисобидан ўқитиладиган талабаларга араб ва форс тилларидан дарс бериш ва тарбиячи сифатида хизмат мажбуриятини бажариш учун юборилган.

Оренбург шаҳрида талабаларга мураббийлик қилиши билан бирга П.И. Демезон 1831 йилнинг 4 сентябридан Оренбург чегара комиссиясида шарқ тилларидан таржимонлик фаолиятини ҳам бошлаган⁵. Ўз илмий фаолияти давомида шарқ тиллари, Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлари ҳамда мусулмон этикети бўйича билимларини бойитиб бориши П.И. Демезонга Ўрта Осиёдаги тарихий воқеаларни тўғри тушуниши ва таҳлил этишида жуда катта ёрдам берган.

³ Сардиния қироллиги ҳудудига киритилган Шамбери шаҳри Франция давлатининг жануби-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, 1798 йилдан 1814 йилгача Франция давлатидаги Наполеон Бонапарт тузган империя таркибида бўлган — *Ш.Х.*

⁴ Оренбург вилояти давлат архиви. Р-6-фонд, 7-руйхат, 778-йиғмажилд, 1-2-варақ. (Россия Федерациясида сақланаётган архив маълумотлари илмий маслаҳатчи, профессор Ш. Воҳидов томонидан тақдим этилган — *Ш.Х.*)

⁵ Веселовский Н.И. История Имперского Русского ... 23-26-б.

Бу борада Россия давлати Ташқи ишлар вазирлиги архивида сақланаётган архив ҳужжатлари қимматли маълумотларни беради⁶.

Ушбу ҳужжатлар жамланмаси Оренбург ҳарбий губернатори В. А. Перовскийнинг 1833 йил 26 сентябрда Осиё ташқи ишлар департаменти директори К.К. Родофиникинга ёзган мактубидан бошланган.

Мазкур мактубда «Бу ўлканинг чегара ортидаги савдо-сотик алоқаларининг аҳволи, қўшни давлат халқлари билан ўзаро муносабатлар, божхоналар фаолияти ҳамда Ўрта Осиёнинг барча вилоятларида содир бўлаётган воқеалар ҳақида аниқ ва батафсил маълумотлар» тўплаш зарурлиги алоҳида қайд этилган. Шунингдек, В.А. Перовский Ўрта Осиё бозорларида Ҳиндистон ва Афғонистондан келтирилган инглиз савдо моллари кўпайиб бораётганидан ташвишланаётган эди. Шунинг учун ҳам ҳарбий губернатор элчилар ҳукумат томонидан эмас, балки маҳаллий бошқарма томонидан юборилса ҳар доим қониқарсиз бўлган, осийликлардан олинган маълумотларнинг узоқ ушланиб қолишининг олди олинар ҳамда турли тушунмовчиликларга барҳам берилиши мумкин бўларди деб ҳисоблаган.

П.И. Демезонга Оренбург ҳарбий губернатори В.А. Перовскийнинг мактубини Бухоро амири Бош вазири, яъни қўшбегининг шахсан ўзига топшириш вазифаси ҳам юклатилган. Шу мактуб орқали россиялик Мирзо Жаъфар Бухоро амирининг Бош вазири билан учрашиш имкониятига эга бўлган. Ушбу мактубда В.А. Перовский Бухоро ва Россия ўртасидаги ўзаро муносабатларни ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдаги барча тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриши баён этилган. Шу билан бирга Мирзо Жаъфар орқали Бош вазир — қўшбегининг шахсан ўзи учун ҳарбий губернаторнинг алоҳида эсдалик совғалари ҳам бериб юборилган⁷.

Бухоро амирлигида Мирзо Жаъфар олти ой саёҳатда бўлиб, ўзига юклатилган вазифаларнинг деярли барчасини бажаришга ҳаракат қилган. Жумладан, бир неча бор Бухоро амирининг қўшбегиси, шайхулислом ҳамда йирик амалдорлари билан учрашиб суҳбатлашган ва яқиндан танишган. Амирликнинг ички ва ташқи савдо-иқтисодий алоқалари, ҳарбий кучлари, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзи ҳақида ҳам тарихий фактлар асосида қизиқарли маълумотлар тўплаган.

Оренбург ҳарбий губернатори В.А. Перовский томонидан П.И. Демезонга Бухоро амирлигидаги «саёҳати» даврида амал қилиши лозим бўлган 25 та бўлимдан иборат расмий кўрсатма берилган. Бироқ, ушбу мақолада мазкур масалага оид архив ҳужжатларидан олинган олтига кўрсатма ҳақида батафсил маълумотлар келтирилади.

Жумладан, *биринчи кўрсатма* Бухоро амирлигининг умумий аҳволини аниқлашга қаратилган бўлиб, унда:

⁶ Россия Ташқи ишлар вазирлиги архиви. (Дело об отправлении переводчика Оренбургской пограничной комиссии П.И. Демезона в Бухару, 1834). Хужжат № 1, 26-варақ.

⁷ Оренбург вилояти давлат архиви, Р-6-фонд, 7-рўйхат, 778-йиғмажилд, 11-варақ.

а) бухороликларнинг Россия империясида жойлашиш тартиби, амирлик давлатининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда улар норозиликлари сабабларини аниқлаш;

б) Бухоро давлати бошқарувида иштирок этган шахсларни ва катта таъсир кучига эга бўлган мансабдорларни билиб олиш;

в) пахта ва ипак хомашёларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш қай даражада кучайтирилганлигини аниқлаш каби тавсиялар берилган⁸.

Иккинчи кўрсатма Бухоро амирлигининг айрим қўшни давлатлар билан савдо муносабатларига тааллуқли бўлиб, унда:

а) Бухоро амирлигининг Шарқий Туркистон, Кўқон хонлиги, Афғонистон, Бадахшон ўлкаси (Тожикистон) ва Эрон давлатлари билан олиб борган савдо алоқаларини;

б) Оренбург ҳукуматини қизиқтирган, амирликнинг қирғизлар билан турли савдо молларини айирбошлаши ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлган ёки бўлмаганлигини;

в) Россия-Бухоро савдо алоқаларида нима учун бухоролик савдогарлар металлдан ясалган буюмларни эмас, балки металлнинг ўзини кўпроқ олиб кетаётганлигини ўрганиш;

г) Россиядан олиб кетилаётган савдо моллари турини кенгайтириш имкониятлари мавжудлигини аниқлаш зарур бўлган.

Учинчи кўрсатма Оренбург ҳарбий бошқармаси учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган Бухоро амирлигининг Буюк Британия билан ўзаро муносабатларига тегишли бўлиб, унда:

а) амирлик аҳолисининг инглизлар ва Ост Индия компанияси ҳақидаги фикрларини билишга;

б) Бухорода бўлган инглизлар хатти-ҳаракатлари таъсири нималардан иборатлигига;

в) Бухорога бир йил мобайнида инглиз моллари ва Эрон, у орқали Туркия давлатларидан қанча миқдорда савдо моллари келтирилганлигига;

г) келтирилган турли савдо молларининг сифати қандайлиги, қандай нархларда сотилганлиги ҳамда бу молларнинг ҳаммаси сотиб олинган ёки олинмаганлиги ҳақида тўлиқ маълумотлар тўплашга алоҳида эътибор қаратилган.

Тўртинчи кўрсатма Хива хонлигининг сиёсий-иқтисодий аҳволини ўрганишга қаратилган бўлиб, унда:

а) хивалик савдогарлардан кўчманчи қозоқлар олган маълумотга кўра, Амударё ўз оқимини ўзгартириб Каспий денгизига қуйилаётганлиги;

б) Хивада ўтган ёз ойидаги сув тошқини туфайли Амударё ўз оқимини ўзгартирганлиги ва бу талофат сабабли буғдой экилган майдонлар катта зарар кўрганлиги;

⁸ ЎзР МДА, Р-2681-фонд, 1-руйхат, 60-йиғмажилд, 4-варақ.

в) қозоқлар маълумотиға кўра, Хивада қимматчилик, нон танқислиги ва очарчилик туфайли ўтган қиш ойида маҳаллий аҳоли шаҳарни тарк этганлиги ҳамда аҳоли сони кескин камайиб кетганлиги;

г) Хива хонлигининг бу табиий офатни бартараф этишдаги ожизлиги сабаблари кўрсатиб берилиши;

д) Эрон шоҳи Аббос Мирзо Хива хонлигидаги вазиятни инобатга олган ҳолда хиваликларни жазолаш ҳақидаги фармонини бекор қилгани ҳақидаги миш-мишларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилган⁹.

Бешинчи кўрсатма Сирдарё бўйи аҳолисининг иқтисодий ҳолатини ўрганишга қаратилган бўлиб, унда:

а) 1830 йилнинг бошиданок, Оренбург ҳарбий бошқармаси томонидан бу туманлар ўрганила бошлаганлиги;

б) иқтисодий ўзгаришлар ва маҳаллий кўчманчи қозоқ аҳолисининг Кўқон феодаллари жабр-зулмидан озод этилиши;

в) келажакда Сирдарё бўйи туманларида рус аҳолиси учун уй-жойлар қуриш режаси тузиб қўйилганлиги ҳақида маълумотлар тўплаш зарур бўлган.

Олтинчи кўрсатма Сирдарё бўйидаги кўчманчи аҳолининг ҳаёти ва рус асирлари ҳақида маълумотлар тўплашга қаратилган бўлиб, унда:

а) кўчманчи аҳоли ўз савдо моллари ва ғалла маҳсулотларини қаерда айирбошлашини;

б) кўчманчи қозоқ аҳолисиға Хива хонлигининг тинимсиз жабр-зулм қилиши ва улар аҳволини янада оғирлаштиргани;

в) кўчманчи қозоқларнинг Россия империясига яқин ҳудудларда кўчманчилик билан ҳаёт кечиришга розилигини;

г) Сирдарё бўйларида пахта ва буғдой экинларини етиштириш мумкинлиги ва уларни суғориш учун Сирдарёдан тармоқли каналлар чиқариш имконияти бор ёки йўқлигини;

д) Хива хонлигидаги рус асирларининг жами сони, Бухоро амирлигида «Хивадаги рус асирларини сотиб олувчиларни» ахтариб топиш, рус асирларини амирликдан савдо қарвонлари орқали Россияға жўнатиб юбориш имкониятлари бор ёки йўқлигини аниқлаш ҳамда улар билан мулоқотда жуда эҳтиёт бўлиш тавсия этилган¹⁰.

Шу боисдан ушбу кўрсатмада, П.И. Демезон томонидан Сирдарё бўйи туманлари ривожланишидаги иқтисодий имкониятларнинг ҳар томонлама кенг ўрганилиши Россия империясининг Қозоғистоннинг бу ҳудудида ҳам рус аҳолиси жойлашишиға қулай шарт-шароит яратишға интилаётганлигидан далолат берган.

Мирзо Жаъфар ўзига юклатилган расмий кўрсатмаларни амалда муваффақиятли бажариб, 1834 йил июнь ойи охирида Бухоро сафаридан Оренбург

⁹ ЎзР МДА, Р-2681-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғмажилд, 5-варақ.

¹⁰ Ўша манба, 6-варақ.

шаҳрига қайтиб келган. П.И. Демезон Бухорога саёҳати даврида ўз даври учун ўта муҳим бўлган турли сиёсий ахборот, амирликнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақидаги бой маълумотлар ҳамда ҳарбий-стратегик жиҳатлардан зарур бўлган хабарларни тўплаб департаментга етказди. Унинг миссияси муваффақиятли яқун топганидан хабар топган В.А.Перовский дарҳол Осиё департаменти раҳбари К.К. Родофиникинга мактуб йўллаб, унда рус сайёҳи ўзига юклатилган маҳфий топшириқни муваффақиятли бажаргани учун уни орден ва пул мукофоти билан муносиб тақдирлаш лозимлигини ёзиб юборган¹¹. Оренбург ҳарбий губернатори тавсияси билан К.К. Родофиникин Россия императори Николай I га рус сайёҳи П.И. Демезонни мукофотлаш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат этган. Россия императори ушбу илтимосни инobatга олиб, Петр Ивановичи III даражали Анна ордени ва уч минг рубль кумуш ва қоғоз пул билан мукофотланишига рухсат берган¹².

Мирзо Жаъфарнинг Бухоро амирлиги ҳақидаги ойлик расмий ҳисоботлари ва саёҳат тафсилотлари баён этилган кундаликлари йирик мемуар асар ҳисобланади. Чунки П.И. Демезон тўплаган маълумотлар Бухоро амирлиги ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Жумладан, Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий тизими, ҳарбий қўшини, ички ва ташқи савдо алоқалари, бозорлар, карвонсаройлар, аҳолиси таркиби, маиший турмуш тарзи, урф-одатлари, уй-жойлари, мадрасалар, мачитлар, диний уламолари ҳақидаги маълумотлар аниқ фактларга асослангандир.

П.И. Демезон Оренбург шаҳридаги олти йиллик хизмат вазифасини бажариб бўлгач, 1836 йилнинг баҳоридан Петербург шаҳрига юборилган. Шу йилнинг 18 апрелидан П.И. Демезон Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Осиё департаменти таркибидаги шарқ тиллари ўқув бўлимига профессор унвонида ишга жалб қилиниб, талабаларга форс ва турк тилларида машғулотлар олиб борган¹³.

П.И. Демезоннинг илмий ишлари унинг дипломатик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. У 1840–1841 йиллари рус миссияси таркибида Эрон давлати пойтахти Техрон шаҳрида бўлиб, Эрон шоҳи томонидан иккинчи даражали Қуёш ва Шер ордени билан тақдирланган. 1841 йилнинг декабрь ойида Осиё департаментида юқори дипломатик лавозим — «иккинчи драгоман», яъни «иккинчи таржимон»га тавсия этилиб тайинланган¹⁴.

¹¹ Оренбург вилояти давлат архиви, Р-6-фонд, 7-рўйхат, 187-йиғмажилд, 1–2-варақлар.

¹² Россия Ташқи ишлар вазирлиги архиви. (Дело об отправлении переводчика Оренбургской пограничной комиссии П.И. Демезона в Бухару, 1834). Хужжат № 1, 120-варақ.

¹³ Веселовский Н.И. История имперского Русского... . 25-бет.

¹⁴ Ўша жойда, 26-б. Драгоман арабча сўз бўлиб, таржимон деган маънони англатган.

1843 йилнинг бошидан Петр Иванович Осиё департаменти шарқ тиллари ўқув бўлими мудирлигига тайинланиб, шу йилдан рус фуқаролигини қабул қилган. Рус шарқшуноси Н.И. Веселовскийнинг сўзларига кўра, П.И. Демезон 1846 йилдан Рус археология жамиятини тузувчилардан бирига айланган. 1848 йилда у V даражали амалдор мансабига, 1850 йилда Осиё департаментидаги V даражали дипломатик таржимон лавозимига эга бўлган¹⁵.

Рус сайёҳи ва дипломати П.И. Демезон 1857 йилдан тақдир тақозоси билан Франция давлатининг Париж шаҳрида яшай бошлаган. У ерда Хива хони Абулғозийхоннинг «Шажараи турк» асари қўлёзмасининг француз тилига таржимаси ва матннинг танқидий нашри устида иш олиб борган. Бироқ, рус шарқшунос олими бу илмий ишларини охирига еткази олмаган ва уни академик П.И. Лерх якунлаб тўплам ҳолатида чоп этган¹⁶.

П.И. Демезон 1873 йилда Париж шаҳрида вафот этади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, П.И. Демезоннинг Бухоро амирлиги ҳақидаги «саёҳат» даврида тўплаган турли мавзулардаги маълумот ва ахбороти рус олимлари томонидан берилган дастлабки маълумотлар доирасига ки-ради.

Шунингдек, Мирзо Жаъфарнинг ўз «саёҳати» даврида тўплаган маълумотлари *бир томондан*, нафақат Бухоро амирлигининг давлат бошқаруви тизими, балки унга қўшни Хива хонлигининг сиёсий-ижтимоий ҳолатини ҳамда Сирдарё бўйидаги маҳаллий ва кўчманчи аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини батафсил ўрганиш имконини беради. *Иккинчи томондан*, ушбу маълумотлар Бухоро амирлигининг айрим қўшни давлатлар билан савдо-сотик алоқаларига ҳам тааллуқли бўлиб, унда Бухоро амирлигининг Буюк Британия ва Россия давлатлари билан ўзаро иқтисодий муносабатлар ўрнатишига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу боисдан, П.И. Демезоннинг маълумотлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас ва унинг фикр-мулоҳазалари, «саёҳати» натижасида олинган маълумотлари муҳим илмий ва манбавий аҳамиятга эга.

¹⁵ Веселовский Н.И. История Имперского Русского... . 27-б.

¹⁶ Histoire des Mogols et des tatares par Aboul-Ghazi Behadour-khan, publiee, traduite et annotee par le Baron Desmaisons. St.-Pbg. I, 1871. II. 1874.

Ш. ХУЖАЕВА

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ОСИЁ ДЕПАРТАМЕНТИ МАХФИЙ
ТОПШИРИҚЛАРИ ТАРИХИДАН: П.И. ДЕМЕЗОННИНГ
БУХОРО АМИРЛИГИГА «САЁХАТИ»

Мазкур мақола Мирзо Жаъфар номи билан Бухоро амирлигига 1833–1834 йилларда саёхат қилган рус шарқшунос олими П.И. Демезоннинг сафар тафсилотларига бағишланган. Ушбу мақолада П.И. Демезоннинг таржимаи ҳоли, илмий фаолияти ҳамда у жамлаган маълумотларнинг Бухоро-Россия муносабатларидаги аҳамияти ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Россия империяси, мустамлакачилик, Мирзо Жаъфар, амирлик, қўшбегни, драгоман, агент, ҳарбий-стратегик, орден.

Ш. ХУЖАЕВА

ИЗ ИСТОРИИ СЕКРЕТНЫХ ПОРУЧЕНИЙ
АЗИАТСКОГО ДЕПАРТАМЕНТА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ:
«ПУТЕШЕСТВИЕ» П.И. ДЕМЕЗОНА В БУХАРСКИЙ ЭМИРАТ

Статья посвящена поездке русского ученого-востоковеда П.И. Демезона в Бухарский эмират под видом татарского муллы Мирзы Джафара в 1833–1834 гг.

Также даются некоторые заметки о биографии и научной деятельности П.И. Демезона, значение его сведений в Бухарско-Российских отношениях.

SH. KHUJAEVA

FROM THE HISTORY OF A SECRET TASK OF THE ASIAN DEPARTMENT
OF THE RUSSIAN EMPIRE: A TRAVEL OF P. I. DEMEZON
TO BUKHARAN EMIRATE

This article is devoted to the trip of the Russian scientist-orientalist P.I. Demezov to the Bukharan Emirate as Tatar mullah Mirza Jafar in 1833–1834. In this article some notes are given on the biography and scientific activity of P.I. Demezov, as well as the meaning of his information on Bukhara-Russian relations.

Н. ИСМАТОВА

**САМАРҚАНД ВАҚФ ХЎЖАЛИГИДА МУТАВАЛЛИ
ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ: АНЪАНАВИЙ ТАРТИБ
ВА ЯНГИ ТИЗИМ АМАЛИЁТИ***

Ислом дунёсида, хусусан, Ўрта Осиёда мулкчиликнинг муҳим тури сифатида намоён бўлиб келган вақф моҳиятига кўра, хайр-эҳсон мазмунини касб этади. Мазкур мулкчилик асрлар давомида шаклланиб, ўзига хос йирик тизим сифатида жамиятнинг нафақат маънавий, ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий ҳаётида ҳам алоҳида ўрин тутган. Унинг ишлаш механизми, структураси ва юз берган ўзгаришларни ўрганишда эса, вақф маъмурияти, ишлаш принципи ҳамда вақф хўжалигидаги ўзаро ижтимоий муносабатлар масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Шариат қоидалари ҳамда ижтимоий амалиётлар қоришувида шаклланиб келган вақф хўжалиги бошқарув тизимида Россия империяси мустамлакачилиги даврида бир қатор ўзгаришлар содир бўлди.

Россия империясининг Туркистондаги вақфларга нисбатан қўллаган сиёсатини акс эттирувчи қатор ишлар мавжуд¹ бўлиб, улар орасида, С.Н. Абашин томонидан нашр этилган Самарқанддаги Даҳбид мадрасаси вақф иши ҳужжатлари, У.А. Абдурасуловнинг вақф хўжалигидаги анъанавий тартиб ва янги тизим ўргасида юзага келган муаммолар таҳлилини ёритувчи ҳамда Ў. Султоновнинг Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси вақф маъмурияти фаолиятини акс эттирувчи тадқиқотларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим². Аммо шунга қарамай, вақф хўжалиги таркибий қисмини ташкил этувчи шахсларнинг фаолияти

* Мазкур тадқиқот Германиянинг Герда Хенкел фонди гранти доирасида амалга оширилди.

¹ Б ол т а б о е в С.Д. Туркистондаги вақф мулклари тарихи. Наманган, 2005; К у т т и б а е в З.А. К истории вакуфных владений Ходжа Ахрара и его потомков. Дисс. на соиск. уч. степ. канд. ист. наук. Ташкент, 1970; М а л л а б а е в Б.Б. Чоризмнинг Туркистонда вақф мулкчилик сиёсати (Хожа Ахрор авлодлари мисолида). Т. ф. н. даражасини олиш учун дисс. автореф. Тошкент, 2004; А л и м о в И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917–1929 йиллар). Тошкент: Фан, 2009; М у х а м е д о в Ш.Б. Историко-источниковедческий анализ государственного регулирования ислама Российской империей в Туркестане (1864–1917). Ташкент: Baktria Press, 2013.

² А б а ш и н С.Н. Ислам в бюрократической практике царской администрации Туркестана (Вакуфное дело дахбитского медресе. 1892–1900) // Сборник Русского Исторического Общества. М.: Русская панорама, 2003. № 7, 163–191-б.; А б д у р а с у л о в У.А. Вакфы Ташкента и их социальное пространство (на основе архивных материалов конца XIX — начала XX вв.) // Социальная жизнь народов Центральной Азии в первой четверти XX века: традиции и инновации. Материалы международной конференции. Ташкент, 2009, 86–89-б.; S u l t o n o v U. Waqf Administration in Tashkent Prior to and After the Russian Conquest: A Focus on Rent Contracts for the Kukeldas Madrasa // Der Islam, 2012. Bd. 88. 324–351-б.

ва уларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари, Россия империяси томонидан жорий қилинган янги тизим қондаларининг ушбу шахсларга таъсири ва натижада юзага келган жараёнлар чуқур ёритилмаган.

Шу ўринда мутавалли лавозими ва унга тайинлашнинг анъанавий тартиби ҳамда Россия империяси даврида содир бўлган ўзгаришлар алоҳида эътиборга лойиқ. Бу ҳолат Самарқанд мисолида ҳам яққол кўринади. Самарқанд Бухоро амирлигидан Туркистон генерал-губернаторлигига ўтган ҳудудлар орасида энг нуфузли шаҳар эди³. У дастлаб 1868 йилда генерал-губернаторлик таркибида ташкил этилган Зарафшон округининг, 1887 йилдан эса Самарқанд вилоятининг маъмурий, иқтисодий ҳамда савдо маркази сифатида ҳам алоҳида ўринга эга бўлган. Шу жиҳатдан, Самарқанд Бухоро амирлигидаги анъанавий вақф хўжалигидаги тартиб ҳамда Туркистон вақф хўжалигида юз берган ўзгаришларнинг ёрқин кўрсаткичи бўла олади.

Масалани ёритишга хизмат қилган манбалар. Самарқанд вақф хўжалигида мутавалли тайинлашнинг анъанавий ҳамда янги тизим тартибларини ёритишда икки тизим амалиётларини ҳам кўрсатиб берувчи манбалар — маҳаллий ва рус маъмурияти ҳужжатларининг қиёсий таҳлили алоҳида аҳамият касб этади.

Маҳаллий ҳужжатлар — вақфномалар вақф мулкларининг ҳуқуқий асосини белгилаб берган. Вақфномалар қозихонада, гувоҳлар иштирокида тузилиб, асосан қозининг, шунингдек, амирликдаги юқори амалдорлардан ҳисобланган раис ҳамда айрим ҳолларда ҳукмдор муҳри билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг И-323 «Вақф ёрлиқлари коллекцияси»да сақланаётган вақф ҳужжатларининг аксарияти Бухоро амирлигига тегишли бўлиб, форс тилидаги ушбу ҳужжатларнинг 17 таси Самарқанд вақф хўжалигига алоқадордир. Шунингдек, Самарқанд музейи фондларида⁴ ҳам ушбу ҳудудга мансуб бир неча вақфномалар сақланади.

Бундан ташқари, бевосита мутавалли лавозимига тайинлаш ҳақидаги фармонлар ҳам олинган масалани ёритишда алоҳида аҳамият касб этади. Сарой девонхонасига мансуб бўлган мазкур турдаги ҳужжатлар форс тилида ҳукмдор номидан тузилган⁵. Жумладан, Россия Фанлар академияси Шарқ кўлёмалари институтида рус шарқшуноси А.Л. Кун (1840–1888)нинг шахсий фондида XIX асрда Самарқанд вақф хўжалигида мутавалли тайинлаш ҳақида фармонлар мавжуддир⁶.

³ Бу ҳақда қаранг: Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари (XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида). Тошкент, 2013. 108–109-б.

⁴ Самарқанд музейи Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморчилик ва бадиий музей кўриқхонаси бўлими ҳисобланади. Ушбу музей фондларида сақланаётган ҳужжатлар ҳақида қаранг: Welsford T., Tashev N. A Catalogue of Arabic-Script Documents from the Samarqand Museum. Samarqand-Istanbul, 2012.

⁵ Бу ҳақда батафсил қаранг: Казаков Б.А. Документальные памятники Средней Азии. Ташкент: Узбекистан, 1987. 17–18-б.

⁶ РФА ШИ, «Шарқшунослар архиви», 33-фонд, 1-рўйхат, 165-йиғмажилд.

Рус маъмурияти хужжатлари — Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг «Зарафшон округи бошлиғи девонхонаси» номли И-5 ҳамда И-18 «Самарқанд вилояти бошқармаси» фондларида мутавалли тайинлаш ҳақида маълумот берувчи йиғмажилдлар сақланади. Йиғмажилдлардаги хужжатлар рус тилида, маҳаллий аҳоли томонидан ёзилган арзнома, иттифоқномалар⁷ эса эски ўзбек тилида араб алифбосида бўлиб, ёнида рус тилидаги таржимаси билан берилган. Мазкур хужжатларда вақф муассасасига мутавалли тайинлаш жараёнлари босқичма-босқич ёритилган бўлиб, уларнинг энг аҳамиятли томони Самарқанд вақф хўжалигида мутавалли тайинлаш механизми ҳақида комплекс маълумот олиш имконини беради. Шунингдек, ҳудуднинг маъмурий тизими, маъмурий органларида ишловчиларнинг ишлаш тартиблари ҳақида ҳам кенг тасаввур ҳосил қилади.

Ўрта Осиёда мутавалли функцияси ҳақидаги илмий қарашлар

Мутавалли сўзи араб тилидан таржима қилинганда «ишбоши», «бошқарувчи» деган маъноларни англатиб, ислом тарихида вақф мулкига ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи диний амалдордир⁸.

Таъкидлаш лозимки, адабиётларда мутавалли лавозими алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шунга қарамай, Ўрта Осиёдаги вақф мулкчилиги тарихи ёритилган бир гуруҳ тадқиқотлар ҳамда бирламчи манбалар таҳлилига кўра, мутавалли ўзининг асосий функциясида келиб чиқиб, воқиф⁹ томонидан қўйилган шартларга амал қилиши, вақф мулкларидан келадиган даромадни тўғри тақсимлаши, шунингдек, вақф масаласи бўйича юзага келган муаммоларни ҳал этиши лозим бўлган¹⁰. Мутаваллилар воқиф томонидан қўйилган шартларга қараб бир қатор имтиёзларга ёки чекловларга ҳам эга бўлишлари мумкин эди. Хусусан, О.Д. Чехович XII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган бухоролик шайх Сайфиддин Бохарзий мақбараси ва хонақоҳига қилинган XIV асрга тегишли вақф хужжатини таҳлил қилар экан, мазкур хонақоҳ вақф мулклари мутаваллиси вақф мулкларини мустақил бошқариш ҳуқуқига эга

⁷ Тадқиқ этилаётган хужжатларда рус тилида «приговор» ва ўзбек тилида «иттифоқнома» деб келтирилган, яъни вақф муассасаси ходимлари ўзаро келишиб, бирор қилишни мутаваллиликка сайлаб иттифоқнома тузганлар.

⁸ Ислом энциклопедияси. Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. 168-б.

⁹ Воқиф — ўз мулкни вақф қилган шахс.

¹⁰ Вяткин В.Л. Вакуфный документ «Ишратхана». В кн.: «Мавзолей Ишратхана». Ташкент, 1958. 109–136-б.; Чехович О.Д., Вильданова А.Б. Вақф Субханкулихана Бухарского, 1693 г. Москва: Наука, 1979; Чехович О.Д. Бухарские документы XIV в. Ташкент: Фан, 1965; Чехович О.Д. Самаркандские документы XV–XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистане). Москва: Наука, 1974; Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам Вақфнаме. Ташкент: Фан, 1966; Джураева Г.А. Вақфные грамоты как источник по социально-экономической истории Бухары в XVI–XVII вв. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. ист. наук. Ташкент, 1985.

бўлмаганлигини, мутаваллининг вақф мулклари устидаги ҳуқуқи нафақат воқиф тарафидан қўйилган шартлар, балки ҳар бир хатти-ҳаракатида хонақоҳда яшовчилар томонидан сайланадиган икки хизматчининг розилигини олиш мажбурияти билан ҳам чегараланганлигини таъкидлайди¹¹.

Баъзи вақфномалар орқали эса, XVI асрда айрим мутаваллиларнинг ниҳоятда кенг ваколатларга эга бўлганлигини кўриш мумкин. Таъкидлаш мумкинки, бу мутаваллилар жамиятда юқори мавқега эга бўлган шахслар ҳисобланган. Хусусан, Р. Мукминованинг қайд этишича, Самарқанд шаҳридаги қўш мадраса фойдасига тузилган XVI асрга оид вақфномада Муҳаммад Шайбонийхоннинг келини воқиф Меҳр Султон хоним томонидан қўйилган шартлардан бирида унинг ўзи бутун умри давомида вақф мулкларини назорат қилиши, яъни ўзи мутавалли бўлиши белгилаб қўйилган¹². Меҳр Султон хоним мутавалли сифатида ниҳоятда катта ваколатларга эга бўлганлиги вақф шартларида акс этган. У вақф мулкларини бошқаришда ҳеч ким аралашмаслиги, мулкларни хоҳлаган вақтда сотиши¹³ ва ўзи хоҳлаган вақтда вақф ҳужжатиغا ўзгартириш киритиши мумкин эди. Шу билан бирга бу чекланмаган ваколатлар ундан кейинги мутаваллилар учун жорий этилмаслигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё вақфларини ўрганган рус муаллифларидан бири М.Н. Ростиславовнинг ёзишича, мутавалли вақфнинг хўжалик қисмини бошқарадиган, унинг иқтисодий ишлари билан шуғулланадиган ҳамда вақфдан келадиган даромадларни тақсимловчи шахс бўлган¹⁴. Шунингдек, мутаваллининг мажбуриятига вақф ерларига ижарачиларни топиш ҳамда улар билан битим тузиш вазифаси ҳам кирган¹⁵.

XIX асрда Хива хонлигидаги пул вақфининг ишлаш механизмини тадқиқ этган А. Халияровнинг таъкидлашича, бу даврда мутаваллилар пул вақфларини аҳолига қарз бериш орқали мунтазам равишда иқтисодиётга сармоя киритиш имконига ҳам эга бўлганлар ҳамда аҳоли орасида қарз берувчи сифатида ҳам танилганлар¹⁶.

Мутавалли ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар шуни кўрсатадики, у ўз функцияларига кўра, иш юритувчи сифатида вақф хўжалигининг бошқарув ҳамда иқтисодий тизимида муҳим роль ўйнаган.

¹¹ Чехович О.Д. Бухарские документы XIV в 26-б.

¹² Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений 65-б.

¹³ Шариатга кўра маълумки, мулклар вақфга айлантирилгандан сўнг эгалик хусусиятини йўқотади, яъни уларни сотиш ёки сотиб олиш тақиқланади. Лекин бу ўринда муаллиф вақф ерларини сотиш деганда унинг ўзини эмас, балки ундаги сукниётларни сотиш назарда тутилганлигини таъкидлайди.

¹⁴ Ростиславов М.Н. Несколько слов о важности вакуфных документов в историческом отношении // Туркестанские ведомости. 1873, № 42.

¹⁵ Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI — первой половине XIX века. Ташкент: Фан, 1970. 67—68-б.

¹⁶ Бу ҳақда батафсил қаранг: Халияров А. Хива хонлигида пул вақфининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларига доир // O'zbekiston tarixi, 2014, № 4. 12—23-б.

Мутавалли тайинлашнинг анъанавий тартиби

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, вақф мулкларига мутавалли тайинлаш воқиф ихтиёридаги ҳуқуқ ҳисобланган. Воқиф ўзига тегишли мулкларини вақф этиб, уни ҳуқуқий жиҳатдан қозихонада ҳужжат сифатида расмийлаштирган. Мазкур расмийлаштирилган ҳужжатда, яъни вақфномада воқиф мутаваллини ва ундан кейин бўладиган мутаваллиларни ҳам тайин этган.

Вақф ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда воқифлар вақф қилиб берган мулкларига ўзлари ёки ўғилларини, уларнинг вафотидан сўнг эса кейинги авлод вакилларини мутавалли сифатида тайинлаганлар. Жумладан, 1805 йил 27 август—24 сентябрь/ҳижрий 1220 йилнинг жумодул соний ойида тузилган вақфномада қайд этилишича, қози Иноятуллоҳ Хўжа ўзига тегишли тахминан 507 таноб мулки хурри холис¹⁷ ерини Самарқанддаги Офаринкент тумани Совғонжи қишлоғида жойлашган хонақоҳга ҳамда бир-бири билан ёндош оилавий хилхона фойдасига вақф этган. Воқиф мазкур вақфнинг мутаваллиси этиб ўзини, вафотидан кейин эса ўғли, сўнгра ўғил авлодларидан қайси бири тақводор ҳамда маълумотли бўлса, ўша бўлишини шарт қилган¹⁸. Вақфлар, асосан, хайр-эҳсон характериға эға бўлиши билан бирға уларнинг давомийлиги ва дахлсизлигини таъминлаш воқиф зиммасига катта масъулият юклаган. Шу жиҳатдан юқоридаги тартиб орқали кишилар ўз мулклари хавфсизлигини таъминлашға ҳаракат қилганлар ва амалда нафақат вақф мулкларининг, балки бу мулклар берилган муассасанинг ҳам эғаси бўлиб қолаверганлар.

Бир неча йиллардан бери фаолият юритиб келаётган вақф муассасаларига мутаваллилар тайинлаш тартибини бевосита тасвирловчи маълумотлар илмий адабиётларда ҳам, вақф ҳужжатларида ҳам учрамайди. Шунға қарамай, мутавалли лавозимига тайинлаш ҳақидаги ҳукмдор номидан чиқарилган фармонларни ўрганиш асосида Самарқанд вақф хўжалигида мутавалли тайинлаш механизми ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, мутавалли лавозимига тайинлаш тўғрисидаги 1842 йил 12 май—9 июнь/ҳижрий 1258 йилнинг рабиул соний ойидаги фармонда қайд этилишича, Мирсиддиқ Хўжа ясовулнинг сарой девонхонасига қилган мурожаатига биноан Шердор ҳамда Тиллакори мадрасалари мутаваллиси воқифнинг шартига мувофиқ аввалдан Махдуми Аъзам¹⁹ авлодларидан бўлиб келган экан. Ой Хўжа исми киши Махдуми Аъзам авлодлари ва мадраса ходимларининг хоҳиши билан, шунингдек, ўзи

¹⁷ Мулки хурр — солиқлардан озод ер. Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Чехович О.Д. Бухарские поземельные акты XVI—XIX вв. // Проблемы источниковедения, IV. Москва, 1955. 237—242-б.

¹⁸ Ушбу вақфнома ҳақида қаранг: Welsford T., Tashev N. A. Catalogue of Arabic-Script Documents 272—273-б.

¹⁹ Махдуми Аъзам — асл исми Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедий (1463/64—1542), мовароуннаҳрлик аллома, йирик диний арбоб, нақшбандийлик тариқати шайхларидан бири. Ислом энциклопедияси 153-б.

хам ушбу авлоддан бўлганлиги сабабли мутавалли лавозимига лойиқ кўрилган. Ушбу фармонда мазкур вақфлардаги корандалар ва деҳқонлар Ой Хўжани мутавалли билиб, «сафид-бари», «кабуд-бари»дан²⁰ олинадиган ҳосилнинг вақф ҳиссасини ҳамда белгиланган тартибдаги пул маблағини беркитмай топширишлари, мутавалли эса уларни йиғиб, зарурий эҳтиёжларга [таомилга мувофиқ] сарфлаши лозимлиги таъкидланган²¹.

Шунингдек, 1859 йил 27 октябрь–25 ноябрь/ҳижрий 1276 йилнинг рабиул соний ойида қайд этилган ҳужжат мазмунига кўра, Иброҳимбий парвонанинг аризасига мувофиқ ҳазрат Дониёл алайҳиссалом [мақбараси] вақфлари мутаваллиси Файзи Хўжа вафот этиб, вақф муассасаси ходимларининг хоҳишига кўра, унинг ўрнига биродари Олим Хўжа тайинланган. Бу ҳужжатда ҳам корандалар дон экинларидан олинадиган ҳосилларнинг вақф улушини ҳамда белгиланган пул маблағини мутаваллига беришлари, мутавалли эса уларни керакли харажатлар учун [таомилга мувофиқ] сарфлаши ёзилган²².

Демак, бирор-бир вақф муассасаси мутаваллисиз қолса, ўша муассаса ходимлари ўзаро келишиб, бир кишини мутавалли этиб сайлаганлар. Албатта, бу жараёнда воқифнинг шартларидан четга чиқмаган ҳолда мутаваллини танлаганларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Вақф муассасаси ходимлари сайлаган мутаваллиларини тасдиқлатиш учун сарой девонхонасидан ёрлиқ олиб беришини сўраб амалдорларга мурожаат қилганлар. Амалдорлар ўз навбатида девонхонага мурожаат этганлар ҳамда ҳукмдорнинг амри билан вақф муассасини текширганлар. Сўнгра сарой девонхонасига ариза ёзганлар. Ушбу аризага мувофиқ сарой девонхонасидан мутаваллини тасдиқлаш ҳақида фармон чиқарилган²³.

Ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, Бухоро амирлигида, жумладан, Самарқанд вақф ҳўжалигида мутавалли лавозимига тайинлаш ўзига хос тартибли

²⁰ М.А. Абдураимовнинг ёзишича, «Сафид-бари» ва «Кабуд-бари» атамалари амир Хайдарнинг хатларига мувофиқ дон экинларини англаган. «Сафид-бари» экинлари турига кузги ва баҳори бугдой, кузги ва баҳори арпа, зигир, ясмиқ, нўхат, мош каби экинлар кирган. «Кабуд-бари» эса қолган дон экинлари, шунингдек, қайта экилган ғалла ҳамда полиз маҳсулотларини билдирган. Абдураимов М.А. Вопросы феодального землевладения и феодальной ренты в письмах эмира Хайдара. Ташкент: Фан, 1961. 74-б.

²¹ РФА ШИ, «Шарқшунослар архиви», 33-фонд, 1-рўйхат, 165-йиғмажилд, 46-варақ.

²² Ўша жойда, 62-варақ.

²³ Ушбу фикр нафақат таҳлил этилаётган фармонлар, балки «Бухоро амирлиги кўшбегиси» номли И-126 фондда сақланаётган ҳужжатлар орасида Бухоро амирлигидаги амалдорларнинг бирор кишини мансабга тайинлашини сўраб амирга ёзилган аризалари мазмунидан келиб чиқиб ҳам билдирилди. Хусусан, мазкур фонднинг 1-рўйхат, 11-йиғмажилд, 5-варақдаги аризада қайд этилишича, Мулла Абдулшукур Садр ҳукмдорнинг амрига мувофиқ, Мулла Қосим Хўжа исмли киши Саржўй ва Сариосиё вилоятларига муфти ҳамда раисликка муносиблигини текшириб, сўнгра амир номига ушбу лавозимларга тайинлашини сўраб ариза ёзган.

механизм асосида амалга оширилган. Бундан ташқари, мазкур турдаги ҳужжатлар мутавалли лавозимига тайинлаш ҳақида маълумот берибгина қолмай, балки йирик вақф муассасалари бошқаруви жамиятда қайси тоифадаги кишилар қўлида бўлганлигини ёритиш имконини ҳам яратади.

Мутаваллиларни тайинлаш тартибидаги ўзгаришлар

Туркистон ўлкаси Россия империяси томонидан забт этилгандан сўнг унинг ҳудудида, хусусан Самарқандда ҳам вақф характери, уни ташкил қилиш ҳамда бошқарувидаги сезиларли ўзгаришлар яққол кўзга ташланади²⁴. Бу ўзгаришлар Самарқанд вақф ҳўжалигида мутаваллини тайинлаш ёки лавозимидан олиш жараёнларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Улуғбек мадрасаси ходимлари ҳамда муллалари Зарафшон округининг Самарқанд бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчиси Ш.Ш. Сиртлонов²⁵ номига мадраса вақф мулкларини бошқарувчи мутаваллининг ўрнига ўзлари танлаган бошқа кишини тайинлашларини сўраб қўйидагича арзнома ёзишган:

«Иззатлу ҳурматлу Самарқанд ҳукуматдори ҳоким тўраимизга арзимиз шулдурки, бизларки, ... жами ўттуз нафар аҳли вазойиф ва муллолар ҳозирмиз Мулла Абдурасул мутавалли Абдулмўмин ўғлини бекорликига ва Мулла Яҳёе Хўжа Мулло Ҳомид Хўжа ўғлини мутаваллиликга хоҳлаб қўлумиз қўйуб отларимизни биттук ...»²⁶.

Шундан сўнг Ш.Ш. Сиртлонов Улуғбек мадрасаси ходимлари ҳамда муллаларининг хоҳишлари ҳақида Зарафшон округи бошлиғи генерал-майор А.К. Абрамовни хабардор қилиш мақсадида 1873 йилнинг 9 январида билдиришнома ёзган. Унда қайд этилишича, мадрасадаги 30 нафар киши мазкур мадраса мутаваллиси Мулла Абдурасулнинг 3 йилдан бери мутавалли бўлиб, муллаларга пул бермай ўз фойдасига ишлатгани, шунингдек, вафот этган 2 нафар мударрислар ҳақини ва бўш турган 12 та ҳўжрадан тушган пулларни газнага топширмай, ўзи фойдалангани ҳақида арз қилганлар. Шу сабабдан унинг ўрнига Мулла Яҳёе исмли кишини мутавалли этиб тайинлашларини сўраганлар²⁷. Мулла Абдурасулга қўйилган айбловларни текшириш учун Самарқанд бўлими бошлиғи в.б. томонидан буйруқ берилади. Натижада мадраса мутаваллисига қўйилган айбловлар рост эканлиги маълум бўлади. Бундан келиб чиқиб, Ш.Ш. Сирт-

²⁴ Абдурасулов У.А. Вақфи Ташкента и их социальное пространство 87-6.

²⁵ Сиртлонов Шохайдар Шохгардович — Россия империяси таркибидаги Уфа губернияси Давлат думаси депутаты. Тадқиқ этилаётган даврда Самарқанд шаҳар ҳокими ҳамда Самарқанд бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчиси бўлиб хизмат қилган.

²⁶ Маҳаллий тилдаги ҳўжжатларнинг асл нусхаларида тиниш белгилар қўйилмаган. Ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун зарур жойларда тиниш белгилардан фойдаланилди. ЎзР МДА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 209-йиғмажилд, 4-варақ.

²⁷ ЎзР МДА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 209-йиғмажилд, 2–3-варақлар.

лонов ўз маълумотномасида Мулла Абдурасулни мутаваллилик лавозимидан олиб, юқоридаги аризачилар томонидан танланган Мулла Яҳъёни бу лавозимга тасдиқлаб, ёрлик беришини сўрайди²⁸. Мазкур маълумотнома Зарафшон округи девонхонасига келиб тушгандан сўнг округ бошлиғи томонидан Мулла Яҳъёни мутавалли лавозимига тасдиқлаш ҳақида ёрлик берилади. Шунингдек, ёрликда Яҳъё Хўжага мадрасанинг барча мулклари ҳамда даромадларини бошқариш ҳуқуқи берилиши, у эса ўз навбатида вақфдан келадиган даромадларни мадраса ходимлари ўртасида вақфномага биноан тақсимлаши кераклиги алоҳида таъкидланади²⁹.

Бироқ Улуғбек мадрасасига бошқа мутаваллининг тайинланиши мадрасанинг собиқ мутаваллиси Мулла Абдурасулнинг норозилигига сабаб бўлади. У норозилигини ҳамда ўзига қўйилган айбловларнинг ёлғонлигини Зарафшон округи бошлиғи номига ёзган ҳамда 1874 йилнинг 14 май ойи билан қайд этилган аризасида шундай изоҳлайди:

«Иззатлу ва ҳурматлу ва фазилатлу Зарафшон вилоятини(нг) ҳокими генерол Абрамуф [Абрамов] тўрамға Мулла Абдурасулни(нг) арзи шулдурки, дуоғўйлари олти йилдин бери жанобларига ростлик билан хизмат қилиб хизматим ўзларига маълум бўлуб эрди. Бир неча вақт сизни(нг) амрингиз билан туманларга чиқиб, амлоқдорларни таҳқиқ этиб [текшириб], ростлигим сизга маълум бўлуб эрди, шул сабабдин яхши хизмат қилдинг деб ... мадраса-и Мирзо Улуғбекка мутавалли қилиб сарафроз этиб эрдингиз ... Мани иғвогарлар иғво қилиб қўлумдин олдилар ... хужраларига истиқомат қилмагон одамлар ва ўқумайтигон одамлар хужраларини пойда [фойда] учун олиб қўйгонлар, бизларга хужра бергин деб хасм [норози] бўлдилар. Ман айттим, сизларга неча мартаба хужра бердим истиқомат қилмадингизлар, хужраларингни ижарага қўюб юрубсизлар, сизларга вақф бермоқлик ҳаромдур. Эмди хазинаға берурман деб, олти юз саксон тангани давлатхоҳлигим эсенерол [генерал] тўрамға маълум бўлсун деб, хазинаға элтиб бердим. Шул сабабдин манга хасм бўлуб, Зарафшон вилоятини ҳокимиға давлатхоҳлик қилди деб, бизларни(нг) хужраминни вақфини хазинаға берди эмди хоҳламаймиз деб, Абдулғаффорбекка³⁰ бориб маъқул қилибдурлар. Абдулғаффорбек буларга мани бекор қилмоқ учун мутасадди бўлуб ман бекор қилурман деб, Сиртлонўф тўраға бориб мани ёмон қилиб вақф бергони йўқ деб маъқул қилибдур. Сиртлонўф тўра мандин сабабини сўрамай, сизга ариза қилиб бекор қилдурди ... Мени(нг) жойимга мутавалли бўлгон одам мадрасага келмайдур ва мадрасага қарамайдур, мадраса хароб бўлубдур, хужраларига истиқомат қилмагон муллалар билан иттифоқ қилиб мадрасани вақфини ҳеч кимга бермай, мадрасага қарамай, хужралари беодам бўлуб ётибдур. Мени(нг) ҳам мазкур мадрасага хужрам бор, менга ҳам вақф бермайдур. Мени(нг) ростлигим жанобларига ва тўраларга ва фуқароларга маълумдур ...»³¹.

²⁸ ЎзР МДА. И-5-фонд, 1-рўйхат, 209-йиғмажилд, 2–3-варақлар.

²⁹ Ўша жойда, 1-олд, орқа варақлар.

³⁰ Абдулғаффорбек — шаҳардаги амалдорлардан бири.

³¹ ЎзР МДА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 209-йиғмажилд, 36-варақ.

Тадқиқ этилган ҳужжатлардан кўринадики, Мулла Абдурасул томонидан ёзилган юқоридаги арзнома инобатга олинмаган³². Арзномада келтирилган далиллар қанчалик асосли ёки асоссиз эканлиги алоҳида масала бўлиб, биз учун аҳамиятли томони шундаки, бу ҳужжат орқали мутавалли тайинлашнинг механизми ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўламиз. Хусусан, Улуғбек мадрасаси ходимлари ҳамда муллалари мадраса мутаваллисидан норози бўлиб, Абдулғаффорбекнинг олдига борадилар ва ўзаро келишиб ўзларига маъқул бўлган бошқа кишини мутавалли сифатида танлайдилар. Сўнгра Самарқанд бўлими бошлиғи номига арз этадилар. Самарқанд бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Ш.Ш. Сиртлонов тафсилотларни ўрганиб, ўз навбатида Зарафшон округи бошлиғи А.К. Абрамовга маълумотнома жўнатади. А.К. Абрамов маълумотлар асосида Улуғбек мадрасасига танланган янги мутаваллини тасдиқлаб, ёрлик беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 1870 йиллардан бери рус маъмурлари орасида Туркистонда вақфларнинг ҳуқуқий ҳолати қандай бўлиши кераклиги хусусида баҳс-мунозаралар давом этиб келаётган эди³³. XIX асрнинг охирларига келиб, бунга қўшимча сифатида вақф муассасалари мутаваллилари ким томонидан тасдиқланиши хусусидаги савол ҳам алоҳида масала сифатида ўртага қўйилади. Бунга сабаб эса, империя маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган қоидаларнинг амалиётда ўз ифодасини топа олмаётгани эди. Хусусан, 1890 йилнинг 8 январида Самарқанд уезди бошлиғи томонидан Самарқанд вилоят бошқармаси номига ёзилган ахборотномада вафот этган ҳамда турли сабабларга кўра, ўз лавозимидан воз кечган вақф муассасалари мутаваллиси лавозимига шахслар ким томонидан тасдиқланиши кераклиги ҳақида сўрайди. Уезд бошлиғининг яна таъкидлашича, шу вақтгача кишилар мутавалли лавозимига тақдим этилган иттифоқнома асосида уезд бошлиғи томонидан тасдиқланар эди. Ваҳоланки, «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»нинг 267-моддасига мувофиқ вақфларнинг тузилиши, улардан келадиган даромадларни тасарруф этиш ҳамда сарфлаш вазифаси вилоят бошқармаси зиммасига юклатилган эди³⁴.

Шундан сўнг ушбу масала 1890 йилнинг 11 январида Самарқанд вилоят бошқармасининг умумий йиғилиш журналида қайд этилади. Йиғилиш натижасига кўра, Самарқанд вилоятининг барча уезд бошлиқлари мутавалли лавозимига тайинлаш ҳақидаги иттифоқномаларни ўзларининг мулоҳазаларини билдирган ҳолда бундан буён Самарқанд вилоят бошқармасига кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун тақдим этишлари кераклиги таъкидланади³⁵. Мазкур йиғилиш журнали Самарқанд вилоят ҳарбий губернатор вазифасини бажарувчиси томонидан кўриб тасдиқлангандан сўнг Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан

³² ЎзР МДА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 209-йиғмажилд, 34-варақ.

³³ А б а ш и н С.Н. Ислам в бюрократической практике 165–166-б.

³⁴ ЎзР МДА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 5751-йиғмажилд, 1-варақ.

³⁵ Ў ш а ж о й д а, 3-олд, орқа варақлар.

барча уезд бошлиқларига 676-рақам остида фармойиш жўнатилади³⁶. Хужжатларда келтирилган маълумотга кўра, мутавалли лавозимига тайинлаш тўғрисидаги иттифоқномаларни тузиш ҳуқуқи вақф муассасасининг вақфномасида кўрсатилган шахсларга берилган³⁷.

Юз берган ўзгаришларнинг ижобий томони сифатида шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, ушбу даврда вақф муассасаларига мутавалли тайинлаш босқичлари тизимлаштирилиб, яхшигина тартибга солинган. Лекин бу ҳолат узоқ муддатли жараён бўлганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Жумладан, архив ҳужжатларидан бирида қайд этилишича, 1892 йилнинг сентябрь ойида ўзларини Хўжа Аҳмад Яссавийнинг авлодлари деб ҳисобловчи бир гуруҳ кишилар ўзаро келишган ҳолда Яссавий авлодлари фойдасига қилинган вақфларга мутавалли танлаб иттифоқнома тузадилар:

« ... бизлар тубинда қўлларимиз қўюб муҳрларимиз босқучи ҳазрат Хўжа Аҳмад Яссавий алайҳи авлодларидурмиз. Мазкур вақфларимизни(нг) мутаваллиси Ибн Ямин Хўжа Қутбиддин Хўжа ўғлидан авлоди вақфларимизни тақсими тўғрисиға хиёнатлар зоҳир бўлгон(и) сабабли мазкурни(нг) бекор бўлмоқини ҳурматлу Самарқанд уездини ҳокимидан хоҳиш қилиб, мазкурни(нг) ўрниға Маҳмуд Хўжа Муҳаммад Хўжа ўғлини ўз ихтиёр ва розилигимиз илан мутаваллиликға хоҳлаб ҳурматлу уезд ҳокимидан илтимос қилармизким, мазкур Маҳмуд Хўжани мутаваллилиги тўғрисиға қилгон иттифоқномаларимизни қабулға олсалар, деб қўлларимизни қўйуб муҳрларимиз бостук»³⁸.

1892 йилнинг 27 декабрь куни деярли уч ойдан сўнг Самарқанд уезди бошлиғи томонидан билдиришнома ёзилиб ҳамда ушбу иттифоқнома илова қилиниб, Самарқанд вилояти бошқармасига мутаваллини тасдиқлатиш учун юборилади. Билдиришномада Самарқанд уезди бошлиғи собиқ мутавалли Ибн Ямин Хўжа Қутбиддин Хўжа ўғлини ножоиз ишлар қилгани ва бу Самарқанд Халқ Судьяси томонидан ҳам текширилиб, ўз тасдиғини топганлигини таъкидлар экан, Маҳмуд Хўжа Муҳаммад Хўжа ўғлини мутавалли этиб тайинлашга ҳеч қандай эътирози йўқлигини қайд этади³⁹. Янги мутаваллини тайинлаш ҳақидаги мазкур масала 1893 йилнинг 7 январида Самарқанд вилоят бошқармасининг умумий йиғилишида кўриб чиқилиб, Самарқанд вилояти губернатори томонидан тасдиқланган⁴⁰.

Кўриниб турганидек, Россия империяси даврига келиб, мутавалли лавозимига тайинлаш механизми янада кўп босқичли мураккаб жараёнга айланган. Шунингдек, империя маъмурияти вақф хўжалигининг ички ишларида ҳам бевосита ўз таъсирини кучайтириб, бу хўжаликда фаолият юритган ходимлар-

³⁶ ЎЗР МДА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 5751-йиғмажилд, 2, 5-варақлар.

³⁷ Ў ша жойда, 7-варақ.

³⁸ Ў ша жойда, 55-варақ.

³⁹ Ў ша жойда, 53–54-варақлар.

⁴⁰ Ў ша жойда, 55-орқа варақ.

ни лавозимига тасдиқлаш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Бу эса империя ҳукуматига маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган вақф ҳўжалиги ҳамда мазкур ҳўжаликни бошқарган мутавалли фаолиятини тўла назоратда тутиш имконини берган.

Шунингдек, Самарқанд вақф ҳўжалигида мутавалли тайинлаш ҳақидаги маҳаллий ҳамда рус маъмурияти ҳужжатларини таҳлил этиш ҳудуднинг маъмурий тузилиши, маъмуриятнинг ишлаш принципи ҳақида ҳам кенг маълумотлар олиш ҳамда мутлақо янги тарихий ҳужжатларни илмий истеъмолга киритиш имкониятини беради.

Н. ИСМАТОВА

САМАРҚАНД ВАҚФ ҲЎЖАЛИГИДА МУТАВАЛЛИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ: АНЪАНАВИЙ ТАРТИБ ВА ЯНГИ ТИЗИМ АМАЛИЁТИ

Ушбу мақола XIX асрда Самарқанд вақф ҳўжалигида мутавалли лавозимига тайинлашнинг анъанавий тартиби ҳамда Россия империяси мустамлакачилиги даврида рўй берган ўзгаришларни ёритишга бағишланган. Хусусан, маҳаллий ҳамда рус маъмурияти ҳужжатларини таҳлил этиш орқали икки тизим амалиётлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Самарқанд вақф ҳўжалиги, мутавалли, Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги, вақфнома, фармон, рус маъмурияти ҳужжатлари, Зарафшон округи, Самарқанд уезди, Самарқанд вилояти.

Н. ИСМАТОВА

НАЗНАЧЕНИЕ НА ДОЛЖНОСТЬ МУТАВАЛЛИ В САМАРКАНДСКОМ ВАКФНОМ ХОЗЯЙСТВЕ: ТРАДИЦИОННЫЙ ПОРЯДОК И ПРАКТИКА НОВОЙ СИСТЕМЫ

Статья посвящена изучению традиционного порядка назначения на должность мутавалли в Самаркандском вакфном хозяйстве в XIX в. Также рассмотрены изменения, происходящие в период после завоевания Туркестана Российской империей. На основе анализа местных и русских административных документов представлена практика двух систем.

N. ISMATOVA

APPOINTMENT TO THE MUTAWALLI POST IN SAMARQAND WAQF ECONOMY: TRADITIONAL PROCEDURE AND PRACTICE OF THE NEW SYSTEM

The article is devoted to the study of a traditional procedure of appointment to the mutawalli post in Samarqand waqf economy in the 19th century and changes in the colonial period of the Russian Empire. On the basis of local and Russian administrative documents there are presented some practices of the two systems.

М. ТУХТАЕВА

ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ ТВОРЧЕСКИХ ОБЪЕДИНЕНИЙ ХУДОЖНИКОВ УЗБЕКИСТАНА В 20-Е ГОДЫ XX ВЕКА

В начале 20-х годов XX века курс либерализации экономики, получивший название новой экономической политики (НЭП), наметил отступление от социалистического пути развития. Отмена военного коммунизма, трудовой повинности, применение хозрасчета, самофинансирования, введение рыночных отношений, использование различных форм собственности привели к позитивным изменениям. Экономические реформы способствовали некоторому подъему благосостояния населения¹. Изменение политического курса повлияло на другие сферы жизни общества, в частности на процессы в области искусства. Художественная интеллигенция восприняла эти изменения с большим оптимизмом, что выразилось не только в ходе творческих исканий, но и в создании различных творческих объединений художников.

Первой организацией, работающей в самых различных жанрах живописи, скульптуры, графики, которая объединила художников Узбекистана, стала созданная в 1926 г. в Ташкенте Ассоциация художников революции (АХР). Она являлась филиалом Ассоциации художников революционной России (АХРР).

Создавая подобные союзы, власть рассчитывала сделать их инструментом быстрого внедрения официальной коммунистической идеологии в среду творческой интеллигенции и осуществления контроля над ней. Перед АХР ставилась задача пропаганды идей «героического реализма», привлечения и воспитания местных художников в духе революционной идеологии и направление их творческих сил на идейное воспитание масс².

Финансовое обеспечение филиала АХР согласно уставу осуществлялось за счет членских взносов, пожертвований, займов, доходов от организации выставок, лекций, субсидий правительственных и общественных организаций, доходов от реализации работ его членов. Все денежные средства расходовались на нужды филиала. Его руководство было обязано отчитываться перед бюро филиалов по всем финансовым вопросам. На содержание филиала Союзным Наркомпросом выделялось 6 тысяч рублей в год и добавочно на аренду помещения — 25 рублей в месяц³.

Архивные источники свидетельствуют, что АХР сыграла значительную роль в решении профессиональных и производственных проблем художников Узбекистана. Работу художников осложняло отсутствие доброкачественных материа-

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К. 2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. С. 387.

² Российский государственный архив литературы и искусства (РГАЛИ) Ф. 2941, оп. 1, д. 36, л. 23.

³ РГАЛИ. Ф. 2941, оп. 1, д. 61, л. 1.

лов на рынке, их дороговизна, ограничение в выборе цветов, изобилие всякого рода имитаций. Учитывая это, АХР наладила производство красок, которые отличались пластичностью, яркостью и полнотой цвета, строго соответствовали химической формуле веществ. Эти краски члены АХР могли приобретать со скидкой 20 % от назначенной цены (от 50 копеек до 2 рублей).

Ташкентским филиалом АХР была открыта студия для молодых художников, которая к 1930 г. насчитывала 60 учеников.

Нельзя точно определить общее количество членов АХР в Узбекистане, но известно, что на 1 октября 1925 г. в Ташкенте насчитывалось 31 ее членов. Всего по союзу было открыто 15 отделений с общим количеством членов 250 человек⁴. В Самарканде под влиянием АХР были открыты две художественные группы, одна из которых АРИЗО с преобладанием в ней художников-самоучек, разделяющих идеи АХР.

В Ташкенте студия АХР была открыта при Центральном художественном музее. Первые результаты ее работы, согласно годовому отчету, были положительными. Отмечалось, что в мае 1925 г. была проведена выставка картин художника Д. Кежушке, где было представлено свыше 200 картин, отражающих быт, культуру и этнографию народов Востока. Особенным успехом пользовалась выставка работ Ташкентского молодого художника А. Николаева, в дальнейшем известного под именем Усто Мумин⁵.

Члены АХР принимали активное участие в культурной жизни страны, в частности, их работы были представлены на выставке «Жизнь и быт народов СССР» в Туркестанском павильоне. В принципе, молодые художники активно вступали в этот союз, так как это обеспечивало им участие в выставках, покупке материалов по заниженным ценам и в целом совместное общение.

Внутри АХР шел постоянный процесс ротации и количественный состав ее членов постоянно менялся. Так, в 1925 г. АХР в Ташкенте насчитывала 18 ее членов: *И.С. Казаков, Н.В. Розанов, К. Земкин, И.И. Головин, Н. Розанов, Б.В. Челли, М.Е. Новиков, А.И. Гринцевич, Н.И. Рыков, А.В. Николаев, Л.М. Лебедев, М.О. Маркевич, Е.Г. Бурцов, К.И. Янин, А.Н. Волков, А.И. Дохно, Н.Г. Карахан, С.Н. Карлов*⁶. Как видим, среди них представителей местной национальности не было. В правление вошли 9 человек: председатель — *Казаков И.С.* секретарь — *Головин И.И.*, члены — *Розанов И.В., Новиков М.Е., Рыков Н.И., Лебедев Л.М., Бурцев Е., Земкин К., Розанов Н*⁷.

Члены АХР ставили своей целью обрести статус «всесоюзной художественной организации», однако центральная власть считала такой процесс нецелесообразным. Вскоре руководство страны, настороженное чрезмерной активизацией художников, осознало, что цель не достигнута, а созданная организация

⁴ РГАЛИ. Ф. 2941, оп. 1, д. 179, л. 3.

⁵ РГАЛИ. Ф. 962, оп. 19, д. 159, л. 40.

⁶ РГАЛИ Ф. 962, оп. 19, д. 159, л. 13.

⁷ РГАЛИ Ф. 2341, оп. 1, д. 36, л. 27.

«возрождает реакционные тенденции старого академизма»⁸. Поощряя деятельность АХР, власти полагали, что эта ассоциация будет служить средством организации революционного сознания, воспитания нового человека, коллективиста и борца, который будет «не рабски благоговеть перед природой, а перестраивать ее», но увидели в ней угрозу идеологического характера, во-первых, потому что в нее влились представители старой художественной школы и, во-вторых, создаваемые ими художественные произведения не отвечали заданной политической конъюнктуре. Поэтому метод работы Ташкентского филиала АХР был подвергнут резкой критике. Было принято определение, что филиал АХР не смог в должной мере выполнить «социальное задание» и профессиональные требования. Естественно, что массовые чистки, затронувшие все сферы жизни общества, в том числе и искусство, коснулись и АХР. Наступление на АХР в Ташкенте началось со статьи «АХРовая реакция под красной этикеткой»⁹, опубликованной в 1930 г. в «Правде Востока». Автор под псевдонимом А. Ксандр подвергал критике работу студии, методы преподавания, отсутствие программы занятий и преподавательского состава, а также и учеников: «*В студии 60 учеников. Среди них 7 комсомольцев, кроме них много молодежи, кроме нее много просто барышень и дам, которые учатся рисованию потому, что так было когда-то принято — хорошо воспитанная женщина должна уметь и рисовать, и играть на пианино*»¹⁰. По мнению автора статьи, вместо того, чтобы выполнять свое прямое предназначение в воспитании новой генерации советских художников, АХР поощряет мещанство и старый буржуазный уклад, с которым боролась советская власть, и основная цель посещения студии — в приятном времяпрепровождении и возможности получения легких денег: «*Годика три проучусь здесь и стану деньги зашибать. Буду такие вывески делать, что держись!*»

Критике был подвергнут также и постановочный материал: «*рисуют Христа, апостола Павла ... молодые парни и девушки искренне потянувшиеся к искусству, корпят над черепом с вороной*».

Основные обвинения в адрес АХР заключались в оторванности от народа. В статье отмечалось, что «*Ташкентский филиал АХР, основной лозунг которого «Искусство в массы», с производством, с рабочей массой, с рабочими клубами связан не больше чем папа римский с ташкентским Дворцом труда ... не случайно художники революции отдают предпочтение черепу с дохлой вороной*»¹¹. Не ограничиваясь критикой, автор статьи призывал органы власти обратить внимание на деятельность студии, очистить ее состав от вредных элементов, «*а заодно выяснить, чем занимаются «христосики» из АХРа*», а также «*способствовать выдвигению художников из рабочего класса*».

⁸ РГАЛИ Ф. 2341, оп. 1, д. 36, л. 7.

⁹ Правда Востока. 17 января 1930 г.

¹⁰ Там же.

¹¹ Череп с вороной был муляжом для рисования.

Общий смысл статьи заключался в последних двух предложениях: «пора сдать в архив старенького учителя рисования»¹², где под «стареньким учителем» подразумевались прежние принципы академизма в изобразительном искусстве.

Эта статья имела большой резонанс и стала предметом обсуждения на заседании Московского областного союза советских художников 6 февраля 1930 г., в ходе которого обсуждалась постановка работы Ташкентского филиала АХР. Чтобы разобраться в положении дел на месте, из Москвы в Ташкент прибыл председатель ревизионной комиссии АХР Пшеничников, который услышал самые неблагоприятные отзывы: «Ревизионная комиссия настаивает на чистке АХР от всего классового, враждебного, идеологически реакционного и примазавшегося элемента, видя в этом залог для более четкой и идеологически выдержанной работы»¹³. По результатам этой работы было выработано «Особое мнение», которое якобы показало наличие борьбы и внутри организации. Политическую неблагонадежность Ташкентской ассоциации Пшеничников усмотрел в классовой неоднородности состава организации, а также в «политической отсталости» многих членов и даже в аполитичности. В своем отчете он писал: «Увлечение каким-либо направлением, будь то фотонатурализм, иллюзионизм, импрессионизм или какое-либо другое направление в АХР, не приемлемо»¹⁴. Считалось, что на почве борьбы из-за направлений художники искажают действительность и отдаляются от «пролетарского искусства, курс на которое был взят в рамках борьбы с формализмом и отражен в постановлении 1-го съезда АХР»¹⁵.

Обвиненная в политической отсталости, АХР в Ташкенте была подвергнута чистке, и по результатам работы комиссии (протокол № 20 от 30.03.1930 г.) было принято постановление о ее закрытии¹⁶.

Одновременно с АХР в Ташкенте существовали и другие художественные объединения. Так, например, в 1927 г. возникло творческое объединение «Мастера Нового Востока», задачей которого было объединение Среднеазиатских художников для привлечения к искусству народа. Для осуществления этого «Мастера Нового Востока» должны были устраивать выставки, доклады, лекции, диспуты и организовать библиотеку. Общество состояло из действительных, почетных и соревновательных членов. Действительными членами являлись его учредители, почетными те, кто имел заслуги перед отечеством или приобретшие известность своими трудами, а членами-соревнователями могли быть все желающие оказывать содействие обществу согласно их письменному заявлению¹⁷.

¹² Правда Востока, 17 января 1930 г.

¹³ РГАЛИ. Ф. 2941, оп.1, д. 61, 1 об. л.

¹⁴ РГАЛИ. Ф. 2941, оп.1, д. 319, л. 4.

¹⁵ Там же, л. 5.

¹⁶ Там же, л. 20.

¹⁷ ЦГА РУз. Ф. Р-2487, оп. 1, д. 32, л. 75.

Правление общества «Мастера Нового Востока» являлось его исполнительным органом, председателем был *М. Курзин*, его заместителем — *С. Мальт*, казначеем — *А. Николаев (Усто Мумин)*, членами правления — *В. Маркова*, *А. Волков*, *В. Гуляев*. Для всех членов общества был установлен обязательный членский взнос — 1 рубль и ежемесячные отчисления — 50 копеек¹⁸. Правление общества должно было представлять отчет о ежегодной деятельности общества путем публикации его в общественной печати. В случае отсутствия публикации в 3-месячный срок общество должно было прекратить свое существование.

Средства общества состояли из субсидий правительственных и общественных учреждений, членских взносов и пожертвований, доходов от продажи изданий, сборов за вход на лекции, выставки и других поступлений¹⁹.

В мае 1929 г. «Мастерами Нового Востока» была принята резолюция, которая отражала насущные и повседневные вопросы жизни художников, согласно чему они могли получать и выписывать книги и художественные материалы из-за границы, имели право на льготный железнодорожный проезд. Согласно данной резолюции ставилась задача направить художников на фиксирование моментов «революционной борьбы» Средней Азии при музее революции, вовлечение художников в конкурсы и художественные советы, комиссии по оформлению празднеств и издание открыток, гравюр, литографий²⁰. Однако изучение архивных материалов показывает, что зачастую декларируемые в резолюции постановления не получили реального воплощения в жизнь.

В 1929 г. в Ташкенте и Самарканде появилась Ассоциация работников изобразительного искусства (АРИЗО), которая просуществовала до 1932 г. В Ташкенте ее председателем был тот же *М. Курзин*, в Самарканде — *О. Татевосян*.

Такташ Р.Х. в книге «Изобразительное искусство Узбекистана» писал, что художники этого сообщества, в отличие от АХР, действительно придерживались принципов социалистического реализма. Однако анализ творчества *М. Курзина*, *В. Марковой*, *О. Татевосяна* показывает, что в 1929–1932 гг. эти художники находились в творческом поиске, сохраняли свою яркую индивидуальность и были далеки от принципов соцреализма.

АРИЗО также вскоре была обвинена в спаде общественной инициативы, в беспринципности и аполитичности, что вызвало протест наиболее активных ее членов. В Самарканде в это же время были созданы экспериментально-производственные мастерские, называемые «Изофабрика»²¹.

Следует отметить что списки членов и отчетность по деятельности всех существующих художественных организаций и обществ ежегодно представлялись в органы НКВД. Однако не всегда они успевали проследить за их деятельностью и исполнением предписанных им задач.

¹⁸ ШГА РУз. Ф. Р-2487, оп. 1, д. 32, л. 79.

¹⁹ Т а м ж е, об. л. 75.

²⁰ РГАЛИ. Ф. 94, оп. 5, д. 514, л. 80–81.

²¹ Т а к т а ш Р. Х. Изобразительное искусство Узбекистана. Ташкент, 1972. С. 72.

Вскоре на основании постановления ЦК ВКП(б) «О ликвидации художественных группировок» от 23.04.1932 г.²² все существовавшие в стране объединения были ликвидированы. Созданные же новые профессиональные творческие союзы (художников, архитекторов, писателей и т. п.) были полностью в подчинении государства.

История творческих объединений художников, в частности АХР, «Мастера Нового Востока» и АРИЗО, показывает, что они были абсолютно новым явлением в культурной жизни Узбекистана. Эти организации объединяли достаточно талантливых художников, работающих в различных направлениях. Они явились неким маяком, вокруг которого была сосредоточена художественная интеллигенция Узбекистана.

Основное значение первых объединений художников Узбекистана состояло в том, что они не просто приняли участие в становлении и формировании изобразительного искусства, но и привнесли в этот процесс самые современные течения. Результатом их творчества стали уникальные, яркие, самобытные произведения, отражающие красоту и своеобразие Востока.

Немаловажно и то, что эти организации оказывали всемерную поддержку молодым художникам в решении их бытовых проблем. Они были призваны пропагандировать искусство «национальное по форме и социалистическое по содержанию», выражали в определенной степени свободу творчества, альтернативу подходов и были на первых порах проявлением институционального оформления изобразительного искусства Узбекистана, отражающего специфику художественной жизни 20-х годов XIX в.

Однако их история — это еще одно свидетельство того, как вытравливались альтернативная мысль и альтернативное поведение, не входящие в русло коммунистической идеологии советского режима.

²² ЦГА РУз. Ф. Р-2320, оп. 1, д. 26, л. 1.

М. ТУХТАЕВА

ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ ТВОРЧЕСКИХ ОБЪЕДИНЕНИЙ ХУДОЖНИКОВ УЗБЕКИСТАНА В 20-Е ГОДЫ XX ВЕКА

В статье рассматривается история создания первых творческих объединений изобразительного искусства в Узбекистане — АХР, «Мастера Нового Востока», АРИЗО. На основе анализа протоколов заседаний, материалов периодической печати реконструированы их деятельность, цели и задачи создания, состав, а также показано влияние, которое они оказали на развитие искусства в Узбекистане. Также выявлены механизмы влияния (как позитивного, так и негативного) органов власти в вопросах культурной политики, прямого идеологического давления на творчество художников в рассматриваемый период.

Ключевые слова: ассоциация художников, изобразительное искусство в Узбекистане, интеллигенция, политика, АХР, Ташкент, «Мастера Нового Востока», АРИЗО, НКВД.

М. ТУХТАЕВА

XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИ ДАСТЛАБКИ ИЖОДИЙ УЮШМАЛАРИ ТАРИХИДАН

Мақолада Ўзбекистонда ташкил этилган дастлабки санъат ижодий бирлашмаларининг тарихи баён этилган. Шунингдек, дастлабки уюшмаларнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари, уларнинг Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига қўшган ҳиссаси мажлис баённомалари, даврий матбуот материаллари асосида кўрсатиб берилди. Бундан ташқари, шу даврда маданият соҳасидаги сиёсатнинг рассомлар ижодига ижобий ва салбий таъсири, ҳукумат органлари томонидан мафқуравий босимнинг таъсир этиш механизмлари аниқланган.

М. ТУХТАЕВА

FROM THE HISTORY OF THE FIRST CREATIVE ASSOCIATIONS OF UZBEKISTAN'S ARTISTS IN THE 20S OF THE 20TH CENTURY

The article examines the history of the first creative associations of fine arts in Uzbekistan. Besides that, the paper shows the activities, aims and tasks of associations and their contribution to the development of the fine arts of Uzbekistan based on archive documents and materials of periodicals. In addition, it finds out the mechanisms of influence of the authority (positive and negative) in a question of the cultural policy and ideological pressure on the work of the artists in that period.

С. НУРЖАНОВ

ПРЕССА КАРАКАЛПАКСТАНА 30-Х ГОДОВ XX ВЕКА И МАССОВОЕ СОЗНАНИЕ

Массовое сознание формируется на базе многовековых мироощущений и мировосприятия какой-либо общности, которое в течение времени подвергается воздействию событиями и явлениями общественно значимого характера. В начале XX в. одним из средств воздействия на массовое сознание стала периодическая печать. Массовое сознание, как явление многоструктурное и сложное, не являлось объектом изучения так же, как и периодическая печать Каракалпакстана. Робкие попытки ученых середины 1960-х годов и некоторые попытки анализа истории и жанровых особенностей печати Каракалпакстана в годы независимости не ставили вопрос в данном контексте. До сих пор газеты Каракалпакстана не становились даже объектом количественного и качественного анализа, когда как последнее дает возможность рассмотреть деятельность печатных периодических изданий как способ воздействия на массовое сознание, а также изучить внедрившиеся в массовое сознание идеологемы и факторы, способствовавшие их укоренению.

Сама система периодической печати Каракалпакстана была налажена к 1930 г. Возникшая в 1924 г. местная газета «Еркин қарақалпақ» на арабской графике, до 1930 г. переживала период становления и формирования. Тогда только формировались основы письменного каракалпакского литературного языка: в Ташкенте были выпущены учебники С. Маджитова¹ «Қарақалпақ тилинд әлипбе», «Егеделер сауаты», «Оқыў китабы», он же являлся ответственным секретарем газеты. Она была единственной газетой, если не считать стенные газеты при областных учреждениях, в основном в г. Турткуле. Несколько раз сменялись редакторы газеты, материально-техническая база была слабой, поэтому «Еркин қарақалпақ» выпускалась нерегулярно: в 1924–1929 гг. было выпущено 147 номеров.

В сентябре 1927 г. ответственным секретарем Каракалпакского обкома назначается бывший заведующий Агитационно-пропагандистского отдела Казкрайкома П. Варламов². И в 1927/1928 г. в Каракалпакстане началась проверка областного и местного государственного аппарата, а после Тахтакупыр-

¹ Маджитов Сейфулгабит (1865—1938) — общественный деятель, известный просветитель, поэт и драматург, автор первых учебников на каракалпакском языке на арабской и латинизированной графиках. Один из первых редакторов газеты «Еркин қарақалпақ». Был арестован за «пропаганду националистических воззрений», т.н. «маджитовщину». Умер в тюрьме. *Подробнее см.: Бабашев Ш. Қарақалпақстанлы зиялылар устинен сиясий процесс. Нукус, 2012.*

² Архив Президента Республики Казахстан. Ф. 141, оп. 1, д. 625.

ских событий 1929 г.³ началась чистка их рядов. Информационно-идеологическую поддержку должна была осуществлять пресса, при этом ставилась задача освещения мероприятий партии и государства, осуществления агитационно-пропагандистской работы, призванной обеспечивать лояльное общественное мнение в настоящем и формирование новых общественных отношений. Призывая к решительной борьбе с «контрреволюционными» элементами, правым и левым уклонами, оппортунизмом, советская власть через прессу активно продвигала новые идеологические ценности и социальные установки. Большое внимание уделялось укреплению материально-технической базы издательского дела и уже в 1928/1929 г. было выпущено 80 номеров газеты «Еркин қарақалпақ».

В 1930 г. в Каракалпақстане газета была переименована в «Мийнеткеш қарақалпақ» (с 1931 г. — «Қызыл Қарақалпақстан»), начали издаваться газеты «Советская Каракалпакия» и журнал «Қызыл қарақалпақстан», через год — газета «Қарақалпақстан комсомоллары» («Жас ленинши»), а еще через год — журнал «Мийнет әдебияты». Некоторое время существовала Турткульская районная газета «Колхозшы» под редакцией Ж. Захирий. Только в 1932–1935 гг. было выпущено 624 номера «Қызыл Қарақалпақстан», тираж газеты достиг 7 тысяч экземпляров. В 1933 г. в республике издавалось 6 газет, а в 1936 г. их количество достигло уже 10: 5 республиканских («Қызыл Қарақалпақстан», «Советская Каракалпакия», «Жас ленинши», «Совет муғаллими», «Жеткиншек») и 5 районных («Колхоз күши» (Чимбай), «Балықшы» (Муйнак), «Социаллық құрылыс» (Нукус), «Социализм жолы» (Кипчак), «Шопандар үни» (Тамды)), также журналы «Жеңіс хәуазы», «Коммунист Каракалпакии». Дальнейшее развитие получила сеть стенных газет при областных государственных учреждениях, особенно в Турткуле. Усилилось партийное руководство печатью, которое осуществлял сектор печати Каракалпақского обкома партии. Данный отдел курировал областной ЛИТО (Литературно-издательский отдел Наркомата просвещения ККАССР), образованный в 1931 г.⁴ ОбЛИТО осуществлял деятельность по подготовке и изданию учебников, книг, брошюр, а также периодических изданий на каракалпақском языке, осуществлял своего рода цензуру в издательском деле и, согласно инструкции, ККГИЗ каждый раз обязана была получать разрешение на все издаваемые газеты, брошюры и другие издания⁵.

³ В сентябре 1929 г. в Тахтакупыре вспыхнуло антисоветское вооруженное выступление, ставшее первым в цепи народных восстаний 1929–1931 гг. в Казахстане против советской власти. *Подробнее см.:* Аллан Язов Т. Контрреволюция в Казахстане: Чимбайский вариант. Алматы, 1999; Давлетова Г. Тахтакупырское восстание в Каракалпақстане 1929 года. АКД. Нукус, 2001. 24 с.

⁴ В 1919 г. в Москве при Наркомпросе РСФСР было учреждено Государственное издательство, централизованное цензуру в стране. В 1922 г. было организовано Главное управление по делам литературы и издательств (Главлит), которое осуществляло контроль над всеми печатными изданиями. Оно имело структурные подразделения во всех регионах, в том числе в ККАССР после вхождения ее в состав РСФСР.

⁵ Архив Жокаргы Кенеса Республики Каракалпақстан. Ф. 1, оп. 3, д. 389, л. 93.

Газеты в начале 1930-х годов получали огромные дотации и капиталовложения на укрепление материально-технической базы издательско-полиграфического дела, что позволяло расширить информационное пространство. Совместно с партийными органами редакции газет, особенно две центральные, — «Қызыл Қарақалпақстан» и «Советская Каракалпакия» — широко привлекали своих корреспондентов для действенного освещения всех процессов в каракалпакском ауле. В основном ими являлись советско-партийные работники и аульно-кишлачные учителя. В редакцию поступали в основном публикации, направленные против зажиточных слоев, духовенства и инакомыслящих. К середине 1930-х годов «Қызыл Қарақалпақстан» имела более 400 общественных корреспондентов (рабселькоров), проводились совещания рабселькоров при редакции газеты, выездные собрания с участием районного актива, созывались читательские конференции.

Анализ содержания показывает, что эволюция газетного дела в Каракалпакстане была тесно связана с форсированием классовой борьбы в обществе в этот период. Периодическая печать была призвана пропагандировать идеологию новой власти, внедрять в массовое сознание идеологические принципы и социальные установки советской власти в условиях патриархального каракалпакского общества. Традиционные основы того общества опирались на религиозные догмы ислама, которые регулировали все стороны жизни общества и были глубоко укоренены в массовом сознании. Именно они определяли повседневный образ мышления, поведенческие стереотипы и социальные установки. Культурное, социальное и гендерное неравенство, экстенсивность ведения сельского хозяйства, догматизация всей системы общественных отношений привели к маргинализации общества.

Перманентная борьба религии и идеологии новой власти в каракалпакском обществе продолжалась до 1930-х годов. В это время ввиду отсутствия каких-либо реальных средств воздействия на массовое сознание религия все еще сохраняла свои позиции в общественном сознании и повседневности. Советской власти приходилось считаться с такой ситуацией: какое-то время после установления советской власти некоторая часть зажиточных слоев была вовлечена в органы управления или была лояльна к властям, так как внешне, как считает Б. Рассел, большевики проповедовали идеи, понятные мусульманскому сообществу и близкие его умонастроениям⁶.

Анализ материалов газет показывает сущность политики центра, направленной в первую очередь на расширение базы сырья и усиление идеологической борьбы. Например, с начала 1930-х годов основными темами республиканских газет явились мобилизация усилий на сезонные сельскохозяйственные работы, связанные с выращиванием хлопка-сырца, и выполнение государственного плана по нему. Другой темой стала чистка советско-партийного аппарата всех уровней, которая проходила в два этапа — 1929–1930 и 1934–1935 гг.

⁶ Бертран Рассел. Практика и теория большевизма. Москва, 1991. С. 16.

В какое-то время эти две темы были тесно переплетены в публикациях изученного нами комплекса газет. Например, в 1934 г. республика не выполнила план по сдаче хлопка государству, в процессе хлопкозаготовок в отношении руководителей районов, не выполнивших задание, заводились «личные дела» и они подверглись первоочередной чистке. Решения и результаты работы республиканских и районных комиссий по чистке широко освещались в прессе. Например, в 1934 г. Шаббазский район отстал от всех районов республики по выполнению плана хлопкозаготовок (не более 50 % к 1 декабря т. г.). В начале декабря это обстоятельство стало предметом обсуждения в Бюро обкома и на заседании республиканской комиссии по чистке, которая признала в действиях руководства района «кулацкий саботаж и вредительство, примиренческое отношение к кулацким пособникам внутри партии». В газете были опубликованы выдержки из постановления Бюро Каракалпакского обкома о секретаре Шаббазского района Мирзаахмедове и само постановление районной комиссии по чистке с указанием всех его ошибок до этого дня и исключения его из членов партии⁷.

Работа республиканской комиссии по чистке широко освещалась в прессе. Постановления, решения и объявления о заседаниях комиссии постоянно публиковались в газетах. Например, в конце 1934 г. «Советская Каракалпакия» выделила целую страницу на «Заявление тов. К. Аvezова — бывшего председателя СНК ККАССР председателю республиканской комиссии по чистке каракалпакской парторганизации тов. Зайцеву» и постановление данной комиссии «О чистке тов. К. Аvezова — бывшего председателя СНК ККАССР» от 31.12.1934 г. Здесь К. Аvezова обвинили в участии в буржуазных националистических группировках в 1925 г. и в «группе 4-х», оппортунизме и либеральном отношении к кулакам, нерешительности и двурушничестве в разрешении вопросов хозяйственно-политического строительства в республике. Особым пунктом был выделен вопрос о его поддержке опального поэта-просветителя и драматурга С. Маджитова. В своем заявлении К. Аvezов признал свои ошибки, но это признание авторитетного и уважаемого всеми человека, стоявшего у истоков образования каракалпакской советской государственности, имело наибольший эффект в воздействии на массовое сознание.

Особой темой периодической печати первой половины 1930-х годов была борьба против «жат жамай» («чуждый элемент»). Границы этого понятия были достаточно широки: сюда относили бывших баев, ахун-ишанов, торговцев, арендодателей, бывших служащих царской администрации до таубов (знахари), бахсы, спекулянтов, аферистов и пьяниц. Сюда относили даже ремесленников, скотоводов и дехкан, использующих наемный труд 1–2 человек. Круг этих лиц был определен партийным органом Каракалпакской автономной области еще в период выборов в местные советы 1927 г.⁸. Публикации газет подобного харак-

⁷ Советская Каракалпакия. 1930, 4 декабря.

⁸ Нуржанов С. Каракалпакская автономная область: история в источниках. Нукус, 2014. С. 84.

тера находились на особом учете у контролирующих органов: среди документов архивов хранится большое количество вырезок из газет с публикациями о «жат жамай». Они тщательно прослеживались и наиболее значимые, по их мнению, публикации обсуждались партийно-советскими органами, а выполнение решений органов управления контролировалось Рабоче-крестьянской инспекцией.

Другим направлением деятельности редакции стало внедрение в массовое сознание идеологием новой власти. Идеологемы функционировали как в официальной, так и в неофициальной сфере жизни общества. В 1930-е годы они заключались в таких понятиях, как борьба против байства и духовенства, уничтожение частной собственности, поиск врага (внешнего (фашисты) и внутреннего («жат жамай»)), борьба с влиянием религии, отмена калыма, частная торговля и т. д. Например, «Қызыл Қарақалпақстан» публиковала материалы под рубрикой «Сообщения с мест», где формировался образ классового врага социально-политического (баи, ахуны, ишаны, торговцы) и обыденного уровня (растратчики, пьяницы). На этой основе газеты вели широкую борьбу против традиционных основ общезития и сложившихся общественных отношений. Особое внимание уделялось антирелигиозной пропаганде. В общественное сознание внедрялись такие понятия, как «саботажник», «вредитель» (зыянкес), «оппортунист» и т. п., которые вскоре превращались в своего рода клише. Примечателен материал в «Қызыл Қарақалпақстан» о совещании в Тахтакупыре в связи с подписной кампанией на республиканские издания. Прибывший из Турткуля член комиссии обвинил местные власти в оппортунизме, на что председатель исполкома отреагировал мгновенно: «Уай-уай, бизин сорымызды куртасаң ғой. Кемшилик бары ырас, оны мойнымызға аламыз, бирақ оппортунист деген саўданды қой, жора» (букв. «Вай-вай, ты нас погубишь. Есть недостатки, признаем, но огради нас от такой напасти, как «оппортунист», приятель»)⁹. Здесь не только непонимание значения данного понятия руководством района, но и страх перед нарождающейся системой всеобщего страха перед властью.

Такому состоянию способствовала именно периодическая печать: со страниц республиканских газет шло активное давление на функционирование взаимоотношений власти и общества. Например, в прессе активно муссировались материалы о последствиях за невыполнение партийных установок и директив («За отсутствие работы по реализации выводов комиссии — подвергнуть повторной чистке», «Решения партии о выдвиженцах игнорировали»), бездеятельность местных органов управления, критиковались беззакония советско-партийных работников и комсомольцев, особенно активистов («Колхоз теперишлерин тәрбиялаў керек», «Жат жамай кенес аппаратынан куўылса екен»).

Одновременно в прессе остро ставился вопрос об облике доморощенного активиста, называемого в ауле-кишлаке «бельсенди», «тепериш». Например, в первой половине 1930-х годов в газетах часто упоминалось о совместных меро-

⁹ Қызыл Қарақалпақстан. 1935, 29 январь.

приятных в ауле и кишлаке (тоях, поминках) с участием аульно-кишлачного актива, что подразумевало либо «смычку», либо примиренческое отношение к байским элементам и их пособникам. Наиболее злостные подвергались чистке, но часто активисты из батрацко-бедняцкой среды получали выговор или их «ставили на вид». Тем самым акцентировалось внимание читателя на особое положение подобного рода активиста в обществе. При этом образовательный уровень этого новообразованного сословия оставался низким: в основном пре-валировали неграмотные и полусознательные батраки и бедняки. Например, во время чистки на вопрос: «Ты коммунист, в чем заключается твоя задача в колхозе?» член партии некто О. Курбанов ответил, что его задача «руководить и обеспечить выполнение различных планов». Показательно, что во время этой «беседы» О. Курбанов высказал заученное клише о своих общественных деяниях: о том, как помогал сироте, построил мост, работал в колхозе, а на вопрос «В какой партии состоишь?», ответил: «Не знаю, состоял в колхозе, колхоз советский, билет тоже советский»¹⁰.

Подобного рода анекдотические казусы освещались и на страницах газет. Например, автор, некто Далмен, пишет о поездке в колхоз «Большевик» аула Сахтыян Турткульского района. Он приводит интересный диалог с активистом колхоза по прозвищу «Большевик» — партийцем с 6-летним стажем. Материал в форме фельетона показывает уровень местного аульного актива (при этом недалеко от областного центра). На вопрос «Кто такой Сталин?» он не сразу, но отвечает: «Хозяин, а его задача — поручить колхозникам заполнить арбу удобрениями и отвезти куда надо»¹¹.

В целом, при изучении материалов газет формируется мнение, что в партию вступали, чтобы руководить и иметь привилегии. В партию принимали исходя из социального происхождения, из числа батраков и бедняков, отчасти и середняков, а партийный билет давал им многие возможности и преференции, в том числе возможность руководить и властвовать.

Справедливости ради укажем, что ряд публикаций в газетах был направлен и против таких явлений, как выдача несовершеннолетних девочек замуж, проституция, пьянство, сопротивление процессу массовой ликвидации неграмотности и всеобщего культурного развития. Например, в традиционном обществе были распространены выдача 10–12-летних девочек замуж или же такая форма проституции, как «қаранғы қонақ» (букв. «темный гость», когда богатый или имеющий власть мужчина выбирает женщину на одну ночь, иногда против ее воли). Среди «европейцев» широко распространялось пьянство и высокомерное отношение к местным простолюдинам. Новоиспеченные местные активисты, так называемые «бельсенди» и «тепериш», довольно быстро усвоили эти «традиции» и нормы поведения, что стало объектом многих сообщений с мест. Этот

¹⁰ Архив Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан. Ф. 1, оп. 4, д. 439, л. 44.

¹¹ Қызыл Қарақалпақстан. 1936, 30 январь.

вопрос даже рассматривался в Бюро обкома партии, а на V пленуме Каракалпакского обкома партии от 30 мая 1935 г. было принято постановление «О партийно-организационной и политико-воспитательной работе»¹².

Новый этап работы прессы в контексте нашей темы начинается с середины 1935 г., когда 16 июня в республиканских газетах было опубликовано постановление ЦК ВКП(б) «О пропагандистской работе в ближайшее время» и роли местных изданий в этом деле. Республиканские издания стали чаще дублировать центральные, публикуя передовицы центральной газеты партийцев «Правда», а также сообщения с мест под «кричащими» заголовками («Выше классовую бдительность, изгнать из колхозов кулаков и их агентуру», «Зыянкеслердин қалдығын саплайы?», «Кулак саботажына ҳәм көз бояўшылыққа қатты соққы беремиз» и т. п.). Наравне с ними превалировали материалы целенаправленного мобилизационного и направляющего характера. Например, в нескольких номерах республиканских газет публиковали ход московского процесса троцкистско-зиновьевского террористического центра в августе 1936 г. В «Қызыл Қарақалпақстан» и «Советская Каракалпакия» участились призывы к выявлению «врагов» — троцкистов и непримиримая борьба с ними. Пресса призывала к революционной бдительности, тем самым порождая всеобщий страх и подозрительность. Появилась рубрика «Помощь пропагандисту», где публиковались материалы о «внутреннем враге» («Двурушники-убийцы», «Троцкист — вредитель, диверсант, шпион», «Гнилые либералы — пособники врагов», «Подлейшие из подлых» и т. п.), сюжет которых дублировался в материалах с мест («Когда враг не сдаётся — его уничтожают», «Уничтожить всех, посягающих на социализм», «Заслуженная кара врагам народа» — репортажи с митингов, общих собраний трудящихся республики, «Троцкист-двурушник Чихрадзе исключен из партии» — репортаж с митинга сотрудников областного Аптекоуправления).

Применялся вербальный и визуальный методы противопоставления «у них — у нас», «прошлое — сегодня» в форме публикаций, фотографий, рисунков. Прессой создавался облик новой окружающей среды обитания, нового мира: через фотографии демонстрировались еще неизвестные местному сообществу показательные образцы многоэтажных домов, магазинов, школ, библиотек, а также автомобили и трамваи; через подстрочники к портретам колхозников, заметки и статьи пропагандировались новые общественные ценности (коллективизм, всеобщий труд и колхозное благополучие). Шел активный процесс формирования образа современного советского героя: в условиях Каракалпакстана в газетах широко пропагандировались люди труда и постепенно выделявшаяся фигура советского руководителя как выходца из простого народа. После выполнения республикой плана хлопкозаготовок на 1935 г. лучшие представи-

¹² Советская Каракалпакия. 1935, 12 июня.

тели колхозов и руководители Каракалпакстана были награждены высокими правительственными наградами, вручение которых состоялось в Москве. На первых полосах были опубликованы портреты орденосцев, освещались их встречи в Москве и на родине, прибытие в родной колхоз, публиковались фотографии и их речи, рассказы с восхвалением партий и лично Сталина. При этом создавалась иллюзия всеобщего, целого, преподносившегося как «наше, советское». На «всеобщность» претендовали летчики, перелетевшие через океан, покорившие Арктику, фотографии и репортажи о них давались на целые полосы местных газет. Как всеобщее преподносились подвиги Стаханова — рабочего-шахтера, вылившиеся затем в целое движение «стахановцев». Шла пропаганда «общих» социальных, но духовно-нравственных и культурных ценностей, игнорирующих традиционные. При этом в центре всего «созидательного» стояли партия и ее глава И. Сталин.

А в неудачах колхозного строительства и проблемах социально-экономического характера в сельском хозяйстве власти обвинили сначала зажиточные слои и духовенство, а после их ликвидации — их сообщников и двурушников уже внеклассовой принадлежности, то есть ими могли оказаться любые представители общества, кто выступал против воли властей. Одновременно государство начало поиск новых форм организации труда в колхозах. В публикациях газет начала 1937 г. была выдвинута новая фигура преобразований в сельском хозяйстве — бригадир. Создавалась своеобразная иерархия в управлении сельскохозяйственным производством, при этом ответственность налагалась на бригадира, который непосредственно отвечал за выполнение государственных планов. «Советская Каракалпакия» писала: «Бригадиру надо создать все условия для работы. Тогда бригада в целом и каждый колхозник в отдельности будет чувствовать ответственность за порученный участок работы»¹³. Газеты называли их «командирами колхозных полей», предоставляя им слово на страницах печати, направленной в первую очередь на усовершенствование производственных мощностей и получение экономических выгод с коллективных хозяйств. Противопоставляя прошлое с настоящим, через газеты шла активная пропаганда «колхозного будущего», затмевавшего собой издержки социального благоустройства жизни тружеников в настоящем.

Другой формой «противопоставления» стали материалы под рубрикой «Сырт елдерде» («За рубежом»), где публиковались сообщения о фашистской Германии, Итало-абиссинской войне, событиях в Испании, милитаристской политике Японии, сложной жизни простоя в США. Тем самым пресса внедряла в сознание читателей, что только в советском государстве и только в колхозах могут быть обеспечены благосостояние и благополучие, спокойствие и стабильность. Такой метод не потерял практики и в современной системе массовой коммуникации.

¹³ Советская Каракалпакия. 1937 год, 12 февраля.

К концу 1930-х гг. зависимость редакций газет от советско-партийного аппарата усилилась, их деятельность регламентировалась правовыми нормами, подвергалась цензуре. Газеты превратились в мощный инструмент воздействия и моделирования массового сознания и мировоззрения населения, осуществив информационно-пропагандистское сопровождение репрессивной политики советской власти. Факторами, способствовавшими успеху данного процесса на тот момент, явились агрессивная агитационно-пропагандистская кампания, трансформация существовавшей системы традиционного каракалпакского общества, непримиримость противоборствующих сторон (уничтожение бывших зажиточных слоев как класса, преследование противников советской власти и ликвидация малочисленных басмаческих группировок, с одной стороны, убийства «бельсенди», женщин-активисток, насильственные действия бывшей верхушки общества в отношении простого населения — с другой) и др. Одновременно материалы газет указывают на неоднозначность общей ситуации в обществе.

Периодическая печать имела огромный агитационно-пропагандистский потенциал и сыграла большую роль во внедрении массового сознания идеологием и новых социальных установок советской власти. Расширение информационного пространства дало возможность сделать каждого объектом воздействия, при этом направленность идеологической пропаганды еще более усилила классовую непримиримость и раскол внутри общества, порождая всеобщий страх, а государственное насилие над личностью считая повседневной нормой.

В целом, анализ материалов печати позволяет расширить спектр изучаемых вопросов по истории нашего края. Разработка вопросов по поводу того, как воспринимался процесс коллективизации на обыденном уровне, как формировалось мироощущение простых людей, как закреплялась диктатура партии в общественных отношениях и повседневности и т. д., требует продолжения с привлечением других источников, актуализирует применение новых методов.

С. НУРЖАНОВ

ПРЕССА КАРАКАЛПАКСТАНА 30-х ГОДОВ XX ВЕКА И МАССОВОЕ СОЗНАНИЕ

Периодическая печать Каракалпакстана в 1930-е годы становится активным проводником новых социальных установок, активно дискредитируя традиционные идеологемы. Печать создавала иллюзию всеобщего равенства и оправдывала репрессивную политику советской власти. В массовом сознании формировались поведенческие нормы и характер мышления, основанные на всеобщем страхе и тревожности.

Ключевые слова: периодическая печать Каракалпакстана, 30-е годы XX века, «Еркин қарақалпақ», «Қарақалпақ тилинде әлипбе», «Егеделер саўаты», «Оқыў китабы», «Қызыл Қарақалпақстан», идеологемы, газеты, журналы, массовое сознание.

С. НУРЖАНОВ

XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАТБУОТИ ВА ОММАВИЙ ОНГ

1930-йилларда Қорақалпоғистон даврий матбуоти анъанавий ижтимоий қарашлар ва меъёрларни инкор этиб, янги ижтимоий механизм ва фаол ғоявий йўл кўрсатувчига айланди. Даврий нашрлар орқали барчанинг тенг эканлиги ҳақида хомхаёл тасаввур уйғотиб, совет ҳукуматининг қатағон сиёсатини оқлашга ҳаракат қилди. Омма онгида умумий кўркув ва хавотирга асосланган хулқ нормалари ҳамда фикрлаш тарзи вужудга келди.

S. NURJANOV

THE PERIODICALS OF KARAKALPAKSTAN IN THE 30S OF THE 20TH CENTURY AND PUBLIC CONSCIOUSNESS

The periodicals of Karakalpakstan in the 1930s became an active conductor of ideologemes and new social installations, actively discrediting the traditional ones. The press created the illusion of general equality and justified the repressive policy of the Soviet authorities. In the mass consciousness the behavioral norms and nature of thinking were formed based on general fear and uneasiness.

ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК

О. МАҲМУДОВ

ТОЛЕДО ТАДҚИҚОТ МАКТАБИДА ШАРҚ ОЛИМЛАРИНИНГ
ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН АСАРЛАРИ ХУСУСИДА

Ҳозирга қадар IX–XII асрларда яшаб ижод қилган Шарқ олимларининг илмий меросини ўрганиш борасида кўплаб изланишлар олиб борилиб, қатор ишлар эълон қилинган. Айтиш керакки, уларнинг аксари фундаментал тадқиқот даражасида. Аммо, шунга қарамай уларда алломалар асарларининг Европада таржима этилиши хусусидаги, айниқса, дастлабки таржималари тўғрисидаги маълумотлар умумий характерга эга. Яъни бу турдаги ишларда, гап бирор-бир аллома асарининг XII–XIII асрларда Европада таржима этилиши хусусида борганда, кўпинча, асарнинг таржима қилинган асрини келтириш билангина чекланилади. Асар таржимони кимлиги, таржимачилик иши қандай услубда, қачон, қаерда амалга оширилгани, мазкур таржиманинг минтақа илмлари ривожига аҳамияти қай даражада бўлгани хусусидаги масалалар эътибордан четда қолади. Шунингдек, бу тур тадқиқотларда маълумотларнинг асосий қисми ўтган асрнинг 70–80-йилларида нашр этилган биобиблиографик асарлардан тасарруф этилганлиги боис, улардаги мавзуга оид далиллар бир-бирига ўхшаш қайтариқлардан иборат бўлиб қолмоқда. Мазкур сабаблар айти соҳада чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Айтиш керакки, XII–XIII асрларда Испаниянинг Толедо шаҳрида¹ фаолият юритган таржима мактаби Шарқ олимлари асарларининг Фарбдаги илк тадқиқ марказларидан бири эди. Ўрта аср Европа халқлари фани ва маданияти тарихида Толедодо бунёд этилган илмий мактаб сўзсиз, йирик илмий воқеа саналади. Шу боис илмий марказга алоқадор масалаларни ўрганиш борасида Фарб мутахассислари қатор изланишларни амалга оширганлар. Бироқ, шунга қарамай, Толедо мактаби таъсис этилган йил ҳақидаги аниқ маълумот ҳозирга қадар маълум эмас. Айрим илмий тадқиқотларда мактабнинг ташкил топиши 1125–1151 йилларда Толедо архиепископи лавозимида ишлаган Раймондо де Сальвета номи билан боғланади. Унинг бевосита раҳбарлигида Толедо шаҳри черковининг² кутубхонасида жамланган асарларни таржима қилиш ва ўрганиш мақса-

¹ Пиреней ярим оролининг марказида жойлашган шаҳар. Шаҳар тўғрисидаги ба-тафсил маълумот учун қarang: P a y o J. C. This is Toledo: History, Monuments, Legends. Toledo: Artes Graficas Toledo, 2002.

² Черков V–VI асрларда вестготлар томонидан бунёд этилган кичикроқ ибодатхона ўрнида қурилган. Араб халифалиги даврида масжидга айлантирилади. Толедо араблардан озод қилинган, черков сифатида қайта тикланади. Архиепископ Раймондо ташаббуси билан таъмирланган. 1227 йилдан бошлаб Муқаддас Мария бош черкови (исп. Catedral Primada Santa Maria de Toledo) номи билан юритилади. 1986 йилда ЮНЕСКО томонидан Бутунжаҳон ёдгорликлари рўйхатига киритилган.

дида махсус таржимонлар гуруҳи тузилади. Шу тариқа Толедо мактабининг ўзаги ҳисобланган таржимонлар жамоаси шаклланган. Тадқиқот давомида қўлга киритилган маълумотларнинг таҳлил натижасига таяниб, Толедо мактабининг шаклланиши ва фаолиятини 3 босқичга ажратиш лозим, деган хулосага келдик. Чунки, ҳозирга қадар эълон қилинган мавзуга оид ишларда айна масала аниқ ва тизимли ёритилмаган. Бу босқичлар қуйидагилардан иборат:

I босқич. 1124–1151 йилларни ўз ичига олган мазкур даврда асосан аниқ ва табиий фан соҳалари: математика, астрология, астрономия ва тиббиётга тегишли асарлар таржима қилинган. Бу даврдаги таржималарнинг асосий қисми юқорида номи тилга олинган Раймондога бағишланган³. Бу Толедо мактабининг шаклланишида мазкур шахс муҳим роль ўйнаган деб хулоса қилишга асос бўлади. Эътиборга лойиқ яна бир жиҳати шуки, айна босқичда Раймондо буйруғи билан мактаб аъзоларига қулайлик яратиш учун Толедо бош черковининг биноси қайта таъмирланади ҳамда таржима ва асарларни ёзиш учун қўшимча махсус хоналар қурилади.

II босқич. Таржимонларнинг жуфтлик тарзда, ҳамкорликдаги фаолиятлари эътиборга лойиқ бўлиб, 1152 йилдан то XIII асрнинг биринчи ярмига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Қадимги юнон ва Шарқ олимлари фалсафага оид асарларининг таржималари мазкур даврда яратилган. Ушбу босқичда, табиий фанларга оид айрим асарларнинг таржималари қайта ишланади. Таржимонлар фаолияти учун яратилган шароитлар ва марказлаштирилган иш тартибидан келиб чиқиб, Толедо мактабининг тўла шаклланган ва таржимонларнинг сермаҳсул фаолият юритган даври сифатида шу босқични кўрсатиш мумкин. Бу даврда Толедо архиепископи лавозимида ишлаган Иоанн (1152–1166) ва Родриго (1202–1247)ларнинг ташкилотчилик борасидаги хизматлари катта бўлган. Масалан, улар бошчилигида мактаб таркибида таржималарни кўчириш ҳамда муқовалаш учун мўлжалланган махсус хоналар бунёд этилади.

III босқич бевосита Кастилия қироли Альфонс X нинг ҳукмронлик даврига, яъни 1252–1284 йилларга тўғри келади. Маълумотларга кўра, Альфонс X Толедо мактаби фаолиятини қўллаб-қувватлаб туриш баробарида, таржима қилинган асарларнинг айримларини шахсан ўзи муҳаррирлик текширувидан ўтказган ҳамда мактаб фаолиятини назорат қилиб борган⁴. Бу даврда, олдинги босқичларда лотин тилига ўтирилган асарлар давлат тили деб эълон қилинган кастил лаҳжасидаги испан тилига таржима қилина бошланади. Аниқ ва табиий фан соҳалари қаторида адабиётга доир асарларнинг таржима қилингани, таржимонларнинг яқка тартибдаги фаолияти ҳамда таржималарнинг махсус тузатувчи — «emendador» томонидан таҳрир қилинганлиги мазкур босқичнинг алоҳида ху-

³ Gil J.S. The translators of the period of Don Raymundo: Their Personalities and Translations (1125–1187) // Rencontres de cultures dans la philosophie médiévale. Traductions et traducteurs de l'Antiquité tardive au XIV^e siècle. Louvain-la-Neuve: Cassino, 1990. P. 109.

⁴ Gómez-Menor J. Alfonso X el Sabio, Un Toledano emperador de la cultura medieval. Toledo: Instituto Provincial de Investigaciones y Estudios Toledanos, 1985. P. 42.

сусиятларидан саналади. Шунга қарамай, айна даврда Толедо мактабининг фаолият доираси торайиб, унинг олдинги шухрати маълум маънода пасаяди. Бунга каз — Севильяга қаратганлиги сабаб бўлган.

Толедо мактабида бир томондан, қадимги юнон-рим ҳамда ўрта аср Шарқ алломаларининг кўплаб нодир асарлари жамлангани, иккинчи томондан жамланган асарларнинг лотин тилига ўгирилгани ва муомалага киритилиши, учинчи тарафдан эса мазкур асарлар таъсирида бу ердан таниқли олимларнинг етишиб чиққани — унинг ўрта асрларнинг энг машхур илм даргоҳига айланиши ҳамда илмий адабиётларда «Толедо мактаби» ва «Толедо таржимонлар мактаби» деган номлар билан танилишига асос бўлди.

Мактабда фаолият юритган таржимонлар гуруҳи ўзагини Европанинг турли мамлакатларидан келганлар ташкил этган. Уларнинг фаоллари — испан: Севильялик Иоанн, Доминго Гундисальви, Испаниялик Иоанн ва Толедолик Марк; инглиз: Батлик Аделард, Сарешеллик Альфред ва Михаил Скот; итальян: Кремоналик Герард, Германлик Херман; яҳудий: Ибн Дауд; фламанд⁵: Брюггелик Родольф. Булардан ташқари, мактаб мутасаддилари ҳамда аъзолари Испаниянинг бошқа шаҳарларида истиқомат қилган таржимонлар билан ҳамкорлик алоқаларини олиб боришган. Шунингдек, бу таржимонлар ижодининг молиявий таъминоти ва рағбати ҳам кўп ҳолларда бевосита мактаб раҳбарияти томонидан амалга оширилган. Барселонада яшаган Авраам бар-Ҳия ва Тивоалик Платон; Сарагоссада яшаган Санталик Гюго ва Далматлик Херман; Сеговияда яшаган Честрлик Роберт; Наварада яшаган Кеттонлик Роберт ана шундай таржимонлар қаторига киради.

Айтиш керакки, Толедо мактабида таржима жараёни мураккаб тизимда юритилган бўлиб, вақт ўтиши билан бу тизим ўзгариб, ривожланиб борган. Яъни дастлабки вақтларда араб тилидаги асарлар биринчи маҳаллий кастил ёки яҳудий тилларига ўгирилиб, сўнгра лотин тилига таржима қилинган. Аниқроғи, араб тилини билувчи шахс, асар таржимасини оғзаки равишда лотинчани билувчи шеригига маҳаллий кастил ёхуд яҳудий тилида айтиб турган, иккинчи шахс, ўз навбатида эшитганларини лотин тилига ёзма таржима этиб борган. Бу жараёнга Толедо таржимонларидан айримларининг араб тилини, айримларининг эса лотин тилини билмаслиги сабаб бўлган. Шундан келиб чиқиб, мактаб фаолиятига назар ташланса, унинг аъзолари кўпинча ҳамкорликда фаолият юритганликларига гувоҳ бўлинади. Айрим ҳолларда бу услуб мураккаблик даражаси турлича бўлган асарлар таржима нусхаларининг ҳар хил хатоликлар билан яратилишига сабаб ҳам бўлган⁶. Шунинг учун, баъзи асарларнинг таржималарига кейинчалик тузатишлар киритилган.

⁵ Асосан, Белгиянинг шимолида яшайдиган, тили герман тиллари оиласига мансуб халқ.

⁶ Баъзи маълумотлар учун қаранг: The Coherence of the Arabic-Latin Translation Program in Toledo in the Twelfth Century // Science in Context. Cambridge: Cambridge University Press, 2001. 14(1/2). P. 249–288.

Эътибор қаратилса, мактаб вакиллари орасида араб тилидаги асарни тўғридан-тўғри лотин тилига ўгириш салоҳиятига эга таржимонлар ҳам бўлган. Мисол учун, Батлик Аделард, Севильялик Иоанн, Кремоналик Герард, Толедолик Марк ва Германлик Херман шулар жумласидан. Булардан Герард, Марк, Херман ҳамда Толедо мактабининг ҳамкорлари ҳисобланмиш Тиволалик Платон ва Далматлик Херманларнинг таржималари ўзининг илмийлиги ва мукаммалиги билан ажралиб туради. Севильялик Иоанн эса лотин тилига ўгирилаётган асарда келтирилган география ва ислом динига оид маълумотларни атайин тушириб қолдирган. Шунингдек, у айрим асарларнинг фақат асосий мазмунини таржима қилган, холос. Албатта, бу каби «услуг» асарнинг илмий савиясига ўзининг сезиларли салбий таъсирини ўтказган. Айни «услуг» Батлик Аделард ижодига ҳам хосдир.

Қуйида IX–XII асрларда ижод қилган Шарқ олимларининг Толедо мактабида лотин тилига ўтирилган китобларини фан соҳаларига ажратган ҳолда, хронологик тартибда тақдим этамизки⁷, жадвалда келтирилган аксар маълумотлар илгари республикамиз миқёсида эълон қилинган илмий адабиётларда зикр этилмаган эди. Келтирилувчи асарлар европалик олимлар Мануэл Алонсо⁸, Мария-Тереза д'Алверни⁹, Чарльз Бернетт¹⁰, Хосе Гиль¹¹, Ричард Лемай¹², Мореен Робинсон¹³ нинг турли даврларда яратилган тадқиқот ишлари ва бошқа илмий

⁷ Рўйхатга Испаниянинг турли шаҳарларида истиқомат қилиб, араб тилида ижод қилган мусулмон олимларининг асарлари ҳам киритилган.

⁸ Alonso M. *Notas sobre los traductores toledanos Domingo Domingo Gundisalvo y Juan Hispano*. Madrid: Al-Andalus, 1943. Vol.8. (1). P. 155–188; *Traducciones del arabe al latin por Juan Hispano, Ibn Dawud*. Madrid: Al-Andalus. 1952. Vol.17.(1). P.129–151; Juan Sevillano, *sus obras propias y sus traducciones*. Madrid: Al-Andalus, 1953. Vol.18. (1). P. 17–49.

⁹ D'Alverny M-T. *Translations and translators // Renaissance and Renewal in the Twelfth Century*. Oxford: Clarendon Press, 1982. P. 421–462; *Les traductions a deux interpretes, d'arabe en langue vernaculaire et de langue vernaculaire en latin // Traduction et traducteurs au Moyen Age, Actes du colloque international du CNRS*. Paris: Editions du Centre National de la Recherche Scientifique, 1989. P. 193–206.

¹⁰ Burnett C. *The Institutional Context of Arabic-Latin Translations of the Middle Ages: A Reassessment of the School of Toledo // Vocabulary of Teaching and Research between the Middle Ages and Renaissance*. / Edit. O.Weijers. Turnhout: Brepols, 1995. P. 214–235; *The Introduction of Arabic Learning into England*. London: British Library, 1997; *The Coherence of the Arabic-Latin Translation Program in Toledo in the Twelfth Century // Science in Context*. Cambridge: Cambridge University Press, 2001. 14(1/2). P. 249–288.

¹¹ Gil J. *The translators of the period of Don Raymundo: Their Personalities and Translations (1125–1187)*. // *Rencontres de cultures dans la philosophie médiévale. Traductions et traducteurs de l'Antiquité tardive au XIV^e siècle*. Louvain-la-Neuve: Cassino, 1990. P. 109–119.

¹² Lemaire R. *Dans l'Espagne du XII^e siècle: Les traductions de l'Arabe au Latin // Annales ESC*. Paris: Armand Colin, 1963.18. P. 639–665.

¹³ Robinson M. *Johannes Hispalensis and the manuscript tradition the history surrounding the time of John of Seville and the spread of his work*. Exeter: Exeter University, 2000; *The History and Myths surrounding Johannes Hispalensis // Bulletin of Hispanic Studies* October. Liverpool: Liverpool University Press, 2003. Vol. 80. (4). P. 443–470; *The Heritage of Medieval errors in the Latin Manuscripts of Johannes Hispalensis (John of Seville)*. Madrid: al-Qantara, 2007. Vol. 28(1). P. 41–71.

адабиётлар асосида жамланди. Бироқ келтирилган китобларнинг аксари йўқолиб кетган бўлиб, манба ва илмий адабиётларда уларнинг фақатгина номлари ёки улар ҳақидаги қисқа парчалар сақланган, холос. Таъкидлаш лозим, ушбу рўйхатга киритилган асарлар ўрта аср Фарб фанлари ривожига катта таъсир кўрсатган.

ТОЛЕДО МАКТАБИДА ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН АСАРЛАР РЎЙХАТИ

№	Асар номи ва муаллифи	Таржима номи	Таржимон	Таржима тили	Таржима йили
ФАЛАКИЁТ, РИЁЗИЁТ, ҲАНДАСА, ФИЗИКА, МЕХАНИКАГА ОИД АСАРЛАР					
1.	<i>«Тутилиш жумбоқлари тўғрисида номалар»</i> Машаллоҳ ибн Асарий (лот. Messahalla., 740–815)	«De rebus eclipsium» («Тутилиш тўғрисида»)	Севильялик Иоанн	Араб → лотин ¹⁴	1133–1142 йиллар оралиғи
2.	<i>Юқоридаги асар</i>	«Epistola Messahallah in rebus eclipsis Lune» (тўлиқ ҳолатдаги иккинчи таржима)	Севильялик Иоанн	Араб → лотин	1133–1142 йиллар оралиғи
3.	<i>«Богланишлар ва усуллар китоби»</i> Машаллоҳ ибн Асарий	«Liber coniunctionis et receptionis»	Севильялик Иоанн	Араб → лотин	1133–1142 йиллар оралиғи
4.	<i>«Туғилиш сирлари тўғрисида»</i> Абу Али Яҳё ибн Ғолиб ал-Ҳайёт (лот. Albohali Alchait., 770–835)	«De nativitatibus» («Туғилиш хусусида»)	Тиволалик Платон	Араб → лотин	1136 йил
5.	<i>Юқоридаги асар</i>	«De judiciis nativitatum» («Туғилиш тўғрисида муҳокамалар»)	Севильялик Иоанн	Араб → лотин	1153 йил
6.	<i>«Зиж»</i> Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (лот. Algorithmus., 783–850)	«Tavole astronomiche» («Астрономик жадвал»)	Батлик Аделард	Араб → лотин	Иш 1126 йилнинг 26 январид а яқунланган

¹⁴ «Араб тилидан лотинчага ўгирилган» деб ўқиш лозим.

№	Асар номи ва муаллифи	Таржима номи	Таржимон	Таржима тили	Таржима йили
7.	<i>Юқоридаги асар</i>	Таржима номи маълум эмас. Чунки у тўлиқ сақланмаган.	Далматлик Херман	Араб → лотин	XII асрнинг 40–60- йиллари
8.	<i>Юқоридаги асар</i>	«Tavole astronomiche» Батлик Аделард таржимасининг қайта ишланган тўлиқ нусхаси	Честерлик Роберт	Лотин	XII асрнинг биринчи ярми
9.	« <i>Ҳинд ҳисобида қўшиш ва айириш китоби</i> » ал-Хоразмий	«Liber Ysagogarum Alchorismi»	Батлик Аделард	Араб → лотин	1120–1130 йиллар оралиғи
10.	<i>Юқоридаги асар</i>	«Algorithmi de numero indorum» («Ал-Хоразмий ҳинд ҳисоби ҳақида»)	Испаниялик Иоанн ва Доминго Гундисальви	Кастил → лотин	1180–1190 йиллар оралиғи
11.	« <i>Ал-жабр ва-л-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб</i> » ал-Хоразмий	«Liber algebrae et almucabala»	Честерлик Роберт	Араб → лотин	1145 йил
12.	<i>Юқоридаги асар</i>	«Liber Alchoarismi de et almucabila tractaus»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
13.	« <i>Юлдузлар илмига кириш- нинг катта китоби</i> » Абу Маъшар ал-Балхий (лот. Albumaser., 787–886)	«Introductorium in Astronomiam» («Астрономияга кириш»)	Севильялик Иоанн	Араб → лотин	1133 йил (Порту- галия, Лимиа шаҳри)
14.	<i>Юқоридаги асар</i>	«Liber introductorius in astronomiam Albumasaris»	Далматлик Херман	Араб → лотин	1140 йил
15.	« <i>Юлдузлар илмига кириш ҳақида қисқача китоб</i> » Абу Маъшар ал-Балхий	«Minus Liber introductorius in astronomiam»	Батлик Аделард	Араб → лотин	XII аср- нинг биринчи ярми

№	Асар номи ва муаллифи	Таржима номи	Таржимон	Таржима тили	Таржима йили
16.	«Фалакиёт или асослари ва самовий ҳаракатлар- нинг усуллари» Аҳмад ал-Фарғоний (лот. Alfraganus., тах. 798–865)	«Rudimentis astronomiae» («Астрономия асослари»)	Севильялик Иоанн	Араб → лотин	1135 йил
17.	Юқоридаги асар	«De rudimentis astronomiae» («Астрономия асослари ҳақида»)	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1175 йил
18.	«Йиллар алмашиши ва туғилиш тўғрисида башорат» Ёқуб ал-Киндий (лот. Alkindus., 800–873)	«Introductorium maius» ёки «De magnis coniunctionibus»	Севильялик Иоанн	Араб → лотин	1133–1142 йиллар оралиғи
19.	«Юлдузлар тўғрисида фикрлар китоби» Ёқуб ал-Киндий	Таржима номи маълум эмас	Севильялик Иоанн	Араб → лотин	Таржима йили ноаниқ
20.	«Оптика» Ёқуб ал-Киндий	«Optica»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
21.	«Майдон ва шакли Мене- лай теоремаси асосида ўрганиш» Собит ибн Қурра (лот. Thebit., 836–901)	Таржима номи маълум эмас	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
22.	«Мунажжимлар жадвали тўғрисида китоб» Абу Бакр ал-Ҳасан ибн ал-Ҳосиб (лот. Albubather Alchasi- bi., IX аср)	«De Nativitatibus»	Севильялик Иоанн	Араб → лотин	1133–1142 йиллар оралиғи
23.	«Туғилиш иқцлоби» ал-Ҳосиб	«De revolutionibus nativitatum»	Тиволалик Платон	Араб → лотин	Таржима йили ноаниқ
24.	«Ал-жабр ва-л-муқобала» Абу Комил Шужъа ибн Аслам ал-Мисрий (лот. Aluoqamel., 850–930)	«Liber mathematicis»	Севильялик Иоанн	Араб → лотин	1133–1142 йиллар оралиғи

№	Асар номи ва муаллифи	Таржима номи	Таржимон	Таржима тили	Таржима йили
25.	« <i>Зиж китоби</i> » ал-Баттаний (лот. Albatagnius., 858–929)	«De motu stellarum»	Тиволалик Платон	Араб → лотин	1116 йил
26.	« <i>Юлдузлар /жойлашуви/ ни муҳокама қилиш санъатида кириш</i> » Абу-л-Сақр ал-Қабисий (лот. Alchabitius., ваф. 967 йил)	«Liber introduc- torius ad magi- sterium judiciorum astrologum» («Юлдузларни муҳокама қилиш ва баҳолаш билан таништириш китоби»)	Севильялик Иоанн	Араб → лотин	1144 йил
27.	« <i>Ал-Мансур қонуни</i> » Асар муаллифи номаълум Ёқуб ал-Киндий (лот. Alkindus., 800–873)	«Iudicia Almansoris»	Тиволалик Платон	Араб → лотин	1136 йил
28.	« <i>Астурлоб асбоби тўғри- сида китоб</i> » Маслама ал-Мажритий (лот. Methilem., ваф. 1008)	«Liber de compositione astrolabii»	Брюггелик Родольф	Араб → лотин	Таржима йили ноаниқ
29.	« <i>Оптика китоби</i> » Ибн ал-Хайсам (лот. Alhazen., 965–1040)	«Liber de opticus»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	Таржима йили ноаниқ
30.	« <i>Само ва олам китоби</i> » <i>Ибн Сино</i> (лот. Avicenna., 980–1037)	«De cello et mundo»	Доминго Гундисальви	Араб → лотин	Таржима йили номаълум
31.	« <i>Тоledo Зиж</i> » Яҳъ ан-Нақшош аз-Заркалий (лот. Arzachel., 1029–1087)	«Canonis Arzachel»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	Таржима йили ноаниқ
32.	« <i>Доира /сфера/ тўғрисида</i> » Нур ад-Дин ал-Батружий (лот. Alpetragius., XII аср)	«De motibus celorum circularibus»	Михаил Скот	Араб → лотин	1217 йил
33.	« <i>Ал-мажистий тузатмаси</i> » Абу Муҳаммад Жобир ибн Афлан (лот. Geber., 1100–1150)	«Rectus Almagestus»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	Таржима йили ноаниқ

№	Асар номи ва муаллифи	Таржима номи	Таржимон	Таржима тили	Таржима йили
ТАБОБАТТА ОИД АСАРЛАР					
34.	«Амалиёт» Яҳё ибн Сарафюн (лот. Johannes Serapion, IX аср)	«Brevarium medicine»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
35.	«Поғоналар» Ёкуб ал-Киндий	«De Gradibus»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
36.	«Кўз ҳақида ўн рисола» Хунайн ибн Исҳоқ (лот. Johannitus, 809–877)	«Liber de oculorum»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғида
37.	«Жолинус асарларига кириш» Хунайн ибн Исҳоқ	«Isagoge ad Tegni Galieni»	Толедолик Марк	Араб → лотин	1210–1234 йиллар
38.	<i>Юқоридаги асар</i>	«Liber isagogarum»	Толедолик Марк	Араб → лотин	1210–1234 йиллар
39.	«Аниқлаш ва тавсифлаш китоби» Исҳоқ ибн Исроил ибн Сулаймон (лот. Isaac Judaeus, тах. 832–932)	«De defini- tionibus»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғида
40.	<i>Юқоридаги асар</i>	«De defini- tionibus»	Доминго Гундисальви	Араб → лотин	1180–1190 йиллар оралиғи
41.	«Бош негизлар тўғрисида китоб» ибн Сулаймон	«De elementis» («Негизлар»)	Кремоналик Герарди	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғида
42.	«Мансурга бағишланган тибга оид тўплам» Абу Бакр ар-Розий (лот. Rhazes, 865–925)	«Liber almansoris»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
43.	«Бўлиниш тўғрисида китоб» ар-Розий	«Liber divi- sionum»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи

№	Асар номи ва муаллифи	Таржима номи	Таржимон	Таржима тили	Таржима йили
44.	«Тибга кириш» ар-Розий	«Introductio in medicinam»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
45.	«Бўғин касалликлари» ар-Розий	«De egritudinibus iuncturarum»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
46.	«Тибга оид рисолалар тўплами» ар-Розий	«Locorum quorundam tractatum medecina»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
47.	«Китоб ат Тасриф» Абу-л-Қосим аз-Заҳравий (лот. Abulcasis, 936–1013)	«Concessio ei data qui componere haud valet»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
48.	«Тиб қонунлари» Ибн Сино	«Liber Canonis» («Қонунлар китоби»)	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
49.	«Уржуза китоби» Ибн Сино	«Cantica de Medicina»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
50.	«Жолинуслинг Буюк илм ¹⁵ ига шарҳ» Абу-л-Ҳасан Али ибн Ридвон ал-Мисрий (лот. Abennudian., 988–1061)	«Expositio ad Tegni Galeni»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
51.	«Оддий дори-дармонлар тўғрисида китоб» Ибн ал-Вофид (лот. Abenguefit., 997–1074)	«De medicamentis simplicibus» ёки «De Medicinis universalibus et particularibus» («Тиббиётнинг умумийлиги ва ўзига хослиги»)	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи

¹⁵ Жолинуслинг (Гален) бу асари лотин тилида «Ars Magna» ёки «De methodo-
medendi» («Даволаш усуллари») деб номланади.

№	Асар номи ва муаллифи	Таржима номи	Таржимон	Таржима тили	Таржима йили
БИОЛОГИЯ, МЕТЕОРОЛОГИЯ, АЛ-КИМЁГА ОИД АСАРЛАР					
52.	« <i>Ал-Кимё китоби</i> » Абу Абдуллоҳ Жобир ибн Ҳайён (лот. Geber., 721–815)	«Liber de compositione alchymiae» («Ал-кимёнинг тузулиши тўғрисида китоб»)	Честерлик Роберт	Араб → лотин	1144 йил
53.	« <i>Сирлар сири</i> » Абу Бакр ар-Розий	«Secretum secretorum»	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғида
54.	« <i>Минералогия</i> » «Шифо китоби»нинг тар- кибий қисми Ибн Сино	«Avicennae Mineralia»	Сарешеллик Альфред	Араб → лотин	Таржима йили номаълум
55.	« <i>Ҳайвонлар тўғрисида</i> » «Шифо китоби»нинг тар- кибий қисми Ибн Сино	«De animalibus seu Abbreviatio Avicenna de animalibus» ёки «De animalium»	Михаил Скот	Араб → лотин	1232 йил
ФАЛСАФА, МАНТИК, ИЛОҲИЁТ ВА АДАБИЁТГА ОИД АСАРЛАР					
56.	« <i>Рух ва қалб ўртасидаги фарқ</i> » Қуста ибн Луқа (лот. Constabulus., ваф. 912)	«De differentia spiritus et anima»	Севильялик Иоанн	Араб → лотин	1133–1142 йиллар оралиғи
57.	« <i>Илмлар таснифи</i> » Абу Наср Форобий (лот. Alpharabius., 873–950)	«De scientiis» («Фанлар тўғрисида»)	Кремоналик Герард	Араб → лотин	1160–1187 йиллар оралиғи
58.	« <i>Илмларнинг келиб чиқиши</i> » Абу Наср Форобий	«De ortu scientiarum» («Илмларнинг келиб чиқиши»)	Ибн Дауд ва Доминго Гундисальви	Араб → кастил → лотин	1150–1180 йиллар оралиғи

№	Асар номи ва муаллифи	Таржима номи	Таржимон	Таржима тили	Таржима йили
59	«Бахт-саодат йўлига кўрсатма китоби» Абу Наср Форобий	«Liber excitativus ad viam felicitatis» («Бахт йўлига кириш китоби»)	Испаниялик Иоанн ва Доминго Гундисальви	Араб → кастил → лотин	1176–1178 йиллар оралиғи
60	«Масалалар манбаи» Абу Наср Форобий	«Fontes quastionum» («Тадқиқот манбалари»)	Испаниялик Иоанн ва Доминго Гундисальви	Араб → кастил → лотин	1176–1178 йиллар оралиғи
61	«Ақлинг моҳияти тўғрисида китоб» Абу Наср Форобий	«De intellectu» («Ақл тўғри- сида»)	Испаниялик Иоанн ва Доминго Гундисальви	Араб → кастил → лотин	1176–1178 йиллар оралиғи
62	«Нотиқлик китоби» Абу Наср Форобий	Ушбу асарлар Арастунинг «Риторика» ва «Поэтика» номли рисола- рига ёзилган шарҳлар сифа- тида таржима қилинган	Германлик Херман	Араб → лотин	1240–1256 йиллар оралиғи
63	«Шеър китоби» Абу Наср Форобий				
64	«Шифо китоби» Ибн Сино	«Sufficientia»	Севильялик Иоанн	Араб → лотин	1133–1142 йиллар оралиғи
65	«Рух ҳақида китоб» («Шифо китоби»нинг таркибий бўлими) Ибн Сино	«Liber de Anima»	Ибн Дауд ва Доминго Гундисальви	Араб → кастил → лотин	1152–1166 йиллар оралиғи
66	«Метафизика» «Шифо китоби»нинг таркибий бўлими Ибн Сино	«Metaphysica»	Доминго Гундисальви	Араб → лотин	1180 йил
67	«Иккинчи Аналитикага шарҳлар». Арастунинг «Аналитика» асарининг иккинчи китобига ёзилган шарҳ, Ибн Сино	«Commentario Analytica Posteriora»	Испаниялик Иоанн ва Доминго Гундисальви	Араб → кастил → лотин	1176–1190 йиллар оралиғи
68	«Файласуфлар мақсади» ал-Фаззолий (лот. Algazel., 1058–1111)	«Liber Algazel» «ал-Фаззолий китоби»)	Ибн Дауд ва Доминго Гундисальви	Араб → кастил → лотин	1152–1166 йиллар оралиғи

Жами асарлар сони: 58 та, муаллифлар сони 28 нафар. Асарлардан 25 таси аниқ фанларга; 20 таси табиий фанларга; 13 таси ижтимоий фанларга оид. Улардан Машаллоҳнинг «Туғилиш жумбоқлари тўғрисида номалар» асари — 2; ал-Ҳайётнинг «Туғилиш сирлари тўғрисида» асари — 2; ал-Хоразмийнинг «Зиж»и — 3, «Ҳинд ҳисобида қўшиш ва айириш китоби» — 2, «Ал-жабр ва-л-муқобала» асари — 2; ал-Балхийнинг «Юлдузлар илмига кириш катта китоби» — 2; ал-Фарғонийнинг «Фалакиёт илми асослари ва самовий ҳаракатларнинг усуллари» асари — 2; Ҳунайн ибн Исҳоқнинг «Жолинус асарларига кириш» асари — 2; ибн Сулаймоннинг «Аниқлаш ва тавсифлаш китоби» — 2 марта; қолган барча асарлар 1 маротабадан таржима қилинган.

Жами таржималар сони: 68 та. Таржима жараёнида 14 нафар таржимон иштирок этган. Улардан Кремоналик Герард — 24 та; Севильялик Иоанн — 13 та; Тиволалик Платон — 4 та; Батлик Аделард, Честерлик Роберт, Доминго Гундисальви — 3 тадан; Далматлик Херман, Михаил Скот, Толедолик Марк, Германлик Херман — 2 тадан; Брюггелик Родольф ва Сарешеллик Альфред — 1 тадан; Испаниялик Иоанн ва Доминго Гундисальви ҳамкорликда — 5 та; Ибн Дауд ва Доминго Гундисальви ҳамкорликда 3 та асарни лотин тилига таржима қилишган.

Айтиш керакки, ушбу таржималар орқали Шарқ алломаларининг илмий назариялари бутун Ғарб мамлакатларига кириб борди ва минтақада илм-фаннинг шаклланишига замин ҳозирлаб, унинг кейинги тараққиётида дастуриламал вазифасини ўтади. Бу асарларнинг асарлар давомида европалик олимлар энг кўп муурожаат қилувчи ишончли манба ҳамда минтақа илм даргоҳларида асосий дарслик вазифасини ўтаганлиги билдирилган фикрнинг асосли эканини тасдиқлайди.

Санаб ўтилган олимлар айрим китобларининг асл қўлёзмалари ҳозирга қадар сақланмагани, уларнинг матнлари айнан лотин тилидаги таржималари орқали бизгача етиб келганлиги ҳисобга олинса, Толедо мактабида олиб борилган таржимачилик ишларининг аҳамияти янада ортади.

Хуллас, Шарқ алломалари ичида Марказий Осиё замини етиштириб берган мутафаккирларнинг беназир асарлари ўрта аср Европа халқларининг илмий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришда энг асосий манба вазифасини ўтаган. Бу таржима этилган асарлар ичида уларнинг умумий сони бир неча бор кўп бўлгани ва қайта-қайта таржима этилгани билан белгиланади. Кейинги давр Ғарб олимларининг ўз тадқиқотларида айнан Толедо мактабида яратилган таржималаридан кенг фойдаланганликлари эса Шарқ олимлари асарлари ва таълимотларининг минтақа бўйлаб тарқалишида ушбу илмий марказнинг ўрни муҳим бўлганини англатади.

Таъкидлаш керак, ишда келтирилган маълумотлар мавзу юзасидан олиб борилаётган тадқиқотимизнинг навбатдаги натижаси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, кейинги изланишларимиз давомида Шарқ олимларининг Толедо мактабида таржима этилган асарлари сони янада ортиши ва уларнинг муаллифлари рўйхати янада кенгайиши табиий.

О. МАХМУДОВ

**ТОЛЕДО ТАДҚИҚОТ МАКТАБИДА ШАРҚ ОЛИМЛАРИНИНГ
ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН АСАРЛАРИ ХУСУСИДА**

Мақолада Шарқ алломаларининг Толедо мактабида таржима қилинган аниқ, табиий ва ижтимоий фанларга оид 60 га яқин асарлари рўйхати келтирилган. Бунда Фарб манбалари ва илмий адабиётларида келтирилган тарқоқ маълумотлар жамланиб, таҳлил этилган, таснифланган.

Калит сўзлар: Ўрта аср Шарқ алломалари, илмий мерос, фалакиёт, риёзиёт, ҳандаса, физика, механика, табобат, биология, метеорология, кимё, фалсафа, мантиқ, адабиёт, «Толедо мактаби», таржималар, таржимонлар, тадқиқ ва татбиқ.

О. МАХМУДОВ

**ПЕРЕВОДЫ ТРУДОВ УЧЕНЫХ ВОСТОКА
В ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ ШКОЛЕ ТОЛЕДО**

В статье приведен список более 60 трудов ученых Востока по точным, естественным и гуманитарным наукам, которые были переведены на латынь в Толедской школе. Проанализирована и классифицирована информация, собранная из западных источников и научной литературы.

О. МАХМУДОВ

**THE WORKS OF THE SCIENTISTS OF THE EAST TRANSLATED
IN TOLEDO SCHOOL**

The article provides a list of some 60 works of the scientists of the East on the exact, natural and humanity sciences, which were translated into Latin in Toledo school. It analyzes and classifies the information that is gathered from the Western sources and scientific literature.

ЭТНОЛОГИЯ

Х. ЖУМАНАЗАРОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИДА УСТОЗ-ШОГИРДЛИК АНЪАНАЛАРИ

Тарихдан маълумки, ўтмишда касб-хунар устоз-шогирд анъанаси доирасида бўлиб, ота-она ўз фарзандига аввало ўз касбини ўргатган (*ота касб*) ёки кўзга кўринган устозга шогирдликка берган. Устоз ва шогирдлик тизими нафақат касб доирасида, балки умумий ижтимоий муносабатлар асосида шакллانган.

Халқимиз асрлар давомида тўплаган тажрибаларига асосланиб, ҳар бир касб доирасида миллий таълим-тарбия назариясини яратиб, устоз ва шогирдлар учун ўзига хос одоб-ахлоқ қонун-қоидалари, урф-одатлари, маданияти, хусусан анъаналари ишлаб чиқилган¹. Ҳар бир касб доирасида аждоқлар томонидан устоз ва шогирдлар учун одоб-ахлоқнинг махсус қоидалари, илмлари, дуолари, миллий анъаналарига қатъий риоя қилиш талаб қилинган.

Шундай касблардан бири табобат бўлиб, ушбу касб тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Унда ҳам табиб ва шогирд ўртасидаги муносабатлар, амал қилиниши лозим бўлган қоидалар, устоз ва шогирд танлаш жараёнлари, шогирдни мустақил иш бошлашига доир анъаналар мавжуд. Ҳар бир касб эгаси билим ва малакасини имкон қадар ўз шогирдлари ва ёрдамчиларига ўргатган, натижада ўша касбнинг яшовчанлигини таъминлаган. Маълум бир касб ёки хунар йиллар давомида ўз-ўзидан йўқолиб кетмаслигининг сабаби устоз-шогирд муносабатларининг маҳсулидир. Маълумки, табобатда шогирд томонидан амалга оширилладиган барча хатти-ҳаракатнинг жавобгарлиги устознинг зиммасида деб билганлар². Умуман олганда ўзбек халқи орасидаги кенг тарқалган устоз-шогирд анъаналарини қуйидаги жараёнларга ажратиш мумкин:

- шогирднинг ўзига устоз танлаши ва унинг мезонлари;
- устознинг шогирдларни саралаб олишдаги шартлари;
- устоз-шогирд анъаналарида устоз зиммасидаги вазифалар;
- устоз-шогирд анъаналарида шогирдлик шартлари;
- шогирдлик муддати ва фаолияти;
- шогирднинг мустақил фаолият юритишга рухсат берилиши.

Устоз-шогирд муносабати асосан юқоридаги ҳаракат орқали давом этиб келмоқда. Аввало *устоз*³ деганда ўз касбини мукаммал билладиган ва ўша касбни бошқаларга ўргата оладиган шахс тушуниланган. *Шогирд*⁴ деганда устоз қузатуви-

¹ Булатов С. Шогирд оқил бўлса // Фан ва турмуш. 1996. № 1. 28-б.

² Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри. 2015 йил.

³ *Устоз* — муаллим, ўргатувчи, уста. Касб, хунар, илм ва шу кабиларни ўргатувчи, ўқитувчи. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. IV жилд. Тошкент, 2007. 302-б.

⁴ *Шогирд* — ўрганувчи, халфа, издош. Бирор уста, мутахассис ёки олимдан хунар, касб, билим ўрганаётган шахс. Бирор кимсанинг иши ёки таълимотининг тарафдори, уни давом эттирувчи. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. IV жилд. Тошкент, 2007. 590-б.

да ва раҳбарлигида ўша касб сирларини ўрганувчи назарда тутилади. Шогирд устанинг ўнг қўл ёрдамчиси ҳисобланади. Ҳар қандай устоз ҳам аввал шогирд бўлган, демак шогирд ҳам устоз бўлишга интилади⁵. Лекин устоз бўлиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди, бу даражага етишиш учун нафақат ўз касбининг устаси бўлиши, балки касб сирларини шогирдларга тўғри етказиб бериш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак. Устоз қанчалик буюк бўлмасин, тарихда қанчалик чуқур из қолдирган бўлмасин, ўз билимини, ҳунарини ишончли одамга қолдирмаса, унинг ишлари ўзидан сўнг барҳам топади⁶.

Маълум бир касбни эгалламоқчи бўлган шахс ўзи қизиққан соҳа доирасида кўзга кўринган устоз излайди ва унга шогирд тушмоқчилигини билдиради. Бунда устознинг билим даражаси, обрўси, яхши ахлоқий сифатлари, яратган мактаби, шогирдларининг сони ва етиштирган шогирдларининг салоҳияти, баъзан ота-онаси ёки яқин қариндошларининг даъвати муҳим ўрин тутади. Табобат соҳасида аксарият ҳолларда табиб ўз фарзандларига касб сирларини ўргатган, бунда фарзанднинг устоз танлаш борасида изланишига ҳожат қолмайди. Табибнинг ўғли бўлмаса ёки фарзандларида бу касбга иқтидор сезилмаса, ўз касб сирларини танлаб олган шогирдларига ўргатган. Тиббий билимларни фарзандлар эгаллаши натижасида табобат соҳасида машҳур сулолалар етишиб чиқди. Масалан, моштабиблар ва ҳ. к.

Тошкентлик машҳур «Моштабиб»лар фаолияти ҳақида Амир Темур даври манбаларида ҳам маълумотлар мавжуд. Ҳатто Моштабибларнинг аجدоди Амир Темурдан аввал Чигатой улуси даврида «Хўжа хон табиб» номи билан машҳур бўлганлиги ҳикоя қилинади⁷. Сулола касбий сирларини ўз фарзандларига ўргатиши натижасида бугунги кунда ҳам фаолиятини сақлаб қолган ҳамда суяк синиши ёки чиқиши билан боғлиқ муолажалар устаси сифатида халқ орасида обрў қозонган.

Табибга шогирд тушиш мақсадида мурожаат бўлганидан сўнг, бўлажак устоз уларнинг орасидан иқтидорлиларини танлаб олган. Бу борада ҳар бир табибнинг умумий ва шахсий шарти, талаблари бўлади. Умумий қоидалари қуйидагича:

- руҳий (психологик) соғлом бўлиши;
- жисмонан бенуқсон, тўрт мучаси соғ бўлиши;
- ижтимоий томондан ибратли бўлиши (ўзи ёки оиласида номига доғ туширган шахснинг бўлмаслиги);
- муомала маданиятига эга бўлиши;
- сабрли бўлиши ва имкон қадар кучли хотирага эга бўлиши;
- касбга иқтидори намоён бўлиши керак.

Устоз табиб ана шу фазилатларни сезсагина шогирдликка қабул қилган ва узоқ вақт давомида шогирдига таълим берган. Шогирд табобатнинг қайси соҳасида кўпроқ иқтидорли бўлса (масалан: қон олиш, ташхис қўйиш, дори тайёр-

⁵ Булатов С. Шогирд оқил бўлса 28-б.

⁶ Мухторов А. Уста ва шогирд одоби. Тошкент, 1999. 33-б.

⁷ Моштабиблар. Тошкент: Энциклопедия, 2009. 364-б.

лаш, синиқчилик ва ҳ. к.) шу тарафга йўналтирган⁸. Ҳар бир табибнинг шахсий синовлари ҳам бўлиб, шогирддан касб сирларини сақлаш (даво усули ва дори тайёрлаш жараёни), табобатнинг айрим соҳаларини яхши билишлик (мадан, қон олиш усули, вақти ва томирларни билиш, игна қўйиш нуқталаридан хабардор бўлиш) кабиларни талаб қилган.

Шогирд устознинг уйида ёки иш жойида (шифохонада) яшаб табиблик сирларини ўрганган. Шогирд тарбиялашда устоз ҳам айрим ҳислатларга эга бўлиши лозим ёки устознинг ҳам зиммасига бир қанча масъулият юкланган. Бу талабларни шахсий ва касбий фазилатларга бўлиш мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, табиб аввало шогирдни тўғри танлаб олиши зарур. Қадимда ҳар бир касб устози ўз шогирдларига нисбатан қаттиққўл, талабчан бўлган, шогирдлар учун махсус одоб талабларини ишлаб чиққан⁹. Устоз, аввало, ўз касбини мукамал билиши, билими ва тажрибаларини шогирд билан бўлишиши, касб сирларини тўла ўргатиши, одоб-ахлоқ жиҳатидан шогирдларга намуна бўла олиши лозим бўлган. Шогирд табиб эса доимо устозига тақлид қилган ҳолда фаолият юритган, шу сабабли устоз табиб шогирдларига ўзи яхши билмаган ёки тўлақонли синовдан ўтмаган дори воситалари, даволаш ҳамда ташхис қўйиш усулларини ўргатмаган. Устоз шогирди камолига етгач, унга ўз вақтида фотиҳа бериши, шогирднинг умрини беҳуда сарфламасликка имкон қадар ҳаракат қилиши керак¹⁰. Шогирд мустақил иш бошлагандан сўнг ҳам мудом устоздан маслаҳат ва йўл-йўриқ сўрашга муҳтож, бу пайтда устоз шогирдига ўзига рақобатчи кўзи билан қарамасдан, тиб сирларини ўртоқлашиши табобат касбининг олий кўринишларидан ҳисобланади. Қолаверса, шогирднинг устоздан ўзиши, улғайиб, улуғлик мартабасига эришиши устознинг қадрини заррача камайтирмаслиги¹¹, табиб ҳар қандай вазиятда ҳам шогирдининг устози мақомида қолишини ҳис қилиши зарур. Бугунги кунда халқимиз орасида танилган А. Кенжаев, М. Ҳамроев, С. Абдуллаев, Қ. Хонназаров каби устоз табибларнинг саъй-ҳаракати натижасида устоз-шогирдлик анъаналари янги босқичга чиқди.

Аммо, ҳар бир ҳунар турида ҳам уста касбининг нозик сирларини биринчи навбатда ўз ўғлига ўргатиб келган, яъни ҳунар билан боғлиқ сирларни оиладан ташқарига чиқармасликка ҳаракат қилган¹². Табобат илми ютуқлари ва қўлга киритилган ижобий ҳулосалари, аввало, инсон тақдири билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун даволаш усулларининг устоз томонидан кенг илмий муомалага киритилиши кўп кузатилган. Бу табобатда устозларнинг ўзига хос мактаб

⁸ Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Нарпай шаҳри. 2015 йил.

⁹ Ю л д а ш е в Х. Кичик мутахассислар тайёрлашда «устоз-шогирд одоби» анъаналаридан фойдаланишнинг илмий-услубий асослари. Педагогика фанлари номзоди ... дисс. автореф. Тошкент, 2006. 9-б.

¹⁰ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Миндон қишлоғи. 2014 йил.

¹¹ М а м а т о в Х. Устозлар ибрати уллуғликка ундайди // Хуррият. 2014 йил, 2 октябрь. № 118.

¹² Д а в л а т о в а С. Марказий Осиё ҳунармандчилик бирлашмалари: анъаналар, Урф-одатлар, маросимлар // Шарқшунослик. 2014. № 17. 40-б.

яратиши билан ҳамоҳанг бўлиб, табиблар орасида «фалон табибнинг даволаш усули» номи билан машҳурликка эришган¹³. Ўз номига эга даволаш усуллари бугунги кунда ҳам табиблар орасида кенг тарқалган. Жумладан, бугунги кунда ҳам халқимиз орасида «тандир билан даволовчи табиб», «очлик орқали даво берувчи», «илон табиб» каби атамалар пайдо бўлган.

Табиблик касбини ўрганаётган шогирдлар ҳам қатор шартларни бажариши мажбурий бўлиб, барча шогирдлар учун илм олишга бўлган интилиш бирламчи ҳисобланади. Бундан ташқари шогирдда қуйидаги хислатлар ҳам жам бўлиши керак:

— *шогирднинг сабрлиги*. Тиб илмини ўрганиш узоқ ва машаққатли иш, шу сабабли табиблар умри давомида битта ёки иккита шогирд тайёрлаганлар ва мустақил фаолият юритишга рухсат берганлар. Шогирд ўн-ўн беш йил давомида тажриба тўплаган. Устоздан ўрганган тажриба натижасида эса мустақил 30–40 йиллаб табобат билан шуғулланиш мумкин бўлган¹⁴. Ҳозирда фаолият юритаётган аксарият табибларнинг икки ёки учта шогирди бор, ундан ортиқ эмас;

— *шогирд зехнининг ўткирлиги*. Табиблар барча даволаш сирларини ҳам сўз билан изоҳлаб бермаганлар. Шогирд кузатиш, турли кичик тажрибалар ўтказиш, устознинг иш услубини таҳлил қилиш орқали ҳам табиблик мақомига чиққанлар. Жумладан, шогирд устоз табибнинг беморни қабул қилиши, ўзаро савол-жавоби, маслаҳатини эшитиб, қандай дори беришини кузатади. Шунинг натижасида шогирд ҳам устоздек табиб бўлиб етишади¹⁵. Тошкентлик Козимхон табиб ўз шогирдларига бир гиёҳни кўрсатиб, ўша гиёҳни қаердан бўлса ҳам топиб келишни буюрган, шу орқали шогирдларининг зехнини синагани ҳақида хотиралар шогирдлари томонидан бот-бот тилга олинади;

— *шогирднинг озодлиги*. Табибнинг энг яқин ёрдамчиси шогирддир. Шогирднинг интизоми тиббий жиҳозлар ва дори тайёрлаш асбобларини тоза сақлаши, ўзи ҳам тозалikka риоя қилиши (ҳар бир тиббий ҳаракатдан сўнг қўлини ва анжомларни тозалаш), иш жараёнида тоза кийимда бўлиши ва беморларга бўлган муносабатида кўринади;

— *шогирднинг одоби*. Шогирднинг одоби юқорида келтирилган барча хислатларнинг ўзида намоён бўлишидир. Умумий ҳолатда устоз шогирдидан покизаликни, иш вақтида чалғимасликни, эгри ва номаъқул ишларга яқин йўламасликни талаб қилганлар¹⁶. Шу билан биргаликда устоз рухсатисиз мустақил муолажа қилмаслик, билмаган дорини буюрмаслик каби шартлар ҳам бўлган.

Бўлажак табибнинг шахсий хислатлари ҳам шогирдлик муддатини белгилаган. Бир манбада «Устози ўн етти йил мобайнида Муҳиддин Умаровни тиб илми билан

¹³ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри. 2015 йил.

¹⁴ Сейфулмулюков И. К вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана. 1928. № 9–10. 67-б.

¹⁵ Кушелевский В. Материалы медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Новый Маргелан, 1891. 241-б.

¹⁶ Булатов С. Шогирд оқил бўлса 30-б.

қуроллантирди, ўзининг юксак ахлоқий сифатлари билан иқтидорли шогирдини инсон зотига катта меҳр-муҳаббат, унинг дардларига беқийс ҳамдардлик руҳида тарбиялади»¹⁷, дейилади. Демак, шогирдлик муддати қарийб йигирма йилгача давом этган. Бу даврда нафақат тиб илми, балки одоб-ахлоқ, хўжалик юритиш, тозалик ва муомала маданияти каби илмлар устоз томонидан ўргатилади.

Табиб ўз шогирдини йиллар давомида тарбиялар экан, босқичма-босқич тиб илмини ўргата бошлайди. Шогирдлик муддати давомида устоз томонидан табобат сирлари бир қанча тизим асосида ўргатилади:

— *гиёҳларни таний олиш ва йиғиш вақтини ўрганиш*. Табибнинг асосий қуроли қўли бўлса, ашёси гиёҳ ҳисобланади. Шу сабабли гиёҳларнинг тури, ўзига хос сифатларини билиш ва уларни навига қараб йиғиш мавсумини билиш зарур. Анъанавий тарзда гиёҳларни йиғиш эрта баҳордан кеч кузга қадар давом этган¹⁸. Шогирд аввало шу жиҳатни ўрганиши лозим. Масалан, термизлик табиб шогирдлик даврида устози билан туркман тоғидан тожик тоғигача бўлган гиёҳларни ўрганган ва бунга анча вақт сарфлаганини айтади¹⁹;

— *ташхис қўйиш*. Табобатда қуйидаги тadbирлар орқали ташхис қўйиш мумкин: бемор танасидан чиққан чиқиндиларга қараб, қон томир уришини ўлчаш орқали, беморнинг тери рангига қараб ва оғзаки сўров орқали²⁰. Ташхис қўйиш жараёни жуда мураккаб бўлиб, айрим вазиятларда алдамчи ҳолатлар ҳам кузатилади. Бу жараён шогирд зеҳни ва ақлининг умумий бирлашиш жараёнидир. Устоз табибларнинг шогирдлар кўз ўнгида ташхис қўйишининг сабаби шунда. Бу даврда шогирднинг «кўзи пишиб» борган;

— *оддий ва мураккаб дориларни тайёрлай олиш*. Табиб, аввало, шогирдига дори учун хомашё йиғишни (гиёҳларни керакли вазнда олиш, касалликка қараб янги ёки қуритилганини ишлатиш, гиёҳнинг неча йиллиги кабилар) ва изчиллик билан солда дорилардан мураккаб дориларга қадар тайёрлашни ўргатади. Бу жараён бевосита устоз назоратида, кейинчалик мустақил равишда амалга оширилади. Халқ табобатида дорилар турли кўринишда тайёрланган: толқон, бўтқа, шарбат, кулча (таблетка), малҳам ва ҳоказо²¹;

— *касалликларни турига қараб даволаш*. Шогирдлик мақомининг энг олий даражаси бўлиб, устоз назоратида касалликларнинг олдини олиш ва керакли муолажаларни белгилаш амалга оширилади. Бу ҳолатда шогирддан эгаллаган барча билимларни қўллаш ва устоз ўғитларини бажариш талаб қилинади. Шогирд юқорида келтирилган барча билим ва кўникмаларга эга бўлганидан сўнг устоз уни мустақил фаолият юритиши учун тайёрлай бошлайди. Маълум вақт ўтганидан сўнг мавжуд тартиб асосида шогирд имтиҳон топширади.

¹⁷ Жўраев Ж., Жўраев М. Табобат хазинасидан жавоҳирлар. Тошкент, 2012. 3-б.

¹⁸ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри. 2015 йил.

¹⁹ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри. 2016 йил.

²⁰ С а л о е в М. Урф-одаг ва саломатлик // Фан ва турмуш. 1991. № 3. 12-б.

²¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: С о б и р о в С. Хоразм анъанавий табобатида доривор ўсимликларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш. Хива, 2011. 52–60-б.

Ўтмишда ҳам шогирднинг мустақил иш бошлаш жараёни мураккаб синовлардан сўнг амалга оширилган. Ҳатто «Авесто»да ҳам шогирдлар ўқишни узоқ йиллар давом эттирганлиги ва мустақил фаолиятга бир қанча синовлардан сўнг қўйилганлиги айтилади²². Ёки табибликни касб қилишни истаган киши, аввало, гувоҳлар иштирокида учта касални муваффақиятли даволаб, ўз маҳоратини кўрсатиши зарур ҳисобланган²³, шундан сўнг у табиб мақомига эга чиққан. Манбаларда келтирилишича, марғилонлик табибнинг шогирдлик мақоми тутагач, ундан устозини (ўз отасини) операция қилиш сўралган ва бу иш муваффақиятли бажарилиб, мустақил фаолиятга рухсат берилган²⁴.

Шогирднинг мустақил фаолият бошлаши нафақат табобат соҳасида, балки барча касб-хунар вакиллари орасида ҳам маълум удумлар ва маросимларни бажариш орқали амалга оширилган²⁵. Табобат соҳасида эса шогирд мавжуд синовлардан ўтиб, эл назарига тушгач (айрим ҳолларда қўли енгил табиб номи берилди) оқ фотиҳа бериш маросими ўтказилади. Аксар ҳолларда бу жараён устознинг хонадонидида ташкил қилиниб, ўз даврининг кўзга кўринган ҳақимлари иштирок этишган. Маросимда табобат пири Лукмони Ҳаким ҳаққига дуо ўқилиб²⁶, шогирд устозга бош-оёқ сарпо берган. Устоз эса ўз шогирдига табобатта оид бирор анжом совға қилган, одатда шогирд табобатнинг қайси соҳасида иқтидорли бўлса шунга оид предмет берилган (масалан, доригар бўлса ҳовонча берилган). Устознинг табобатта оид асбобларни шогирдига бериши бежиз эмас²⁷, бу ўша касбни давом эттириш шарти, унга доғ туширмаслик кафолатини шогирдидан талаб қилишидир. Ҳозир ҳам шогирд табиблар мустақил фаолиятни йўлга қўйган бўлса-да, ҳар йили маълум вақтда устози ёки унинг оиласи ҳолидан хабар олиш ҳамда оқ фотиҳа олиб қайтиш мақсадида устоз хонадонига ташриф буюриш одати сақланиб қолинганини айтишади.

Табобат соҳасида устоз-шогирд аънанасининг юзага келиши ва сақланиши бевосита ушбу касбнинг халқ орасида катта обрўга эга эканлигини кўрсатади. Қадимдан табиблар нафақат оддий халқ орасида, балки кўпчилик зиёли кишилар ўртасида ҳам чексиз ишонч ва катта ҳурматга, обрў ва эътиборга эга бўлганлар²⁸. Бунинг сабаби — табиблар барча фанларни билиши ва уларни амалда

²² П а р м о н о в С. Қадимги шарқ табобати // Сихат-саломатлик. 1999. № 3. 23-б.

²³ Қ о д и р о в А. Ўзбекистон тиббиёти тарихи. Тошкент. 2001. 33-б.

²⁴ Л ы к о ш и н Н. Сартарашъ (туземный брадобрей и цирьюльник) // Туркестанские ведомости. 1903, 18 сентября. № 75.

²⁵ Бу ҳақда батафсил қаранг: Г о р д л е в с к и й В. Из жизни цехов в Турции. К истории Ахи // Азиатский музей. Записки коллегии востоковедов. Т. 11. Вып. 2. Л., 1927. 239–243-б.; П е ш е р е в а Е. Городское гончарное производство Средней Азии. Москва–Ленинград, 1959. 312–312-б.; Ф у л о м о в С., Б у л а т о в С. Шарқона уста-шогирд одоби. Тошкент, 2000.; Ю л д о ш е в Х., Б у л а т о в С. Устоз ва шогирд одоби. Тошкент, 2005.

²⁶ Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Қорақўл тумани. 2015 йил.

²⁷ Б у л а т о в С. Шогирд оқил бўлса 30-б.

²⁸ М ў м и н о в а Г. Халқ табобати тарихидан // Сихат-саломатлик. 1999. № 1. 19-б.

қўллай олишидадир. Инсоният қандай муҳитда ва қайси жамиятда яшамасин доимо табиблар хизматиға эҳтиёж сезган. Табобатда ташхис қўйиш, гиёҳлардан дори тайёрлаш, даволаш илк бор халқ томонидан асрлар давомида тўпланган тажрибалар асосида юзага келган бўлса-да, кейинчалик бу жараён касб даражасига кўтарилиб, илмий асосга эга бўлгач, маълум доирада ўрганила бошланди. Ҳатто давлат аҳамиятига молик соҳа даражасида долзарблашиб, ҳукумат доирасида эътиборга эга бўлди. Яъни табиблик маълум касб доирасига кўтарилгач, Табибнинг биргина хатоси, уни йиллар давомида йиққан обрўсини йўққа чиқариши мумкин. Шу сабабли табибликда шогирдлик чегараси ёки илм олиш муддатини аниқ белгилаб бўлмайди. Устоз-шогирдлик даврида эса табобатга оид бирламчи билимлар ўргатилиб, шогирдда табобатга доир малака ва кўникма шакллантирилади. Шогирд кўникмага эга бўлгачгина ҳақиқий табиб сифати берилган. Лекин унинг шогирдлик мақоми устози вафот этгунга қадар давом этса, илм олиш жараёни умрининг охиригача чўзилган.

Табобат соҳасига доир устоз-шогирд аънанаси бошқа хунар соҳаларига қараганда кам ўрганилган. Сабаби аксарият табиблар ўз фарзандари ичидан шогирд танлаган, чунки бу касбни эгаллаганлар ҳурмат-эътиборга эга бўлса, иккинчидан хунар сирлари билан боғлиқлиги эди. Шу сабабли бундай аънанларни тўлақонли ўрганиш айрим сирларни очишга сабаб бўлиши мумкин эди. Мустақиллик йилларда «Халқ табобат академия»сининг ташкил қилиниши ва табиблар фаолиятига кенг йўл очилиши бу соҳада сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлди. Бугунги кунда табобат соҳасида устоз-шогирд аънанаси бошқа касблар сингари давом этмоқда ва янгидан-янги талаблар, шартлар қўшилиши натижасида замонавийлашмоқда. Жумладан замонавий тиббиёт жиҳозларининг кириб келиши, аксарият тиббий асарларнинг хорижий тилларда эканлиги ҳам бу соҳага бироз таъсир қилди. Бугунги кунда айрим табиблар шогирдларининг турли хорижий тилларни билиши ва имкон қадар тиббий маълумотга эга бўлиши (ўрта махсус маълумот)га эътибор қаратмоқдалар. Шогирдларнинг замонавий техникалардан мукамал фойдаланиши, хорижий тилларни билиши бевосита устозлар фаолияти самарадорлигини оширади.

Х. ЖУМАНАЗАРОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИДА УСТОЗ-ШОГИРДЛИК АНЪАНАЛАРИ

Мақолада халқ табобатида устоз-шогирд анъаналари таҳлил қилинган. Устозлик мақоми ва шогирдлик одоби ҳамда муддати каби масалалар турли адабиётлар ва этнографик материаллар асосида кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: табиб, одоб-ахлоқ, тиббий маданият, удум, иқтидор, синов, тажриба, билим.

Х. ЖУМАНАЗАРОВ

ТРАДИЦИИ НАСТАВНИЧЕСТВА В УЗБЕКСКОЙ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЕ

В статье проанализированы традиции учителей и учеников в узбекской народной медицине. На основе разнообразного этнографического материала и научной литературы освещены такие вопросы, как статус учителя, воспитание учеников, период ученичества и др.

КН. JUMANAZAROV

THE TRADITIONS OF TEACHER AND LEARNER IN UZBEK MEDICINE

In the article the traditions of a teacher and learner of Uzbek national medicine is analyzed. Such problems as the status of the teacher, learner's courtesy and period of teaching and learning are demonstrated by the help of different literature and ethnographic materials.

ФИКР ҲАҚИДА ФИКР

А. АСҚАРОВ

«ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ»
АСАРИ БЎЙИЧА БИЛДИРИЛГАН МУЛОҲАЗАЛАРГА ЖАВОБ

«O'zbekiston tarixi» журнаlining 2015 йил 3-сони, мунозара рукнида бизнинг қаламимизга мансуб «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» (Тошкент: O'zbekiston, 2015. 675 бет) монографияси юзасидан т.ф.д., проф. А. Сағдуллаев ва т.ф.д., проф. А. Ашировларнинг фикр ва мулоҳазалари билдирилган мақолалар¹ чоп этилган. Биз ушбу асар муаллифи сифатида бу мақолаларга ўз муносабатимизни билдиришни лозим топдик.

Т.ф.д., проф. А. Сағдуллаев мақоласида эътибор қаратган мулоҳазалар асосан ўзбеклар этногенези муаммоси атрофида бўлиб, бу масалада монография муаллифи катта илмий иш бажарганлигини эътироф этади ва асарнинг I ва II бобларида «Миллий автохтонизм концепцияси»нинг туб моҳияти ва у билан боғлиқ назарий ва методологик масалалар ҳамда ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи акс этган илмий адабиётлар таҳлилини ижобий баҳолайди. Шу билан бирга, проф. И. Жабборовнинг илмий иқтибосларсиз ёзилиб, 2008 йилда «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Ўзбеклар (анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти)» асари ҳақида китобда билдирилган танқидий фикрларга қўшилмайди (журналнинг 72-бетиди). Унингча «И. Жабборов китоби мақсад ва вазифасига кўра, ўзбеклар этногенези масаласида ўз фикр-мулоҳазаларини эркин ифода этган асар», ва ўз фикрини давом эттириб, «монография муаллифининг мураккаб тарихий муаммоларни таҳлил қилиш жараёнида илмий адабиётларга иқтибос бериш лозимлиги ҳақидаги фикри албатта ўринли» деб яқунлайди. Афсуски, тақризчи проф. И. Жабборов китоби ўзбеклар этногенези масаласида ўтган асрнинг 50–60-йилларидаги тасавурлардан нарига ўта олмаганлиги ҳақида оғиз очмайди.

А. Сағдуллаев танқидий эътирозлар билдиришда давом этиб, «А. Асқаровнинг тадқиқотида сўнгги йилларда этногенез ва этник тарих муаммоларига бағишланган мақола ва илмий тадқиқотларда қўлланилган замонавий усуллар етарли даражада инobatга олинмаган» (73-бет) дейди. Аслида А. Сағдуллаев юқорида ижобий баҳолаган монографиянинг I-бобида айнан замонавий усуллар ҳақида гап боради. Афсуски, А. Сағдуллаевга маъқул тушган этносга боғлиқ замонавий усулларда ҳар қандай халқ тарихининг энг муҳим босқичи — этногенез масаласи инкор этилади. Тақриз қилинаётган монографияда эса, айнан этногенез ва

¹ Сағдуллаев А. А. Асқаровнинг янги асарида таклиф этилган ўзбеклар этногенези концепцияси ҳақида баъзи мулоҳазалар // O'zbekiston tarixi. 2015. № 3. 72–79-б.; Аширов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихига оид монография ҳақида. Шу жойда. 80–87-б.

этниқ тарих ҳақидаги асосий қарашлар таҳлили ўз аксини топган. Ўзбеклар икки тарихий илдиз қоришувидан ташкил топган автохтон халқ эканлигини асословчи яна қандай замонавий усуллар бор? Танқидий мақолада улар ҳақида бирор ишора ҳам кўзга ташланмайди. А. Сағдуллаевнинг китоб ҳақидаги танқидий эътирозларидан яна бири, ишда К. Шониёзов фикр ва мулоҳазалари билан ўхшаш томонлар кўп (ўша бетда), дейди. Дарҳақиқат, монография билан яхшироқ таниш бўлсангиз, ишнинг илмий концепциясида биз К. Шониёзов билан бир позициядамиз. Шунинг учун ҳам муаммога ёндашувда бир-биримизга ўхшашлик бор. Аммо, ўзбек халқининг этниқ ва миллат тарихи масаласида мустақил қарашларимизга ҳам эгамиз. Улар ҳақида китобда тегишли маълумотлар берилган.

Танқидчи-тақризчи эътироз билдирган боблардан бири «Ўрта Осиё халқлари тарихининг янгича даврлаштириш масаласи» бўлиб, унда «янгича ёндашув кўзга ташланмайди» (ўша бетда). Чунки, «ибтидоий тўда даври», «ибтидоий уруғчилик жамоаси», «матриархат», «патриархат» ва «ҳарбий демократия» каби кишилик тарихининг босқичлари ўз даврида Л.Г. Морган томонидан тақлиф этилган ғоялар бўлиб, тарих фанида улар умум эътироф қилинган тушунчалардир. Таъкидлаш жоизки, Л.Г. Морган хизматлари китобда айтилган, булар китоб муаллифи учун янгилик эмас. Аммо, муҳтарам танқидчимиз муаллифни тушунмабди. Мен китобда совет даврида кенг қўлланиб келинган, кишилик тарихининг 5 та ижтимоий-иқтисодий формациясига муносабат билдириб, бу даврий схемада кишилик тарихининг биринчи формацияси «Ибтидоий жамоа тузуми» деб аталиб, унинг таркибига одамзоднинг пайдо бўлишидан то дастлабки синфий жамият таркиб топгунига қадар ўтган давр киритилган, яъни унга «ибтидоий тўда даври» ҳам киритилган. Ваҳоланки, «Ибтидоий тўда даври» одамсимон илк аждодларимизнинг одам бўлиб шаклланиш давридир (становление самого человека). Бу даврда одамзоднинг илк аждодлари — Зинжантроп, Питекантроп, Фергантроп, Синантроп, Неандерталлар яшаган. Уларда ҳали никоҳ, оила, уруғчилик, жамоачилик бўлмаган. «Ибтидоий уруғчилик жамоаси» эса Homo sapiensлардан (ақлли одамлар давридан) бошланган. Шу боис, мен собиқ совет даври нашрларида кенг қўлланиб келинган ибтидоий жамият тарихини (яъни биринчи «ижтимоий-иқтисодий формация»нинг) икки босқичга, яъни «Ибтидоий тўда» ва «Ибтидоий уруғчилик жамоаси» босқичларига бўлишни тўғри деб топмадим. Чунки, кишилик тарихининг «Ибтидоий тўда даври»да илк аждодларимиз ҳали росмана одам ҳолатига кирмаган эди. Кишилик жамияти эса, айнан ибтидоий уруғчилик, илк жамоачилиқдан, оналар илоҳийлаштирилган жамоачилиқдан, илк аждодларимизнинг ҳайвоний ҳис-туйғулардан кутулиб, росмана одам ҳолатига, ақлли одам, фикрловчи одам шаклига кирган давридан бошланади. Кишилик жамиятининг «Ибтидоий уруғчилик жамоаси» эса, ўз навбатида бир неча босқичларга бўлинган. Бу ҳақда даврлаштириш бобида тўлиқ маълумотлар берилган. Танқидчимиз эса, мен назарда тутган асл мақсадни тушуниб етмаган.

«Муаллифнинг таъкидлашича, — дейди танқидчимиз — «милодий III–IV асрларгача ўрта Осиёда «ҳарбий демократия» тизими ҳукм сурган. Шунингдек, мил. авв. VII–милодий IV асрларда минтақадаги цивилизация марказлари ва давлатларнинг таркиб топиши қайд этиб ўтилган. Бу жойда масалага ойдинлик киритиш лозим, чунки «ҳарбий демократия» ва «цивилизация» ҳар хил тарихий тушунчалар бўлиб, Ўрта Осиёда уларнинг вужудга келиши хронологиясини бир-бири билан ажралган ҳолда, аниқ кўрсатиб бериш зарур». А. Сагдуллаевнинг танқидий мулоҳазасида даврий схемамиздаги II давр («Ибтидоий уруғчилик жамоаси ва мулк эгалигининг шаклланиш даври»)нинг юқори хронологик чегараси назарда тутилган бўлса, шуни айтиш мумкинки, унинг «ҳарбий демократия» босқичи Ўрта Осиё шароитида илк темир (мил. авв. VII–IV асрлар) ва антик давр (мил. авв. IV аср охири — милодий IV асрлар)ни ўз ичига олади. Антик даврининг Қанг (Кангкия) ва Даван-Дайюан (Парғана) давлатларида бошқарув жанубнинг Юнон-Бақтрия ва Кушон давлатларидан фарқ қилиб, бошқарув тизими «ҳарбий демократия» даврининг демократик принциплари асосида қурилганлиги тарихчи-археологларнинг ҳеч бирига сир эмас. «Ҳарбий демократия» атамасини Ўрта Осиё минтақасининг жанубий вилоятларига нисбатан ишлатилса, унинг хронологик чегараси илк темир даврига тўғри келади. Ҳарбий демократия тушунчаси Бақтрия, Марғиёна, Парфия, Хоразм ва Сугдиёна каби ўлкаларга нисбатан ишлатилганда, у фақат илк темир даври хронологияси билан монандир. Цивилизация тушунчаси эса, туб моҳият ва мазмун жиҳатидан ҳарбий демократия тушунчасидан фарқ қилиб, у кўпроқ аждоқларимизнинг ўтроқ деҳқончилик маданияти, шаҳарсозлик ва илк давлатчилик маданиятига нисбатан ишлатилиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. А. Сагдуллаев «муаллиф минтақада ҳарбий демократия босқичида «зардуштийлик ва буддавийлик, монийлик, насронийлик ва шаманизм ёйилади» (82-бет) деб ёзган», дейди. Аслида эса, мазкур бобнинг якунида «жамият мафкуравий асосини дастлаб табиат ҳодисаларига сиғиниш: тотемистик, анимистик, сеҳргарлик (матриархатда), оташпарастлик диний қарашлари (патриархатда), сўнг (ҳарбий демократия босқичида) эса зардуштийлик ва буддавийлик, монийлик, насронийлик ва шаманизм ташкил этган», деб ёзилган. «Мазкур бобда, — дейди тақризчи, — «илк ўрта асрлар тарихига оид кашоварзлар, озодкор ва гувакорлар ижтимоий гуруҳларини хронологик ва мазмун жиҳатидан бронза, илк темир ва антик даври билан боғлаш бироз шубҳа уйғотади». Мен бундай деб ўйламайман. Чунки, ерга, чорвага бўлган хусусий мулкнинг пайдо бўлиши сўнгги бронза даврига бориб тақалади. Бу хулосалар археологик материаллар таҳлили асосида илмий исботланган. Патриархатда жуфт — моногамик оиланинг таркиб топиши кашоварзлар ижтимоий гуруҳининг пайдо бўлишига олиб келган. Бу жараён кашоварзлар ижтимоий гуруҳининг пайдо бўлишига фойдаланишга ўтган аждоқларимиз ҳайвонлардан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтганларидан сўнг, чорвадор жамоаларда эса эртароқ, бронза даврдан юз бера бошлади. Бу жараён узоқ давом этади, унинг якуни илк ўрта асрларда жамиятнинг асосий ижтимоий, иқтисодий таянчига айланади. Бу ҳақда китобда асосли таҳ-

лилий хулосаларга келинган. Бу ҳам кенг кўламли археологик материаллар таҳлили асосидаги янгича қарашлар туркумига киради. Танқидчимиз бронза, илк темир ва антик даврларга хос қандайдир ижтимоий қатламларни белгиловчи махсус тушунчалар борлигига ишора қилган. Уларни илк ўрта асрлар даври атамалари билан алмаштиришга жиддий зарурият йўқлиги ҳақида гапиради. Аммо, улар қандай атамалардан иборат эканлигини айтмайди.

Энг ачинарлиси шундаки, китобда келтирилган турли хил расмлар ва хариталар, V–VII бобларда келтирилган ўзбек халқи аجدодларининг ўтроқ ва чорвадор этник қатламларига тегишли археологик материаллар этногенез ва этник тарих учун бевосита ахборот бермас эмиш (тақризда, 74-бет). Авваламбор, археологик ва антропологик материалларсиз ҳар қандай халқнинг этногенез тарихини ёзиш мумкин эмас. Наҳотки, археолог А.Сагдуллаев учун сополларнинг ўта қисқа тавсифи, хом гишталарнинг ўлчамлари, мудофаа деворлари ва ертўлалар характери ўзбек халқи этник таркибини ўрганишда, хронологик, этномаданий ва миграциялар билан боғлиқ ахборотлар олишда бирламчи манба бўлиб хизмат этиши маълум бўлмаса?!

«Китобда, — дейди танқидчимиз, — у ёки бу давр археологик ёдгорликлари ва маданиятларининг махсус сарлавҳаси остида ёритилган... Бундай ёндашувга тегишли айрим саволларнинг пайдо бўлиши табиийдир. Қандай қилиб ҳали муайян элат, халқ маълум бўлмаган қадимги даврларда, шу жумладан, олис бронза даврида, археологик ёдгорликлар ва моддий манбалар «ўзбек халқи этник асосини» ташкил этиши мумкин? Археологик артефактларда, антропологик қиёфада, тил ҳақида муайян ахборот, маълумот сақланиб келганми?» — дея таажжубланади. Танқидчимиз «ўзбек халқи аجدодларининг моддий маданияти ҳақида сўз юритиш, эҳтимол тўғридир», деган хулосага келади. Аммо, «ўзбек халқининг келиб чиқишидан далолат берувчи ёдгорликларини баён этишда Саразм ёдгорлигидан бошлаш мақсадга мувофиқ эмас. Бу ўзгалар миллий тарихини ўзлаштиришни англатади», дейди (74-бет). Бироқ китобга ҳозирги Туркменистоннинг Копетдоғ этакларидан Зарафшон водийсига кириб келган энеолит ва илк бронза даврига оид Саразм ёдгорлиги ҳақида тегишли маълумотларнинг киритилиши илмий зарурият эди. Чунки, ўзбек этник тарихининг бир илдизи қадимги эроний тилли суғдий аجدодларимизга бориб тақалади. Боз устига, Саразм ёдгорлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг марказий қисмини ташкил этган Зарафшон водийсида, 1929 йилда собиқ совет мафкурачилари томонидан ўрнатилган Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари чегара пунктидаги қишлоқда жойлашган.

«Китобда келтирилган хариталарга, — дейди тақризчи, — ёдгорликларни жойлаштиришда хатоликлар кўзга ташланади. Бир қатор ёдгорликлар ўз географик жойида эмаслиги қайд қилинган». Ҳақиқатда, китобда бу камчиликлар учрайди, ёдгорликларнинг кўплиги ва уларни харитага аниқ масштаб билан жойлаштириш қийинлиги боис, айрим хатоликлар юз берган. Аммо, китобга бир неча хил хариталарни киритишдан кўзланган мақсад, уларни аниқ ўз гео-

график ўрнига жойлаштириш эмас, балки қадимда аждодларимизнинг ҳозирги Ўзбекистон худудларида қанчалар кенг тарқалганлигини намойиш этиш бўлган. Ҳатолар келгуси нашрларда тузатилади.

Тақризчининг яна бир эътирози муаллифнинг «янгича қарашлар ва ёндашувлар» изоҳида қадимги Хитой ёзма манбаларига асосланиб, орийларни прототуркийлар билан локализациялаш гоёси бўлди. Ушбу баҳсларда, дейди у, жаҳоннинг машҳур олимлари икки асрдан ортиқ вақт баҳсларда иштирок этиб, орийлар келиб чиқиш жиҳатидан Еврооосиёнинг эронзабон қабила ва элатларидир, деган гоё билан изланишлар олиб боришсалар-да, кутилмаганда А. Асқаров уларни ва уларнинг издошларини «евроцентризм»да айблаб, ўзининг бироз муваффақиятсиз чиққан концепцияси асосида, «орийлар муаммоси»ни тубдан қайта кўриб чиқиш лозимлигини тантанали равишда эълон қилади. Аммо, А. Асқаровнинг ўзи 1981 йилда чоп этилган мақоласида: «Гарчи лингвист бўлмасам-да, мен Ўрта Осиёни эроний тилларнинг илк юзага келган маркази дейишим мумкин, дея тахмин қилишга ўзимни ҳақли деб биламан, шимолий вилоятлардан бу ерга чорвадор қабилаларнинг (орийлар) келишидан анча илгари маҳаллий аҳолининг тили эроний бўлган², деб ёзгани маълум». Дарҳақиқат, Сополли маданияти ёдгорликларини ўрганиб юрган кезларимда, шундай хулосага келганман. Буни мен инкор этмайман. Аммо, ҳеч қачон, собиқ совет даври фан дарғалари Еврооосиё даштларининг бронза даври аҳолиси, айниқса, Андроново маданияти қабилалари эроний тили эди, деган евроцентриқ лингвистларнинг Авесто ривоятларига асосланган «илмий» фаразларига қўшилмаганман. Чунки, Тоғли Олтойда яшаган Андроново маданияти аҳолисининг прототуркий эканлигини совет даври тарих фани тан олса-да, нега моддий маданияти ва антропологик типи улар билан бир бўлган Еврооосиё даштларининг Сруб-Андроново маданиятларининг аҳолиси қадимги эроний тили қабилалар бўлиб қолганлиги мени ҳайратга солар эди. Яқингача Андроново маданиятининг аҳолиси қайси тилда сўзлашганлиги ҳақида ҳеч қандай ёзма маълумот йўқ эди. Қадимги Хитой ёзма манбаларига қилинадиган иқтибослар Л.Я. Бичурин асарларига асосланар эди. Қадимги Хитой ёзма манбаларининг аслияти асосида қайта ўқилиши туфайли Жанубий Сибирь даштларида, Енисей дарёси ҳавзаларида мил. авв. III–II минг йилликларда туркий тили хуннларнинг аждодлари тиеклар (хитойча дилар), хулар (хитойча рунг, ривем) каби жанговар чорвадор прототуркий қабилалари яшаганлиги аниқланди. Бу ҳақда китобда кенг маълумотлар берилган. Мен 2007 йилда чоп этилган «Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи» деб номланган ўқув қўлланмамизда прототуркий тили орийларни мил. авв. II минг йилликнинг ўрталаридан жанубга миграцияси туфайли, уларнинг туб жойли шимоли-шарқий эроний тили қабилалар билан илк бор қоришуви, яъни ўзбек халқининг этногенез тарихи бошланди, деган бўлсам, 2015 йилда чоп этилган «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» китобимда бу фикрлар

² Асқаров А. Южный Узбекистан во II тысячелетии до н.э. Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. Москва, 1981. 178-б.

мавжуд археологик ва антропологик материалларнинг янги таҳлили ва уларга янги қарашлар асосида янада ривожлантирилди, яъни прототуркий аждодларимиз ҳам қадимги эроний тилли аждодларимиз каби автохтон эканлиги ҳақида илмий қарашлар ўртага ташланди. Тўғри, бу ҳали ўта мунозарали муаммо, аммо масаланинг қўйилиши илмий-назарий жиҳатдан мантиқан тўғридир. Фанда у ёки бу масалада турли хил қарашларнинг бўлиши табиий ҳол. Тарихий ҳақиқатлар уларсиз юзага келмайди.

Китобда прототуркийларнинг аслзода суворийларига нисбатан орий атамаси ишлатилган. Уларнинг оддий прототуркий аҳолидан фарқининг археологик белгилари кўрсатилган. Бундан ташқари, бронза даврининг орий-прототуркийлари биргина ўзбек халқининг аждодлари бўлиб қолмасдан, балки улар қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, татар каби туркий тилли қардошларимизнинг ҳам аждодларидир. Боз устига, ўзбек халқи этногенези ҳақида гап кетганда, унинг келиб чиқиши икки илдизли этник қатламларнинг узоқ асрлар давомидаги қоришувидан ҳосил бўлган янги этнос эканлиги китобда қайта-қайта айтиб ўтилган.

Оппонентимиз асосан танқидий фикрлардан ташкил топган ушбу мақолада яна олис аждодлар тили масаласига қайтиб, А. Асқаровнинг «неолит даври Жойтун маданиятининг авлодлари бўлган бронза даврининг аҳолиси шарқий эроний тил соҳиблари бўлганлиги ҳақида илмий қарашлар мавжуд. Тарихий илдизлари Калтаминор маданиятига бориб тақалувчи Замонбобо, Тозабобо, Қайроққум, Евроосиё даштларининг Сруб ва Андроново маданиятлари аҳолиси эса, қадимги хитой ёзма манбалари ва археологик изланишларга кўра, прототуркийлар эканлигига шубҳа қолмайди, деган нуқтаи назари илмий жиҳатдан асослаб берилмаган», дейди. Сагдуллаев тарих фанида илмий фарозлар олис ўтмишимиз даврида, Ўрта Осиё худудий доирасида, ҳали ёзув пайдо бўлмаган кезларда, мавжуд археологик ва антропологик материалларнинг мантиқий таҳлили асосида яратилади. Аммо, айнан муаммо ечимида прототуркийлар фойдасига асос берувчи қадимги Хитой «шилари» қолдирган иероглиф ёзувлари ҳам бор-ку! Бироқ, китобнинг VIII ва XII бобларида А. Сагдуллаев эътирозларига тегишли асосли жавоблар мавжуд.

А. Сагдуллаев эътирозларига берган жавобларимга яқун ясаб айтиш мумкинки, фанда пайдо бўлган ҳар бир янги ғоя қанчалар асосли бўлмасин, дастлаб қаршиликларга учраши табиий ҳол. Бундан муаллиф чўчимайди, аксинча тугилган эътирозлар муаммо ечими бўйича келгусида янгидан-янги тадқиқотлар олиб боришга туртки бўлади.

Т.ф.д., профессор А. Аширов ҳам мақоласида ушбу ўта мураккаб муаммо, унинг илмий ечими ва китобда кўтарилган долзарб масалалар юзасидан ўзининг объектив баҳосини берган. Шу билан бирга, муаллифнинг унга қадар муаммо илмий ечимига бағишланган асарларда кўпроқ асосий урғу, унинг туркий илдизига қаратилиб, ўзбек халқининг ўтроқ асосларига эътибор кам қаратилди, деган мулоҳазаларига бироз эътироз билдиради. Бу эътирозга юзаки қаралса, танқидчи ҳақли, аммо масала ечимига чуқурроқ ёндашилса, мен ки-

тоб муаллифи сифатида ҳақли бўлиб чиқаман. А. Аширов ўзбек халқининг этник тарихида аждоқларимизнинг ўтроқ қатламига ҳам катта эътибор берилганини асослаш асносида устози К. Шониёзовнинг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» асари II боб, I банди («Ўзбек элатининг илк аждоқлари»)га иқтибос қилиб, шу параграфда (103–151-бетлар) ўзбек халқининг ўтроқ этник асоси кенг ёритилган, деган фикрни келтиради. Аслида, К. Шониёзов асарининг бу банди муаллифнинг ўзи ёзишига қараганда, Ўрта Осиё қадимги ва илк ўрта асрлар этник дунёсининг қисқа тарихий очерки бўлиб, бу банднинг бошланишида ўтроқ аждоқларимиз маданиятига тегишли атиги иккита ёдгорлик (Сополлитепа ва Чуст) тилга олинади. Бутун бошли 48 варақдан иборат матнда илк темир, антик ва илк ўрта асрлар даврининг ўтроқ деҳқончилик марказлари аҳён-аҳёнда тилга олиниб, асосий урғу чорвадор гуруҳларнинг этник таҳлилига бағишланади.

А. Аширов мақоласида (журналда 83-бет) «муаллифнинг монографияси ўзбек халқи тарихи уч босқичдан, яъни этногенез, этник ва миллат тарихидан иборат эканлиги ҳақидаги қарашларга асосланган этнос концепцияси асосида таҳлил қилинган. Этник тарихга бундай ёндашув тўғри эканлигини маъқуллаган ҳолда шуни ҳам таъкидлаш керакки, этнология фанида бу борада бошқача қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, академик К. Шониёзовнинг фикрича, «этник тарих ўрганилаётган халқнинг ибтидоийликдан бошлаб, бир қанча тарихий босқичларни ўтиб, то бизгача давом этиб келган катта даврни қамраб олади. Бошқача қилиб айтганда, этник тарих тушунчаси этноснинг қадимда ва илк ўрта асрларда мавжуд бўлган илдизларини, уларнинг алоҳида этник жамоа (этник бирлик) бўлиб шаклланиш даврини ҳамда этноснинг кейинги тарихий тараққиёт тарихининг (то миллат бўлиб шаклланишига қадар) ўтган даврини ўз ичига олади»³. Бироқ, ҳар иккала муаллиф ҳам этнос-халқнинг шаклланиши миллатнинг шаклланишига тўғри келмайди, деган умумий хулосага келадилар. Ҳар иккала муаллифнинг фикрича, миллатнинг шаклланиши этногенетик жараён каби узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, миллат этник тарихининг энг юқори чўққиси, камолот босқичи, бу босқичга кўтарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади, аниқ ҳудудий чегарада муомалада бўлган умумхалқ-миллат тили давлат тили мақоми даражасига кўтарилади, ўзликни англаш даражаси фуқароларнинг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланади. Аслида миллатга берилган бу таъриф фақат китоб муаллифига (А. Асқаровга) тегишли бўлиб, аксинча академик К. Шониёзов ўзининг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» номли фундаментал асарининг I боб, этнос назариясига бағишланган 4-бандида (77-бет) «элат ва миллат атамалари фанда ҳали обдан такомиллашганича йўқ», шу банднинг 86-бетиде эса «Этнография фанида элатни (миллатни ҳам) белгиловчи бир қанча аломатлар мавжуд: ҳудуд, тил, иқтисод, маданият, тарихий қисматнинг умумийлиги, онг сезими, этнос-

³ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, 2001. 80-б.

нинг уюшқоқлиги маълум бир давлат доирасида бўлиши, ўз этник номига (этнониими) эга бўлиши, дин умумийлиги ва бир қанча бошқа аломатлар», деган фикрни билдирган. К. Шониёзов келтирган аломатлардан «этноснинг уюшқоқлиги бир давлат доирасида бўлиши» ва «ўз этник номига (этнониими) эга бўлиши» ҳақиқатда этноснинг миллат босқичига тегишли, «дин умумийлиги» эса этноснинг ҳар иккала босқичига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Қолганлари абстракт кўринишда, уларга таърифий аниқлик киритилмагунча бирор нарса дейиш қийин.

Монография муаллифи, дейди А. Аширов, «миллат капитализмнинг ижтимоий маҳсули ҳисобланади. Агар мана шу методологик принципга асосланган бўлсак, ўзбек халқининг миллат тарихи XIX аср охири — XX асрнинг бошларидан бошланган»лигини таъкидлайди. «Аммо, бизнингча, — дейди А. Аширов, — бу қараш бирмунча баҳсли бўлиб, замонавий этнологияда ҳам бу муаммоли қараш ҳисобланади». Чунки, бундай қараш XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб хорижий мутахассислар томонидан жиддий мунозара мавзусига айланди... Сўнгги ўн йилликларда миллат билан боғлиқ анъанавий қарашларда инқилобий ўзгаришлар юз берди. Хорижий олимлар фикрича, миллат, аввало, сиёсий уюшма шакли ва ундан кейин этник ва ижтимоий бирлашма феномени ҳисобланади ... миллат тасаввурдаги тузилма бўлиб, жамоавий ҳаракатларга асос бўлади ва қатъий воқеликка айланади. Бу борада Э. Гелнер миллат ва миллатчиликка индустриал жамият асос бўлган деб ёзса, Б. Андерсон миллат индустриал жамиятга ўтиш босқичи, деб таъкидлаган. Шу боис, китобда миллат назарияси билан боғлиқ фанда альтернатив бошқа илмий қарашлар ҳам борлигини эслаб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди». Миллат назарияси билан боғлиқ қатор альтернатив қарашлар борлиги ҳақида эслаб ўтиш масаласида А. Аширов ҳақли. Аммо, бу масалада миллатга «сиёсий уюшма», «инсон тасаввуридаги тузилма», «турли этнос вакиллариининг жамоавий уюшмаси» сифатида қараш тарихан хатодир. Э. Гелнер ва айниқса Б. Андерсон қарашлари тарихий ҳақиқатга яқин, бизнинг қарашларимизнинг ўзгача ибораларда айтилиши десак, хато бўлмайди. А. Аширов китобнинг II бобида адабиётлар таҳлили асносида ижобий фикрлар билдириб, устози асарида («Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни») кўйилган баъзи бир камчиликлар ҳақида билдирган мулоҳазаларимни баҳсли деб ҳисоблайди. Бу ҳақда юқорида фактлар асосида жавоб қилинди. Тақризчимиз китобнинг қатор боблари мазмун ва моҳиятига ижобий муносабат билдириб, монографиянинг археологик материаллар тавсифига бағишланган V—X бобларини ўқувчи томонидан мутолаа қилиниши оғир кечади, натижада оддий ўқувчига биров қийинчиликлар туғдиради... масала ечимини топиш жараёнида биров чалкашликларга олиб келиши мумкин, деган эътироз билдирган. А. Ашировнинг мулоҳазалари бир жиҳатдан тўғри, аммо бу талаба учун ўқув қўлланмаси ёки дарслик эмас, балки фундаментал академик асар, изланувчи-тадқиқотчилар учун манба, илмий ва илмий-методологик асар ҳамдир.

Тақриз якунида проф. Адҳамжон Аширов «умуман олганда, мазкур асарда муаллифнинг ҳозиргача Ўзбекистон тарихи ва этнология фанида старлича ишланмаган этногенез ва этник тарих, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи муаммолари ечимига қаратилган муҳим илмий хулосалари баён қилинганлигини қайд этиб, академик А. Асқаровнинг илмий тадқиқоти ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганишга муҳим ҳисса қўшиши ва ўрганилаётган муаммо тарихшунослигида ўзининг муносиб ўрнини топиши шубҳасиздир», деган фикрга келади.

А. АСҚАРОВ

**«ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ»
АСАРИ БЎЙИЧА БИЛДИРИЛГАН МУЛОҲАЗАЛАРГА ЖАВОБ**

Мақолада муаллиф «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» асари бўйича «O'zbekiston tarixi» журнаlining 2015 йил 3-сонида чоп этилган А. Сагдуллаев ва А. Ашировларнинг мулоҳазаларига ўз муносабатини билдирган. Муаллиф ўзининг ўзбек халқи этногенези ҳақидаги концепциясига мақолада билдирилган эътирозлар ва кўрсатилган камчиликлар юзасидан илмий асосланган жавобларини келтиради.

А. АСҚАРОВ

**ОТВЕТ НА СУЖДЕНИЯ О КНИГЕ
«ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ»**

Автор статьи высказывает свое мнение о суждениях А. Сагдуллаева и А. Аширова, напечатанных в журнале «O'zbekiston tarixi», 2015, №3, в связи с изданием его книги «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» и приводит научно обоснованные и аргументированные ответы на указанные в этих суждениях недостатки и критику по поводу его концепции о этногенезе узбекского народа.

А. АСКАРОВ

**AN ANSWER TO THE JUDGEMENTS ABOUT THE BOOK
«ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ»**

The author of the article states his opinion on the judgements of A. Sagdullaev and A. Ashirov printed in the magazine «O'zbekiston tarixi», 2015, issue3 regarding the publication of his book «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи». The author expresses scientifically well-founded arguments concerning the articles' shortcomings and criticism addressed to the concept of ethnogenesis of the Uzbek people.

ЮБИЛЕЙ

А. АНАРБАЕВ

АКАДЕМИК АҲМАДАЛИ АСҚАРОВНИНГ
ЎЗБЕКISTОН АРХЕОЛОГИЯ ФАНИ
РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Ўзбекистон ФА нинг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофотининг лауреати, тарих фанлари доктори, археолог, профессор Аҳмадали Асқаров 1935 йил 25 сентябрда Наманган вилояти Норин тумани Учтепа қишлоғида таваллуд топди. У Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетига 1953 йилда ўқишга кириб, унинг тўлиқ курсини 1957 йилда имтиёзли диплом билан тамомлаган. Талабалик йилларидаёқ ўзбек археологиясининг отаси, академик олим Яҳё Фуломовнинг илмий маърузаларини тинглаб, археология фанига бўлган қизиқиши уйғонди ва у киши билан бўлган мулоқотлар ёш Аҳмадали Асқаровнинг фандаги ҳаёт йўли ва илмий йўналишини белгилаб берди.

Аҳмадали Асқаров Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида СССР ФА Археология институтининг Ленинград бўлимида аспирантурада таниқли археолог-олим М.П. Грязнов раҳбарлигида номзодлик диссертацияси устида илмий тадқиқот олиб борди. 1963 йилда номзодлик диссертациясини¹ муваффақиятли ҳимоя қилгач, Ўзбекистон ФА Тарих ва археология илмий-тадқиқот институтида дастлаб кичик илмий ходим (1961–1963), сўнг катта илмий ходим (1963–1966), кейинроқ археология йўналиши бўйича директор ўринбосари (1966–1970) лавозимларида хизмат қилди.

Аҳмадали Асқаров 1970 йили Самарқандда янги ташкил этилган Археология институтининг директори этиб тайинланди. Янги институтни ва кадрларни шакллантиришда Аҳмадали Асқаровнинг илмий ташкилотчилик хизматини алоҳида қайд этиш зарур. Унинг ташаббуси билан 1987 йили Самарқанд археология институти қошида номзодлик диссертациялари бўйича ҳимоя кенгаши ташкил этилди. Кейинроқ эса у минтақавий докторлик ҳимоя кенгашига айлантирилди, институт базасида бир неча бор минтақавий, бутуниттифоқ ва халқаро миқёсда илмий конференциялар, симпозиумлар ташкил этилди, ўзига хос «Самарқанд археология мактаби» шаклланди.

Аҳмадали Асқаров 1976 йилда докторлик ишини² яқунлаб, 1977 йил Москвада СССР ФА Археология институти қошидаги илмий кенгашда ҳимоя қилди.

¹ Асқаров А. Низовья Зарафшана в эпоху бронзы. Автореф. канд. дисс. Ленинград, 1962. 19 б.

² Асқаров А. Бронзовый век южного Узбекистана (К проблеме развития локальных очагов древневосточной цивилизации). Автореф. докт. дисс. Москва, 1976. 44 б.

А. Асқаровнинг илмий-ташкilotчилик қобилияти ва археология фанида эришган ютуқлари уни аввал (1984) ЎзФА мухбир аъзоси, кейин (1987) эса академиянинг ҳақиқий аъзолигига сайланишига олиб келди. Академик А. Асқаров 1987–1992 йилларда Ўзбекистон ФАнинг тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг академик-котиби, Академия президиуми ҳайъати аъзоси бўлиб ишлади. 1991–1994 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти директори, 1994 йил июлидан 1998 йил март ойигача Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми аъзоси, тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг раиси вазифаларида ишлади.

Аҳмадали Асқаров бутун илмий фаолияти давомида академик Я.Ф. Фуломов археологик илмий мактабининг изчил давомчиси сифатида археолог кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор бериб келди. Унинг шахсий ташаббуси билан Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск каби йирик марказларида ўнлаб ўзбекистонлик ёш мутахассислар таҳсил олдилар. Уларнинг барчаси номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Ҳозирда уларнинг аксарияти Ўзбекистонда тарих ва археология фанига хизмат қилмоқдалар.

Аҳмадали Асқаров илмий раҳбарлигида 20 та номзодлик диссертациялари ва 4 та докторлик иши муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Олим Ўзбекистон тарих фанининг жонкуяр тарғиботчиси ҳамдир. У 50 дан ортиқ халқаро симпозиум ва конференцияларда археологиянинг долзарб мавзулари бўйича чиқишлар қилган. Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг ЮНЕСКО бўлими томонидан нашр этилаётган олти жилдлик — «Марказий Осиё цивилизацияси тарихи» муаллифларидан биридир. 1989–1991 йиллари ЮНЕСКО томонидан уюштирилган халқаро экспедициялар ишида фаол қатнашди. 1991 йили эса «Буюк Ипак йўли — мулоқотлар йўли» халқаро экспедициясига покистонлик таниқли археолог олим, профессор Аҳмад Дани билан биргаликда илмий раҳбарлик қилди. 1986 йилда у Германия археология институтининг хорижий мухбир аъзоси этиб сайланган.

Аҳмадали Асқаров америкалик профессор Ричард Фрай билан бирга 1991 йил Алмати шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг семинар кенгашида Марказий Осиё тадқиқотлари институтини тузиш ташаббуси билан чиқди. Бу марказ Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон каби мустақил ёш давлатларнинг жаҳон цивилизациясидаги тарихий ўрнини ўрганишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. 1995 йил 5 июлда Самарқандда 12 давлат вакиллари иштирокида бўлиб ўтган халқаро конференцияда «Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти» очилиши ҳақида битим имзоланди. 1995 йил 26 августда эса ЮНЕСКО бош раҳбари проф. Федерико Майор иштирокида ушбу халқаро институтнинг расмий очилиш тантанаси бўлди.

А. Асқаров Марказий Осиё археологиясининг йирик вакили сифатида 2014 йил Жаҳон археология энциклопедиясига киритилган.

Аҳмадали Асқаров жамоатчи олим, фан ютуқларининг толмас ташвиқотчиси ҳамдир. «Ўзбекистон археологияси» илмий журналининг таҳрир ҳайъати аъзоси,

ЎзФАнинг «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», «Фан ва турмуш» журналларида узоқ йиллар таҳририят аъзоси ва бош муҳаррир ўринбосари, Москвада чиқадиган «Российская археология» журналы таҳрир ҳайъати аъзоси бўлиб фаолият кўрсатди.

А. Асқаров ўз илмий фаолияти давомида 60 дан ортиқ китобга, жумладан Археология институтида чоп этиладиган «Ўзбекистон моддий маданият тарихи» илмий тўпламининг 14 жилдига бош муҳаррирлик қилган.

У бир неча бор халқ депутатлари Самарқанд шаҳар советининг депутаты, 1990–1995 йилларда 259 Норинкапа сайлов округидан 12-чақириқ Республика Олий Совети депутаты ҳамда Республика Олий Совети таркибида «Фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш қўмитаси» раиси этиб сайланди.

Академик А. Асқаров кейинги йилларда (2001–2011) Низомий номидаги ТДПУда «Ўзбекистон тарихи ва археологиясининг долзарб муаммолари» бўйича махсус курсдан лекциялар ўқиди.

Аҳмадали Асқаровнинг илмий фаолияти бевосита археологик амалиёт билан боғлиқ, у Бухоро, Қарши-Сурхон чўлларида, Тошкент ва Фарғона воҳаларидан тортиб то узоқ Сибирь кенгликларигача бўлган ҳудудларда кўплаб изланишлар ўтказган фидойи тадқиқотчи. Шунингдек олим Бойкўл (Байкал), Красноярск, Моҳондарё, Жанубий Туркменистон археологик экспедициялари илмий-тадқиқот ишларида фаол қатнашди.

А. Асқаров ўз илмий изланишларини Бухоро вилоятининг шимоли-ғарбий даштларида жойлашган бронза даври ёдгорликларини ўрганишдан бошлади. Унинг бу борада қилган ишлари қуйи Зарафшон ва унинг ирмоқлари бўйлаб устоз академик Я.Ф. Фуломов олиб борган илмий қидирув ишларининг давомидир. Я.Ф. Фуломов 1951 йилда Зарафшон дарёсининг қуйи ирмоқларидан бири бўйлаб жойлашган Замонбобо қўли ёқасидан энеолит ва илк бронза даврига оид қадимги қабристонни топиб, археологик қазишмалар олиб борди. Бу кашфиёт «Замонбобо маданияти» номи остида қатор мамлакатлар тарихий энциклопедияларида ўз ўрнини топди. А. Асқаровнинг чўл-дашт минтақалари аҳолиси маданиятларига бағишланган илмий изланишлари унинг 20 дан ортиқ илмий мақолаларида, рисола ва «Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана» номли китобда ўз аксини топган³.

А. Асқаровнинг илмий фаолиятидаги етакчи йўналишлардан яна бири Жанубий Ўзбекистон ҳудудидаги бронза даври ёдгорликларининг ўрганилиши ва уларнинг қадимги Бақтрия Шарқ цивилизациясида тутган ўрни масаласидир. У бронза даврига оид Сополлитепа ёдгорлигини тўлиқ очиб ўрганди. Кейинчалик, Пшактепа, Кучуктепа, Жаркўтон, Бўстон каби қадимги шаҳар ва қишлоқ қолдиқларида археологик тадқиқотлар олиб бориб, ноёб топилмаларни кўлга киритишга эришди. Бу тадқиқотларнинг натижаси 6 та илмий монография ва 100 дан ортиқ илмий рисола ва мақолаларда ўз ифодасини топди.

³ Гулямов Я., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. Ташкент: Фан, 1966. 267 с.

А. Асқаров изланишларининг муҳим илмий хулосаларидан яна бири Шимоллий Бақтрияда қадимги Шарқ цивилизациясининг янги ўчоғи — ўтроқ деҳқончилик ва илк шаҳарсозлик маданиятининг «Сополли маданияти» номи остида фанга киритилиши бўлди. Бу маданиятнинг келиб чиқиши ва унинг ривожланиш босқичлари бой археологик материаллар асосида исботлаб берилди. Ушбу ижодий изланишлар А. Асқаровнинг йирик асари⁴ нашр этилиши билан яқунланди.

Олимнинг муҳим илмий изланишларидан яна бири «Чуст маданияти» типидаги ёдгорликларнинг Ўрта Осиё ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалиши ва уларнинг келиб чиқиши муаммосини ойдинлаштиришга қаратилди. Бу масалада А. Асқаров Сурхондарёдаги Кучуктепа ва унга ўхшаш ёдгорликларда илмий изланишлар олиб бориб, «Ўзбекистондаги Чуст, Бурғулик, Кучуктепа каби археологик комплексларнинг шаклланиши туб жойли чорвадор сак қабилалари бир қисмининг ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланиши билан бево-сита боғлиқ» деган хулосага келди. Ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ А. Асқаров анъанавий қарашлардан фарқли ўлароқ, урбанизация жараёни Ўзбекистонда анча эрта бошланганини қаттиқ ҳимоя қилди.

Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичларини ўрганишда А. Асқаровнинг Сополли, Жарқўтон, Бўстон, Кучуктепа каби ёдгорликларда олиб борган қазилма ишлари алоҳида аҳамият касб этди. Сополлитепада шаҳар маданиятининг дастлабки белгилари кузатилган бўлса, Жарқўтонда илк шаҳарнинг барча элементлари мавжуд эди, яъни бундан 3,5 минг йил олдинги шаҳар маданияти билан боғлиқ оташпарастлик ибодатхонаси, шаҳар ҳокимининг саройи, мудофаа девори билан ўралган «Арк» қолдиқлари очилди.

А. Асқаров илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши борасидаги туркум кашфиётлари учун гуруҳ илмий раҳбари сифатида 1985 йилда Ўзбекистоннинг Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Тарихимиздаги энг муҳим, нозик ва илмий ечимини кутаётган масалалардан бири — бу ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи муаммосидир.

А. Асқаровнинг этник тарих соҳасидаги муҳим хулосаларидан бири прототурк этник қатламнинг протоэроний тилли этник қатлам билан автохтон, азалдан ёнма-ён яшаб келган этник бирлик эканлиги ҳақидаги ғоясидир. Узоқ вақт фанда туркий тилли халқлар ҳозирда яшаб турган она ватанларига Олтой томондан кўчиб келган, деган мавҳум фикр бор эди. Бу ғоянинг акси ўлароқ, А. Асқаров илмий изланишларида антропологик ва археологик материалларга асосланиб, Авесто турлари аслида ўз тарихий илдизларига кўра, прототуркийлар бўлганлигини асослашга ҳаракат қилади.

Академик Аҳмадали Асқаровнинг этногенез масаласида илгари сураётган ғоялари, баъзи бир қарашлардан кескин фарқ қилиб, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини қўшни тожик, қирғиз, туркманлар тарихи билан бир бутунликда, яхлит ҳолда ўрганиш муҳимлигини таъкидлайди.

⁴ Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент: Фан, 1977. 232 б.

Этногенез масалалари борасида таъкидлаш жоизки, Аҳмадали Асқаров этнос тарихининг назарий ва илмий-методологик масалаларига бағишланган услубий мақолаларида «халқ» ва «миллат», улар ўртасидаги фарқларга алоҳида эътибор қаратади. Олимнинг бу муаммога оид изланишлари натижалари янги фундаментал монографик тадқиқот «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи»⁵ номи остида 2015 йилда чоп этилди.

Аҳмадали Асқаровнинг кўп йиллик илмий изланишлари 17 та монографик асарлар, 450 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп ишларда ўз аксини топган. Уларнинг 50 дан ортиғи хорижий мамлакатларда (инглиз, француз, немис, япон, форс ва хитой тилларида), 200 дан ортиқ ишлари рус тилида чоп этилган. 2 та ўқув қўлланмаси, 8 та ўқув-услубий ишлари, 175 та илмий-оммабоп мақолалари ўзбек тилида чоп этилган.

Фидойи ва ҳассос олим, академик Аҳмадали Асқаровни тугилган кунининг 80 йиллиги билан қутлаб, илмий ва педагогик фаолиятига муваффақиятлар тилаймиз.

⁵ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент: O'zbekiston, 2015. 675 б.

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

О. ЖАЙНАРОВ

ТУРКИСТОНДА БАНК ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ
ВА РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ:
МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРИ ОБЗОРИ

Мустақиллик йилларида тарихни холисона ўрганиш бошлангандан сўнг¹, Ўзбекистон тарихининг кўплаб саҳифаларида янгича ёндашувлар асосида ёзилган тадқиқотлар яратила бошланди. Хусусан, мустамлака даври тарихининг турли масалаларига ҳам катта эътибор қаратилди, тадқиқотчилар томонидан ҳали истеъмолга киритилмаган архив маълумотлари асосида кўплаб монографиялар чоп этилди. Ушбу даврда Россия империясининг Туркистондаги иқтисодий сиёсатига доир кўплаб диссертациялар², монографиялар³, илмий мақолалар⁴ яра-

¹ Бу жараён Президент И.А. Каримов томонидан 1998 йил 26 июнда бир гуруҳ тарихчилар билан бўлган учрашувда асосий масала сифатида кўтарилган эди.

² Юлдашев Р. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда миллий буржуазиянинг шаклланиши. Тарих фан. номз. дисс. автореф. Тошкент, 1994; Тоғаева А. Тошкент-Оренбург темир йўли ва унинг Туркистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни. Тарих фан. номз. дисс. автореф. Тошкент, 2010; Жамолхожи И. Фарғона водийсида нефть саноатининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1860–1917 йиллар). Тарих фан. номз. дисс. автореф. Тошкент, 2004; Тайронов Й. XX аср бошларида Туркистон тadbirkorларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаолияти. Тарих фан. номз. дисс. автореф. Тошкент, 2011.

³ Мусаев Н. Туркистонда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиши (XIX аср охири XX аср бошлари). Тошкент, 1995; XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришнинг шаклланиши. Тошкент: Иқтисод-Молия, 2008; Зиёев Ҳ. Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлиги учун кураш ва унинг оқибатлари (XIX аср охири XX аср бошлари). Тошкент, 1999; Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Д.Алимова муҳаррирлиги остида. Тошкент: Шарқ, 2001; Болтабоев С. Туркистонда вақф мулклари тарихи. Наманган, 2005; Курахмедов А. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида Самарқанднинг иқтисодий ва маданий ҳаёти. Тошкент: Фан, 2009; Остонов О. Зарафшон воҳасида ҳунармандчилик ва савдо-сотик (XIX аср охири XX аср бошлари). Тошкент: Шарқ, 2009.

⁴ Зиёева Д. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида чоризм миллий бойликларини ўзлаштириш сиёсати // O'zbekiston tarixi. 2000. № 1.2. 22–34-б.; XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон шаҳарлари тadbirkorлик тарихидан // O'zbekiston tarixi. 2007. № 3. 18–30-б.; Жамолхожи И. Туркистонда рус ва хорижий нефть ширкатларининг фаолияти // O'zbekiston tarixi. 2004. № 2. 58–69-б.; Сугуралиева Ф. Из истории создания и деятельности финансово-хозяйственных учреждений в Туркестане // O'zbekiston tarixi. 2005. № 1. 64–71-б.; Турсунов Р. XX аср бошидаги миллий матбуотда Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари // O'zbekiston tarixi. 2007. № 1. 74–86-б.; Тайронов Й. XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт масалаларининг миллий матбуотда ёритилиши // O'zbekiston tarixi. 2008. № 4. 47–54-б.; Носиров О. Туркистон тоғ-кон саноатида акциядорлик жамиятлари ва ширкатлар // Мозийдан садо. 2008. № 37. 30–32-б.; Қурбонов Ч. XIX аср охири XX аср бошида Россия империясининг Ўрта Осиёда бож сиёсатини ташқи ва ички савдога таъсири // O'zbekiston tarixi. 2010. № 1. 20–29-б.

тилди. Иқтисодий ҳаётнинг муҳим таркибий қисми бўлган банклар фаолияти бўйича ҳам қўлаб илмий изланишлар олиб борилган. Бу изланишларни мазмун ва моҳиятига кўра икки даврга бўлиш мумкин.

Биринчи даврга мустақилликнинг бошланишидан то Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил июлдаги ЎзР ФА «Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарор чиққунга қадар йилларда яратилган тадқиқотларни киритиш мумкин. Ушбу йилларда ўрганилаётган мавзу бўйича яратилган тадқиқотларнинг доираси катта бўлмаса-да, улар муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилларида чоп этилган Н. Авазовнинг мавзуга доир илмий мақолада⁵ Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ушбу соҳани ривожлантириш учун авваламбор, иқтисод соҳаси учун зарур мутахассисларни тайёрлаш керак ва Туркистон келажаги иқтисодчи мутахассислар қўлида, дея таъкидланган фикри келтириб ўтилган. Шунингдек, мақолада М. Беҳбудийнинг миллий бойликни сақлаб қолиш юзасидан билдирган фикрлари ва маҳаллий бойларга мурожаати ҳамда миллий банклар хусусидаги фикрлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Яна бир тадқиқотчи Х. Авазовнинг илмий изланиши⁶ эса мустақиллик йилларида ушбу мавзу бўйича яратилган асосий диссертацион тадқиқотлардан ҳисобланади. Муаллиф ўлкада банклар фаолиятини ёритишда катта ҳажмдаги архив ҳужжатларини илмий истеъмолга киритган. Ушбу тадқиқот ишида Х. Авазова биринчи навбатда рус капитали ўлкага кириб келишининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсирини кўрсатиб берган. Шунингдек, Туркистонда дастлабки банкларнинг очилиш тарихи ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Унда келтирилишича, Туркистондаги Давлат банкнинг биринчи бўлими 1875 йилда Тошкент шаҳрида очилган. Кейинчалик Давлат банкнинг ўлкадаги фаолияти кенгайиб, унинг бўлимлари 1890 йили Самарқандда, 1893 йили Кўқонда, 1894 йили Бухорода, 1895 йили Ашхободда, 1910 йилда эса Андижон ва Олма-Отада ташкил этилган⁷.

Маълумки, Россия империяси Туркистонни босиб олгандан сўнг бу ерда пахтачилик соҳасини кенгайтиришга зўр бериб ҳаракат қилди. Шу муносабат билан пахтачилик билан боғлиқ масалаларда давлат банкларининг рақобати янада кучайди. Бу рақобатда фақат ўзининг шахсий йирик капиталига эга бўлган банкларгина ғолиб чиққан. Шунингдек, Х. Авазовнинг тадқиқотида ўлкада монополияларнинг ташкил этилишида банкларнинг роли, дастлабки тижорат банкларининг очилиши ва фаолияти масаласига ҳам батафсил тўхталиб ўтилган.

⁵ Авазов Н. Банкларга мусулмон саркорлари керакдур // Ҳаёт ва иқтисод. 1991. № 4. 64–66-б.

⁶ Авазова Х. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда банк ва фирмаларнинг ривожланиши. Тарих. фан. номз. дисс. Тошкент, 1997.

⁷ Авазова Х. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда банк ва фирмаларнинг ривожланиши 95–117-б.

Хусусан, тижорат банклари асосан ўз капиталларини пахтачилик соҳасига киритганликлари, бунда уларнинг ўлкада фаолият юритаётган савдо уйлари ва ширкатлари билан ҳамкорликда иш олиб борганлиги кўрсатиб берилган.

Кўринадики, муаллиф асосан ўлкадаги банкларнинг пахтачилик соҳасидаги фаолиятига кўпроқ аҳамият бериб, уларнинг бошқа соҳалардаги иштирокини етарлича ёритмаган. Шунга қарамасдан ушбу илмий изланиш Туркистонда банкларнинг шаклланиши ва ривожланишини илк бор алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Мавзуга доир тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мустақилликнинг дастлабки йилларида ушбу мавзунини ёритиш бўйича илк уринишлар рўй берди. Бу даврда яратилган тадқиқотларда мавзуга ёндашишда методологик камчиликлар кузатилса-да, бироқ уларда келтирилган фактлар мавзу бўйича олиб борилган кейинги изланишларга ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Иккинчи давр эса ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан кейин яратилган тадқиқотларни ўз ичига олади. Таъкидлаш керакки, бу даврда мустамлака даврининг иқтисодий жиҳатларини ёритиб берувчи тадқиқотлар сони кўпайди, шунингдек, мавзуларга ёндашувда методологик ўзгаришлар рўй берди.

Ушбу йилларда мавзуга доир яратилган тадқиқотларни ҳам икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчи гуруҳга диссертацион тадқиқотлар⁸ киради.

Бошқа тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, Н. Потапова ўз илмий изланишида асосан Туркистондаги тижорат банкларининг фаолиятига эътибор қаратган. Муаллиф кенг ҳажмдаги ҳали истеъмолга киритилмаган архив манбалари, статистик материалларни таҳлил қилиш орқали ўлкадаги тижорат банклари, хусусан, Москва тижорат банки, Москва ҳисоб банки, Петербург акционерлик банки, Рус-Осиё банки, Азов-Дон банки ва бошқа банкларнинг молиявий операцияларига баҳо берган.

⁸ Потапова Н. История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX — нач. XX вв.). Дисс... канд. ист. наук. Ташкент, 2002; Фафоров Ш. Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати (XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари). Тарих фан. докт. дисс. Тошкент, 2003; Турсунов Р. XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга миллий тараққийпарварларнинг қарашлари. Тарих фан. номз. дисс. Тошкент, 2008; Носиров О. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда акциядорлик жамиятлари ва ширкатлари тарихи. Тарих. фан. номз. дисс. Тошкент, 2009; Шодмонова С. Даврий матбуотда Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи масалалари (1870—1917 йиллар). Тарих фан. докт. дисс. Тошкент, 2011; Тўхтабеков К. Чор Россиясининг биринчи жаҳон уруши йилларида Туркистон ўлкасида ўтказган иқтисодий сиёсатининг мустамлакачилик моҳияти. Тарих фан. номз. дисс. Тошкент, 2011; Жумаев У. Россия империясининг Туркистондаги солиқ сиёсатининг шаклланиши, асосий босқичлари ва тараққиёти. Тарих фан. номз. дисс. Тошкент, 2012.

Тадқиқотчи, бу даврда ўлкада фаолият юритаётган тижорат банкларини икки тармоққа ажратади: Москва ва Петербург тижорат банклари тармоғи. У ўз тадқиқотида ана шу икки гуруҳдаги банклар фаолиятини ёритиб берган. Хусусан, муаллиф Рус-Осиё банкининг Туркистондаги фаолиятига тўхталиб, унинг тижорат банклари ичида етакчи ўрин эгаллаганини таъкидлайди. Ушбу банк ўз капиталларини ўлкада нафақат пахта савдо-сотигига, балки Ўрта Осиё нефть соҳасига ҳам киритган⁹. Тадқиқотда келтирилишича, Рус-Осиё банки биринчи жаҳон уруши йилларида ўз фаолиятини кенгайтиради ва катта даромадга эга бўлиб олади. Унинг сармояси 1914 йилда 73,3 млн. рубль бўлган бўлса, 1916 йилга келиб 87 млн. рублни ташкил этади¹⁰. Бундан ташқари тадқиқотда ўлкада ер банкларининг очилиши, маҳаллий тижорат банклари, жумладан, Ўрта Осиё тижорат банки ва унинг фаолияти ҳам ёритилган.

Ш. Фаффоров ўзининг докторлик диссертациясида ўлкадаги банк муассасаларига умумий баҳо бериб, уларнинг фаолиятига чуқур тўхталмаган. Тадқиқотчи асосан Туркистонда фаолият юритаётган банкларнинг империянинг марказий губернияларидаги аҳолини ўлкага кўчирилишидаги ролини кўрсатиб, уларнинг ўлкада мустамлакачилик сиёсатида ғоят муҳим роль ўйнаганлигини таъкидлайди¹¹. Тадқиқотда келтирилишича, чет эл ва Россия банклари сарфланган маблағдан кўпроқ фойда олиш учун ўлкада нефть, мис рудасини қазиб олиш, олтингугурт, алебастр ва бошқаларни ишлаб чиқаришни фаоллик билан кучайтириб боришди¹². Бундан ташқари тадқиқотда империя ҳукуматининг турли йўллар билан ўлкада маҳаллий банкларнинг ташкил этилишига йўл қўймаётганлиги ҳам кўрсатиб берилган.

Р. Турсунов номзодлик диссертациясида¹³ маҳаллий маърифатпарварларнинг ўлкадаги банклар фаолиятига муносабати масаласига тўхталиб ўтган. Бунда муаллиф, «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Улуғ Туркистон», «Ойна» каби даврий матбуот саҳифаларида эълон қилинган маҳаллий тараққийпарварлар, хусусан, Махмудхўжа Бехбудий, Саидносир Миржалилов, Мухтор Бакир, Абдулла Авлоний кабиларнинг мақолаларидан фойдаланган. Муаллифнинг фикрича, жадид намоёндалари нафақат ўлканинг маданий ҳаётида, балки ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам фаол иштирок этганлар. Хусусан, уларнинг Туркистонда миллий банк очишга бўлган саъй-ҳаракатлари бунинг ёрқин мисоли бўла олади¹⁴.

⁹ Потапова Н. История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX — нач. XX вв.). Дисс... канд. ист. наук. Ташкент, 2002. 108-б.

¹⁰ Потапова Н. История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX — нач. XX вв.) 109-б.

¹¹ Фаффоров Ш. Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати (XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари). Тарих фан. докт. дисс. Тошкент, 2003. 116-б.

¹² Ўша манба, 118-б.

¹³ Турсунов Р. XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга миллий тараққийпарварларнинг қарашлари. Тарих фан. номз. дисс. Тошкент, 2008.

¹⁴ Батафсил қаранг: Турсунов Р. Кўрсатилган асар. 74-82-б.

Яна бир тадқиқотчи О. Носиров ҳам ўзининг диссертацион тадқиқотида Туркистондаги акциядорлик тижорат банкларининг фаолиятига эътибор қаратган. Тадқиқотда келтирилишича, ўлкадаги акциядорлик тижорат банкларига банк устави бўйича қуйидаги молиявий операцияларни амалга оширишга рухсат берилган:

- 1) рус ва чет эл савдо векселларини ҳисобга олиш;
- 2) 9 ойгача бўлган кредитлар ва ссудалар бериш;
- 3) вексел ва бошқа фоизли қоғозлар бўйича тўловлар олиш;
- 4) учинчи шахслар орқали Давлат фоизли қоғозларини пай, акция ва облигацияларни сотиш ва сотиб олиш;
- 5) хусусий шахслар ва савдо уйлари маҳсулотларини сотиш¹⁵.

Ўрганилаётган даврда ўлкада дастлаб Москва акциядорлик тижорат банкларининг ўрни катта бўлган бўлса, XX аср бошларига келиб эса Петербург банкларининг роли кучайган. Муаллиф тадқиқотида XIX асрнинг сўнгги чорагига қадар ушбу банкларнинг Туркистон иқтисодий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмаганлигини таъкидлайди. Бунга асосий сабаб сифатида эса ўлкада саноат корхоналарининг камлиги, акциядорлик жамиятларига чекловларнинг мавжудлиги ҳамда империя ҳукуматининг молиявий сиёсати давр талабига мослашмаганлигини келтириб ўтади¹⁶.

Ушбу тадқиқотда асосан ўлкадаги йирик акциядорлик тижорат банклари, хусусан, Москва савдо банки, Москва ҳисоб банки, Волга-Кама, Рус-Осиё, Азов-Дон, Сибирь савдо банкларининг фаолиятига кенг тўхталиб ўтилган. Тадқиқотчи, Рус-Осиё банкининг ўлкадаги фаолиятини таҳлил қилар экан, унинг биринчи бўлими дастлаб 1895 йилда Самарқандда очилиб, қисқа вақт давомида эса ўлканинг деярли барча катта шаҳарларида: Қўқон, Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Марғилон, Ашхобод, Марв, Бухоро, Урганч, Қарши ва Вернийда банк бўлимларининг фаолият бошлаганлигини таъкидлайди. Рус-Осиё банки ўлкадаги бошқа акциядорлик тижорат банкларидан фарқли ўлароқ ўлка иқтисодиётининг турли тармоқларига кредитлар ажратган. Хусусан, муаллифнинг келтирилишича, ушбу банк пахтачилик соҳасидан ташқари, ўлкадаги темир йўллар қурилиши, тоғ-кон саноати, турли соҳадаги акциядорлик жамиятлари, савдо-саноат ширкатлари, савдо уйлари ва якка тартибда иш юритувчи тадбиркорларни молиявий жиҳатдан таъминлаб турган¹⁷.

С. Шодмонованинг тадқиқотида эса Туркистонда банкларнинг ташкил этилиши ва уларнинг фаолияти даврий матбуот материаллари асосида таҳлил қилинган. Бунда муаллиф, асосан, «Туркестанские ведомости», «Окраина», «Садои Фарғона», «Садои Туркистон», «Самарқанд» каби газеталарда эълон қилинган

¹⁵ Носиров О. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда акциядорлик жамиятлари ва ширкатлари тарихи. Тарих фан. номз. дисс. Тошкент, 2009. 42-б.

¹⁶ Ўша манба, 46-б.

¹⁷ Ўша манба, 51-б.

мақолалардан фойдаланган. Тадқиқот ишининг мавзуга бағишланган параграфиди¹⁸ ўлкада банкларнинг фаолиятига маҳаллий аҳолининг муносабати, банкларнинг савдогарлар, тадбиркорлар фаолиятидаги ўрни, уларнинг йиллик ҳисоботлари, аҳолига кредит беришда тижорат банкларининг иштироки ва бошқа шу каби масалалар таҳлил қилинган. Хусусан, тадқиқотчи «Садои Туркистон» газетасидаги мақолаларга таяниб, ўлкада фаолият кўрсатаётган банкларни учта турга ажратади. Булар давлат банки, акционерлик ҳамда «заёмний кредит» банкларидир¹⁹. Шунингдек, муаллиф ўз тадқиқотида ўлка ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маҳаллий тараққийпарварларнинг ролини кўрсатиб, уларнинг маҳаллий банклар очилишидаги иштирокини ижобий баҳолайди. Жумладан, тадқиқотда маҳаллий тараққийпарварлар 1914 йилда деҳқонларни қарздорликдан қутқариш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида махсус банк очиш ташаббуси билан чиқишганлиги²⁰ келтириб ўтилган. Бир сўз билан айтганда, тадқиқотчи ўз тадқиқотида даврий матбуотдаги мавзуга оид мақолаларни таҳлил қилар экан, банкларнинг ўлка ижтимоий ҳаётидаги ўрнига кўпроқ аҳамият қаратганлигини кўришимиз мумкин.

К. Тўхтабековнинг тадқиқотида эса давлат банклари, акционерлик тижорат банклари ҳамда ер банклари, воситачи банк бўлимларининг биринчи жаҳон уруши йилларида ўлкада ўтказган молиявий операциялари турли статистик жадваллар, архив манбалари асосида ёритиб берилган. Тадқиқотчи давлат банкларининг ўлкадаги фаолиятига тўхталиб, Давлат банкларининг пул маблағлари асосан икки йўналиш, яъни воситачи тижорат банклари ҳамда омонат кассалари фирма ва кредит жамиятлари орқали тақсимланганлигини келтириб ўтади. Бу даврда кўпроқ давлат банкларида тозаланмаган пахта ҳисобидан кредит берилиши улар учун энг фойдали ва деярли ҳеч қандай сарф-харажатлар талаб қилмайдиган тадбир эканлиги таъкидланади²¹. Муаллиф давлат банкларининг фаолиятини таҳлил қилар экан, биринчи жаҳон уруши йилларида ушбу банкларнинг ўлка иқтисодий ҳаётидаги мавқеи пасайган деган хулосага келади.

Бу даврда давлат банкларидан фарқли ўлароқ, тижорат банкларининг роли янада ошган. Сабаби улар кўпроқ векселлар ва буюртмалар асосида ўз фаолиятларини олиб боришган. К. Тўхтабеков тадқиқотида келтирилишича, ўрганилаётган даврда хусусий тижорат банкларининг сони ортиб борган. Хусусан, 1912 йилда ўлкада уларнинг 10 та марказий ва 33 та бўлимлари фаолият кўрсатганлиги қайд этилган. Шунингдек, муаллиф биринчи жаҳон уруши йилларида Туркистонда омонат кассаларининг очилиши ва уларнинг фаолияти масаласига ҳам

¹⁸ Шодмонова С. Даврий матбуотда Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳоли масалалари (1870–1917 йиллар). Тарих. фан. докт. дисс. Тошкент, 2011. 157-б.

¹⁹ Ўша манба, 161-б.

²⁰ Ўша манба, 162-б.

²¹ Тўхтабеков К. Чор Россиясининг биринчи жаҳон уруши йилларида Туркистон ўлкасида ўтказган иқтисодий сиёсатининг мустамлакачилик моҳияти. Тарих фан. номз. дисс. Тошкент, 2011. 66-б.

кенг тўхталиб ўтган. Мисол учун Туркистондаги биринчи омонат кассаси 1873 йилда очилган бўлса, 1903 йилда уларнинг сони 21 та, 1917 йилда эса 190 тага яқинни ташкил этганлиги келтириб ўтилади²².

У. Жумаевнинг номзодлик ишида эса давлат ва тижорат банкларининг пахтачилик соҳасидаги фаолиятига кўпроқ аҳамият берилган. Тадқиқотчи банкларнинг пахтачилик соҳасига ажратган кредитлари, банкларнинг ўлка маҳаллий аҳолисига таъсири, уларнинг мустамлака ҳукуматнинг солиқ сиёсатида тутган ўрни ва бошқа шу каби масалаларга ҳам кенг тўхталган. Муаллиф ўз мавзуси доирасидаги ҳали тўлиқ истеъмолга киритилмаган архив манбаларидаги маълумотлар асосида Давлат ва тижорат банкларининг фаолиятини баҳолар экан, банкларнинг кредитлар бериш тизими Туркистон пахтачилигини рус саноатчилари манфаатларига бўйсундирилишига олиб келган деган фикрни билдириб ўтган. Шунингдек, муаллиф, бу борадаги фикрини давом эттириб, Россия банкларининг пахта билан савдо қилиш фаолияти империя ҳукуматининг амалдаги қонунчилигини четлаб ўтиш асносида уларнинг даромадини кўпайтириб, Туркистоннинг улкан маблағларининг эгаллаб олинишига имкон яратганлиги, бу эса охир-оқибатда асосий пахта етиштирувчилар — маҳаллий деҳқонларнинг таланишига олиб келганлигини таъкидлайди²³.

Тадқиқотнинг иккинчи гуруҳига мавзуга доир яратилган илмий асарлар, монографиялар ва илмий мақолаларни киритиш мумкин.

Н. Мусаев ўз монографиясида²⁴ Туркистонда саноат ишлаб чиқаришнинг шаклланишидаги объектив ва субъектив шароитлар, саноатнинг ўзига хос хусусиятлари, ўлкада монополиялашган бирлашмаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг саноат ишлаб чиқаришдаги тутган ўрни каби масалаларга тўхталган. Шу билан бир қаторда ўлкада саноатнинг шаклланишида банкларнинг ролига ҳам аҳамият бериб ўтган. Монографияда келтирилишича, ўлкада фаолият юритаётган давлат банклари савдогарлар ва саноатчиларнинг сармоёга бўлган талабларини тўла қондира олмаганлиги сабабли хусусий тижорат банклари юзага кела бошлади²⁵. Муаллиф ўлкадаги хусусий тижорат банкларининг фаолиятини юқори баҳолаб, уларнинг нафақат пахтачилик соҳаси, балки ўлкадаги барча саноат тармоқларидаги молиявий операцияларда иштирок этганлигини таъкидлаб ўтади. Хусусан, 1893 йилда Тошкентда ташкил этилган Волга-Кама банки ўлкага дон маҳсулотлари келтириш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаб, асосий «нон банки»га айланган. Рус-Осиё банки эса ўз капиталини Ўрта Осиё нефть соҳасига киритиб, нефть соҳаси билан шуғулланувчи «Санто» жамиятини маблағ билан таъминлаган²⁶. Шунингдек, монографияда ўлкадаги банклар

²² Тўхтабеков К. Кўрсатилган асар. 68-б.

²³ Жумаев У. Россия империясининг Туркистондаги солиқ сиёсатининг шаклланиши, асосий босқичлари ва тараққиёти. Тарих фан. номз. дисс. Тошкент, 2012. 139-б.

²⁴ Мусаев Н. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришнинг шаклланиши. Тошкент: Иқтисод-Молия, 2008. 165-б.

²⁵ Ўша манба, 136-б.

²⁶ Ўша манба, 139-б.

фаолиятида хориж капиталининг иштироки²⁷, уларнинг ширкатлар ва савдо уйлари билан ҳамкорлиги, банкларнинг ўзаро рақобати каби масалаларга ҳам эътибор қаратилган. Муаллиф ўлкадаги банклар фаолиятини таҳлил қилар экан, унинг фикрича банкларнинг асосий даромадини пахтанинг деҳқонлардан арзон сотиб олинishi ва саноат марказларига қиммат баҳода сотилиши, воситачилик ҳақи, фирмаларнинг даромадига шериклиги ташкил қилган²⁸.

Кўринадики, муаллиф ўз монографиясида архив манбалари, статистик жадваллардаги маълумотлар асосида тижорат банкларининг фаолиятига кўпроқ урғу берган.

ЎзР ФА Тарих институти томонидан 2011 йилда чоп этилган Ўзбекистонда тadbirkorлик фаолияти тарихига оид монографияда ҳам архив манбаларидаги маълумотлар асосида ўлкадаги тижорат банклари, хусусан, Москва халқаро савдо банки, Москва ҳисоб банки, Москва савдогар банки, Волга-Кама, Рус-Осиё, Азов-Дон каби банкларнинг молиявий операциялари таҳлил қилинган. Монографияда тижорат банклари ўз фаолиятларини асосан ўлкадаги савдо уйлари ва ширкатлари билан ҳамкорликда олиб борганлиги келтириб ўтилган. Хусусан, унда келтирилишича, Москва ҳисоб банки пахтачилик соҳасидаги ўз молиявий операцияларини «Л Кноп», «Андреевск савдо-саноат уюшмаси», «Ака-ука Крафт» савдо уйлари, шунингдек, «Ака-ука Вадяевлар», «Юсуф Давидов» каби маҳаллий савдо уйлари ҳамкорлигида амалга оширган²⁹. Шунингдек, монографияда статистик жадваллардаги маълумотлар асосида 1912 йилда ўлкадаги тижорат банкларининг сони ҳам келтирилган.

Мустақиллик йилларида яратилган илмий адабиётларда таҳлил қилинаётган мавзуга алоҳида тўхталмаган. Жумладан, «Ўзбекистон халқлари тарихи» китобида банклар пахтачилик соҳасидаги воситачиликда асосий бўғин бўлганлиги келтириб ўтилса³⁰, кейинги йилларда яратилган Ўзбекистон тарихига оид монографик адабиётларда эса ўлкадаги банклар фаолияти умуман таҳлил қилинмаган. Фақатгина уларда давлат ҳамда тижорат банкларининг сони келтириб ўтилган³¹.

«Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари» номли монографияда банкларнинг ўлка ижтимоий ҳаётидаги таъсирига эътибор қаратилиб, уларнинг пахта олди-сотди-

²⁷ Ўлкадаги тижорат банклари маблағларининг асосий қисмини чет эл капитали ташкил этган. Масалан, Рус ташқи савдо банки капиталининг 40% немис капиталистларига, Азов-Дон банкининг 8 млн. рубли немис капиталига, 10 млн. рубли француз капиталига, Рус-Осиё банкининг 36,7%, Қўшма банкнинг 79%, Рус савдо саноат банкининг 58 %, Сибирь банкининг 40 % француз капиталига тегишли эди.

²⁸ Мусаев Н. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришнинг шаклланиши. Тошкент: Иқтисод-Молия, 2008. 141-б.

²⁹ Очерки истории формирования и развития предпринимательства в Узбекистане. Ташкент, 2011. 92-б.

³⁰ Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд. Тошкент: Фан, 1993. 155-б.

³¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. 238-б; Содиқов Ҳ., Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи. Тошкент: Шарқ, 2011. 279-б.

си билан боғлиқ фаолияти таҳлил қилинган. Асарда ўлкадаги банкларнинг пахтачилик соҳасида «Ўргимчак инлари»ни ташкил қилиб, уларнинг бу соҳада асарда Фарғона вилоятида пахта хариди билан шуғулланган саккизта банкнинг фаолияти ҳам келтириб ўтилган³².

Илмий тўпламлар ва журналларда ҳам бир қатор мавзуга доир эълон қилинган мақолалар мавжуд. Уларнинг сони кўп бўлмаса-да, бироқ мавзунинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Жумладан, Р. Турсуновнинг илмий мақолаларида³³ ўлкадаги банкларнинг фаолияти миллий матбуот материаллари асосида таҳлил қилинган. Муаллиф ўз мақолаларида Туркистондаги давлат ҳамда акционерлик банкларига маҳаллий зиёли қатламнинг муносабатини кўрсатиб берган.

Шунингдек, Р. Турсунов банклар фаолиятига оид даврий матбуот материалларини қиёсий таҳлил қилиш орқали уларда юзага келган муаммоларнинг асл сабабларини очиб беришга ҳаракат қилган ва маълум маънода бунини уйдалаган. Хусусан, маҳаллий тараққийпарварларнинг бу даврдаги энг асосий мақсади ўлкада миллий банк очиб масаласи эканлигини муаллиф ўз мақоласида келтириб ўтганлиги³⁴ фикримизнинг исботидир.

Н. Потапованинг мақоласида эса, ЎзР МДА да сақланаётган иқтисодий соҳага оид фондлар, шунингдек фондлардаги банклар фаолиятини ўзида акс эттирган ҳужжатларнинг умумий тавсифи келтириб ўтилган. Шу билан бир қаторда муаллиф, ўз мақоласида ўлкадаги банклар фаолиятини ёритиб берувчи манбалар қаторига махсус журналларни, хусусан, «Туркистон қишлоқ ҳўжалиги» ва «Марказий пахта комитети» кабиларни ҳам киритади. Муаллифнинг келтиришича, Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси фонди (И-1)да ўлкадаги банклар фаолиятини ўзида акс эттирган кўплаб материаллар мавжуд. Жумладан, ушбу фондда Тошкент, Волга-Кама тижорат банклари, Давлат банкининг Тошкентдаги бўлими, Москва ҳисоб банки ва бошқа банкларнинг ўлкадаги фаолияти ва молиявий операцияларига доир турли мазмундаги ҳужжатлар сақланган³⁵.

Ўрганилаётган даврда ушбу мавзу бўйича тарихчи олимлардан ташқари иқтисодчи мутахассислар ҳам ўз илмий изланишларини олиб бордилар. Ш. Ташматовнинг докторлик диссертацияси³⁶ ана шундай тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Гарчи муаллиф ўз тадқиқотида мустамлака даврида ўлкада фаолият кўрсатган

³² Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Тошкент: Шарқ, 2001. 131-б.

³³ Турсунов Р. XX асрдаги миллий матбуотда Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари // *O'zbekiston tarixi*. 2007. № 1. 74–86-бетлар; XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганишда «Садои Туркистон» муҳим манба сифатида. Тарихшунослик ўқишлари. Тошкент, 2010. 191–200-б.

³⁴ Турсунов Р. XX асрдаги миллий матбуотда Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари // *O'zbekiston tarixi*. 2007. № 1. 84-б.

³⁵ Потапова Н. Обзор архивных источников по истории предпринимательства в Туркестане во второй половине XIX — нач. XX века // *O'zbekiston tarixi*. 2001. № 1. 59-б.

³⁶ Ташматов Ш. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Иқтисод фан. докт. дисс. Тошкент, 2006.

банк муассасаларининг фақатгина молиявий операцияларини таҳлил қилган бўлса-да, бироқ ушбу тадқиқот XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон худудида мавжуд бўлган банкларнинг фаолиятини тўла ўрганишда катта роль ўйнайди.

Умуман, Туркистонда банкларнинг шаклланиши ва ривожланиш масалалари тарихига оид мустақиллик даври тадқиқотлари таҳлили натижаларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, тадқиқотчилар ушбу мавзунини ўз илмий изланишларида етарлича ёритганлар. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, мавзунинг барча жиҳатларини ўзида акс эттирган фундаментал тадқиқот ватан тарихшунослигида ҳозирга қадар яратилмаган.

О. ЖАЙНАРОВ

ТУРКИСТОНДА БАНК ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ: МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРИ ОБЗОРИ

Мақолада мустамлака даврида Туркистонда мавжуд банклар фаолияти бўйича мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган. Бунда асосий эътибор давлат ва тижорат банклари фаолиятини ўрганиш масаласига қаратилган. Шунингдек, мақолада ўрганилаётган даврда яратилган мавзуга доир тадқиқотлар икки гуруҳга ажратиб таҳлил қилиниб, истиқболда ўрганилиши зарур бўлган мавзулар доираси аниқланган.

Калит сўзлар: мустақиллик, Туркистон, мустамлака даври, кредит, омонат кассаси, тижорат банклари, молиявий операция, Рус-Осиё банки, акциядорлик.

О. ЖАЙНАРОВ

ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ В ТУРКЕСТАНЕ: ОБЗОР НАУЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЫ ПЕРИОДА НЕЗАВИСИМОСТИ

В статье приведен анализ научной литературы, опубликованной в Узбекистане в новейший период по формированию и развитию банковской системы в Туркестане в конце XIX — начале XX в., позволивший выявить два периода в ее изучении: первый (1991—1997 гг.) характеризуется появлением исследований по становлению банковского дела в Туркестане, второй (1998—2015 гг.) связан с коренными изменениями в исторической науке и появлением первых фундаментальных исследований по данной проблематике. Основное внимание уделено изучению работ, посвященных деятельности коммерческих банков.

О. ЖАЙНАРОВ

THE ISSUES OF THE DEVELOPMENT AND FORMATION OF BANKING SYSTEM IN TURKESTAN: REVIEW OF SCIENTIFIC WORKS OF THE INDEPENDENCE PERIOD

The article analyzes the scientific literature published in modern Uzbekistan on the formation and development of the banking system in Turkestan in the late 19th — early 20th centuries, which allowed to identify two periods in its study. The first period (1991—1997) is characterized by the appearance of the first studies on the establishment of banking in Tukestan, the second (1998—2015 years) is associated with radical changes in historical science and emergence of the first fundamental studies on this subject. Main attention is paid to the study of works devoted to the activities of commercial bank.

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИНИНГ
МАНБАШУНОСЛИК СОҲАСИ РИВОЖИДАГИ РОЛИ».
2015 ЙИЛ ҲАМКОРЛИҚДА БАЖАРИЛГАН НАШРЛАР
СЕМИНАР-ТАҚДИМОТИ ХУСУСИДА**

Маълумки, тарихни ёритишда манбаларнинг ўрни алоҳида аҳамиятлидир. Бундай манбалар сирасига архив материаллари ҳам кириб, бугунги кунда улардан Ўзбекистон тарихини ёритишда кенг қўламда фойдаланилмоқда. Бу жараёнда ҳозиги кунга келиб фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси йўлга қўйилганлиги эътиборга моликдир. Айнан шундай ишларнинг сарҳисобига бағишланган семинар-тақдимот 2016 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг манбашунослик соҳаси ривожига роли: 2015 йил ҳамкорликда бажарилган нашрлар семинар-тақдимоти» номи остида ўтган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, «Ўзархив» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи методик марказ, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети «Манбашунослик ва архившунослик» кафедраси ҳамкорлигида олиб борилган ишларнинг сарҳисоби, қўлга киритилган натижалар ва соҳада мавжуд муаммоларни муҳокама этишга бағишланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти «Тарихшунослик ва манбашунослик» бўлими томонидан олиб борилган «Ўзбекистонда таълим тарихи ва тарихшунослиги: тажриба, муаммолар, ривожланиш ва ўрганиш» лойиҳаси доирасида ЎЗР МДА фондларида сақланаётган Ўзбекистон ҳудудида таълим тизимининг мустамлака ва совет даврига оид материалларни ўз ичига қамраб олган, икки жилдлик ҳужжатлар тўплами «История образования в архивных источниках» (по материалам ЦГА РУз). Том I (1867 – 1917 гг.). Сборник документов¹; том II (1917–80-е гг.). Сборник документов² ва «Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия (1860–1917 йиллар)»³ номи билан нашр этилган хрестоматияларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

¹ История образования в архивных источниках (по материалам ЦГА РУз). Том I. (1867–1917 гг.). Сборник документов. Д.А. Алимова, У.А. Абдурасулов, Х.И. Абдурасулова и др. Тошкент: Yangi nashr, 2015. 204 б.

² История образования в архивных источниках (по материалам ЦГА РУз). Том II. (1917–80-е гг.). Сборник документов. Д.А. Алимова, У.А. Абдурасулов, Х.И. Абдурасулова и др. Тошкент: Yangi nashr, 2015. 504 б.

³ Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия (1860–1917 йиллар). 4-жилд. Тошкент: Navro'z, 2014. 501 б.

«Ўзархив» агентлиги директори А.Ҳ. Абдуллаев кириш сўзида ушбу хрестоматияларнинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Бу хрестоматиялар архив тизими, фан ва таълимнинг ҳамкорликда олиб борилган ишларининг натижаси эканлигини ва келажакда ҳамкорлик йўналишлари кўплигини таъкидлади. Шунингдек А.Ҳ. Абдуллаев архив ишида, хусусан, тадқиқотчилар билан ишлашда мавжуд баъзи муаммоларга ҳам тўхталиб ўтди.

ЎзР ФА Тарих институти директори т.ф.д. Р.М. Абдуллаев тарихчи олимлар ва архив ходимлари ўртасида айнан шундай семинар ўтказиш зарурати анчадан бери мавжудлиги, архив манбаларининг тарихчилар учун аҳамияти хусусида тўхталди. Шунингдек, ёш тадқиқотчиларга ҳар томонлама ёрдам беришнинг долзарблиги ҳамда таҳлил, илмий асос ва муқобил манбаларга асосланган тадқиқотларни олиб бориш лозимлиги ҳақида фикр билдирди.

Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети декани т.ф.н., доц. М.М. Ҳайдаров тақдим қилинаётган китобларнинг аҳамияти, архивчи мутахассисларни тайёрлашнинг долзарблиги ҳақида мушоҳада юритиб ва тарих факультетида фаолият юритаётган «Архившунослик» йўналишида ишлаб чиқариш, фан ва таълим интеграцияси амалиёти йўлга қўйилгани ва соҳада қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳақида тўхталди.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи методик марказ директори т.ф.н., доцент З.А. Саидбобоев эса таълим тарихига бағишланган ушбу хрестоматия тарихчилар, архивчилар ва илм аҳли учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, хрестоматиянинг яратилиши ҳақида тўхталиб ўтди. Ушбу хрестоматиянинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан берилган гувоҳномага ва ўқув нашр мақомига ҳам эга эканлиги унинг аҳамиятини янада оширишини таъкидлади.

Семинар-тақдимотда режалаштирилган маърузалар доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви директори А.Ж. Махамматов «ЎзР МДАда тадқиқотчилар илмий фаолиятини ташкиллаштириш масалалари» номли мавзуда маъруза қилиб, архивда ишлаш тартиби, ахборот хавфсизлиги масаласи, архивларга келувчи тадқиқотчилар ва кўрсатилган хизматлар ҳақида статистик маълумотлар, чет эллик тадқиқотчилар билан ишлаш тартиби тўғрисида маълумот бериб ўтди.

ЎзРФА Тарих институти етакчи илмий ходими, лойиҳа раҳбари, т.ф.д., профессор Д.А. Алимова тақдим қилинаётган хрестоматиянинг яратилишида қандай тамойилларга асослангани, кўриб чиқилган 3600 дан зиёд ҳужжатдан 500 таси саралаб олиниб, унинг таркибига киритилганлиги ва ушбу ҳужжатларда таълим тизими тарихи ҳар томонлама қамраб олишга ҳаракат қилинганлигини айтиб ўтди. Д.А. Алимова ушбу ҳужжатлар тўпламининг яратилиши ЎзР ФА Тарих институти, ЎзР МДА ва ЎзМУ нинг ҳамкорликда олиб борган ишлари натижаси эканлигини таъкидлади.

ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими т.ф.д., профессор Д.Ҳ. Зияева «Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия (1860—1917 йиллар)» китобининг 4-жилдини

тақдим этди. Д.Х. Зияева ушбу хрестоматияни тузишга кўглаб тарихчи олимлар жалб этилганлиги, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан қўлёзмалар, архив ҳужжатлари ва турли асарлардан фойдаланилганлигини таъкидлади. Хрестоматия 6 бобдан иборат бўлиб, унга киритилган ҳужжатлар ва хорижий манбаларнинг аксарияти биринчи маротаба илмий муомалага киритилганлиги ва унинг таркибий тузилиши ҳақида маълумот бериб ўтди.

ЎзМУ Тарих факультети «Манбашунослик ва архившунослик» кафедраси мудир, т.ф.н., доцент З.Б. Раҳмонқулова «Тарихий таълим, архившунослик ва архив иши интеграцияси муаммолари ҳақида» номли маърузасида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда малакали архившунос кадрларни тайёрлаш мақсадида ЎзМУ тарих факультетида архившуносликнинг ўқитилишига алоҳида эътибор берилди бошланганлиги, 2003–2004 ўқув йилида «Манбашунослик ва махсус тарихий фанлар» (ҳозирда «Манбашунослик ва архившунослик») кафедраси қошида «Архившунослик» бакалавр таълим йўналиши очилганлиги, йўналиш талабаларига назарий билимларни бериш баробарида уларни амалий билим ва қўникмалар билан мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилганлигини таъкидлади.

ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н., доцент М.С. Исакова «Архив ишини ўрганишнинг баъзи муаммолари тўғрисида» номли маърузасида архив иши соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар аҳамияти, халқаро тажрибаларнинг ўрганилиши ва маҳаллий архивларда жорий этилиши ҳақида маълумот бериб ўтди. Шунингдек, М.С. Исакова чет эл, айниқса, ғарбий Европада тадқиқотчилар Ўзбекистон архив тизими тўғрисида ҳали-ҳамон етарли маълумотга эга эмасликлари ва соҳада олиб борилган ислоҳотлардан беҳабар эканликларини айтиб ўтди. Бу ҳолатни бартараф этиш учун ахборот алмашинуви жараёнини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлишини таклиф қилди.

Семинар муҳокамасида қатнашчилар кенг иштирок этдилар. Ш.Б. Мухамедов, Н.А. Мустафаева, Н.А. Мухамедов, С.А. Агзамходжаев, Р.Н. Шигабиддинов, Р.Р. Назаров, Б.М. Бабаджановлар маърузалар юзасидан савол-жавоблар, архив иши ва архивларда тадқиқотчилик фаолиятига доир долзарб масалалар бўйича фикр билдирдилар.


Семинар сўнггида иштирокчилар томонидан илгари сурилган фикрларни амалиётга татбиқ қилишни таъминлаш мақсадида таклифлар ишлаб чиқилди.

Ж. Адилов

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

- Н. Аллаева** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси, т.ф.н.
- Ш. Хўжаева** ЎзР МДА катта илмий ходими
- Н. Исматова** ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
- М. Тўхтаева** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси
- С. Нуржанов** ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий-текшириш институти катта илмий ходими, т.ф.н.
- О. Маҳмудов** Фарғона давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси
- Х. Жуманазаров** ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
- А. Асқаров** ЎзР ФА академиги, т.ф.д., профессор
- А. Анарбаев** ЎзР ФА Археология институти Тошкент бўлими мудири, т.ф.н.
- О. Жайнаров** ЎзМУ Тарих факультети иккинчи босқич магистратура талабаси
- Ж. Адиллов** ЎзМУ Тарих факультети «Манбашунослик ва архившунослик» кафедраси ўқитувчиси

Журнал муқовасида: Фаёзтепа. Будда ибодатхонаси. Деворий сурат (I–II асрлар).
На обложке журнала: Фаязтепа. Буддийский монастырь. Настенная живопись (I–II вв.)



ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2016. № 1

Индекс 1027